

65.062  
X-12

# МАКРОИҚТЫСОДИЙ ТАХЛИЛ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

М.Т.ҲАЙДАРОВ, М.З.КАЛНОВА

**МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ**

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва Ўрта маҳсус таълим вазирлиги  
олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар  
фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан  
олий ўқув юртларининг иқтисодий таълим йўналишлари  
талабалари учун ўқув қўлланма  
сифатида тавсия этилган

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти,  
Тошкент 2004.


**THE MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL  
EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

**TASHKENT STATE ECONOMIC UNIVERSITY**

HAYDAROV M.T., KALANOVA M.Z.

## **MACROECONOMIC ANALYSIS**

This manual is recommended by the group of “regulating the activities of scientific organizations of higher education” of the Ministry of higher and secondary special education, for the students of higher education establishments majoring in economy



©Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти,  
Тошкент 2004.

Ҳайдаров М.Т, Каланова М.З. Макроиқтисодий таҳлил  
(Ўқув қўлланма) – Т.: ТДИУ, 2004 – 128 бет.

Ўқув қўлланмада макроиқтисодий таҳлилда фойдалани-  
ладиган асосий иқтисодий тушунчалар ва категорияларнинг  
моҳияти, улар орасидаги ўзаро боғлиқликлар, яратилган ижти-  
моий-иқтисодий ҳолатларни таҳлил қилиши ва ҳисоблаш усул-  
лари баён этилган. Бунда иқтисодий фанларнинг ютуқлари ва  
жаҳон амалиёти ҳамда халқаро молия институтлари талабла-  
рига асосланилган.

Қўлланма иқтисодий таълим йўналишларининг бакалавр-  
лари, магистрлари, профессор-ўқитувчилари ва иқтисодий ин-  
теграция шароитида макроиқтисодий таҳлилга қизиқувчилар  
учун мўлжалланган.

Маъсул муҳаррир: и.ф.д., проф.

Холмўминов Ш.Р.

Тақризчилар: и.ф.н., проф.

Ишмуҳамедов А.Э.;

и.ф.н., проф. Котов В.А.

Haydarov M.T., Kalanova M.Z. Macroeconomic analysis  
(Manual) – T.: TSEU, 2004 – 128 pages.

This manual is about main categories and economic terms of macroeconomic analysis, their relations, social-economic relations and ways of calculation.

The manual is based on the achievements of economic science, world practice and international financial institutions.

This manual is designed for the bachelor and master's students of Higher Educational Establishments as well as for professor-lecturers and for those interested in analysis of macro-economy.

**Responsible editor:** doctor of economic science,  
prof. Holmuminov Sh. R.

**References:** doctor of economic science,  
prof. Ishmuhammedov A.E.;  
doctor of economic science,  
prof Kotov B.A.

## КИРИШ

Халқаро иқтисодиётга интеграциялашиш, Халқаро валюта фонди (ХВФ), Жаҳон Банки, Осиё Ривожланиш Банки каби халқаро молия ташкилотлари фаолиятига қатнашиш бир қанча қоидаларга риоя қилишни талаб этади. Булардан бири мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишини таҳлил қилганда макроиқтисодий кўрсаткичларни бир хил усул ва услубларда ҳисоблашдир. Дарҳақиқат, мамлакатнинг иқтисодий ҳолатини, ўтказилаётган жорий чора-тадбирлар зарурлигини, уларнинг самарасини баҳолашда иқтисодий таҳлил жуда катта аҳамиятта эга. Таҳлилнинг муҳим вазифаларидан бири мамлакатда содир бўлаётган жараёнларни моделлаштириш сифатини ошириш, ўтказилаётган иқтисодий сиёsat натижаларини аниқлашдир. Макроиқтисодий таҳлил асосий илмий-амалий йўналишлардан бири бўлиб, макроиқтисодий кўрсаткичларни ўзаро боғлиқ жиҳатларини аниқлашга ёрдам беради.

Ўшбу ўқув кўлланмани вазифаси миллий иқтисодиёт кўрсаткичларини баҳолаш ва мониторинг ўтказишда фойдаланиладиган усуллар тўпламини ўргатишдир. Шу мақсадда унда мамлакатимиз ишлаб чиқаришидаги товар ва хизматларнинг жами ҳажмини ҳисоблаш, инфляция суръатларини, ишсизлик даражасини, тўлов баланси сальдосини ва валюта алмаштирув курси кўрсаткичларини таҳлил қилиш усул ва услублари баён этилган.

«Макроиқтисодий таҳлил» кўрсатилган иқтисодий агрегатларнинг ўзгаришларини тушунтириб, иқтисодиётда кутилмаган ўзгаришларнинг олдини олиш ва бу борада тегишли чора-тадбирларни, йўлларни таклиф этиш мақсадига асосланган. Мамлакатда содир бўладиган ҳолларнинг аниқ таҳлили ва бу жараёнда зарур бўладиган сиёsatни ишлаб чиқиш аниқ иқтисодий ва статистик маълумотларни изчилилк билан тўплашни талаб этади.

Ўқув қўлланманинг мақсади ҳисбот асосларини ўргатиш, мамлакат иқтисодиётидаги даромад ва бойликлар тақсимотига, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг фаолиятига таъсир этувчи бюджет, солиқ, пул-кредит сиёsatлари, тўлов балансини ва ташки қарзни таҳлил қиласетганда асосий концепциялар, солиқ соҳаси, давлат харажатлари ва капитал қарз сиёsatи билан таништиришдан иборат.

## «МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ» ГА КИРИШ

### 1.1. Диалектика ва иқтисодий таҳлил

Иқтисодий таҳлил асосланадиган диалектиканинг асосий тамойилларига қуйидагиларни киритиш мумкин: ҳамма нарса харажатда; аниқ алоқаларда, ўзаро боғлиқликда ва бир-бирини тақозо қилишда, координацион ва суб координацион аниқликда; зарурат ва тасодифнинг намоён булишида; қарама-қаршиликларнинг бирлиги ва ўзаро курашида; микдорни сифатга ва сифатни янги микдорга ўтказишида, инкорларни инкорли англашда.

Ҳаракат – бу, табиат, жамият, иқтисодиёт, фан, маданият ва ийсон ривожланишининг сўёзиз шартидир. Таҳлилнинг хусусияти, зарурати ва қийинлиги статистикада эмас, балки динамикада ўрганилаётганида. Таҳлилчи бу ерда фотографга эмас, балки бир кадрдан иккинчисига, бир ҳаётий вазиятдан бошқасига доимий ўтишни акс эттириб, ҳодисаларнинг объектив занжирини яратувчи кинооператорга ўхшайди.

Ҳаракатнинг ўзи – бу, жуда мураккаб ҳодиса, ўзида гоҳо кенгайиб, гоҳо қисқариб, спирал бўйлаб тенг айланада бўйича ўтмишнинг қайтарилишини диалектик бирлаштирувчи ва узлуксиз динамизмининг дискретлик ҳодисалари билан, критикликнинг конструктивлик билан яққол бирикмасидир. Буларнинг барчаси иқтисодий таҳлилнинг услубияти ва методикасида тегишича акс этиши керак.

Демак, иқтисодий таҳлилнинг предмети – бир-бири билан у ёки бу алоқада, доимий ҳаракат ва ривожланишда бўлган предметлар ва ҳодисалар тўпламидан иборат бўлган тадқиқотчиликдир. Бу алоқалар хилма-хилдир ва қисмни бутунича ҳамда аксинча муносабатларда, тенгликлар ва тенгсизликларда, аниқ ёки ноаниқ ўзаро бўйсунувчиликда, бир-бирини тақозо қилишда ва ўзаро боғлиқликда ўз аксини топади. Бирининг ҳолати ўзгариб, иккинчисига ўтишида акс этувчи ўзаро муносабат табиий, ижтимоий, иқтисодий ҳодисаларни мантиқий-услубий ва гнесеологик билишдир. Иқтисодий ҳодисаларни, бу ҳодисаларнинг ўзаро муносабатини, аниқ ва умумий кўринишини ўрганмасдан уларнинг тузилмасини, хосаларини, воқейликнинг қонунларини билиш мумкин эмас. Барча мавжудотни қамраб олувчи ҳодисалар, жараёнлар, предметларнинг ҳамма нарсани қамраб олувчи алоқаси муносабатлар “тўри” орқали бир бутунни яратади ва бу тадқиқот объекти бўлади.

Бунда сабаб-оқибат алоқаны топиш, айниңса, мұхимдир, чунки сабаб оқибатны келтириб чиқаради, оқибат эса кейинги бошқа ҳодиса ёки ҳолатнинг сабабига айланади ва бу, узлуксиз давом этади. Бу ерда биз яна координация ва субкоординация намоён бўлган доимий ҳаракат, ривожланиш ва ўз-ўзини ривожлантириш жараёни билан тўқнашамиз. Мальумки, сабаб-оқибат муносабатлар функционал ва стохастикга бўлинади, лекин улар ҳеч қачон сабабсизлик, тасодифга айланмайди.

Фалсафий маънода таосидифнинг ўзи заруратнинг намоён бўлиш шаклларидан биридир, у қандайdir сабаблиликнинг (айрим вақтда жуда кам учрайдиган) ҳосиласидир.

Бу ерда биз «детерминант» ва «функционал боғлиқлик» тушунчалари билан тўқнашамиз. Агар биринчиси ўрганилаётган ҳодисалар ўртасидаги аниқ қатъий алоқадорликни билдирса, иккинчиси эҳтимолли алоқа билан ҳарактерланади. Шундан иқтисодий таҳлилнинг услублари чизиқли алоқа хос бўлган детерминант ёки эҳтимолли боғлиқликларни аниқловчи стохастик услублар сифатида намоён бўлади.

«Фалсафа» нинг асосий муаммоларидан бири қарама-қаршиликлар бирлиги ва ўзаро кураши, тарихий, шу жумладан, иқтисодий ривожланишининг зиддиятлилиги ҳақидаги муаммодир. Ҳеч бир формация бир текис ривожланмаган. Уларнинг ҳар бирига ривожланишининг эгри чизиқли, зигзагсимон, олдинга кетиши, орқага қайтишилик ҳаракети хос бўлган. Ҳозирда Россия ва бошқа собиқ социалистик лагерь мамлакатларининг иқтисодиёти бунга ёрқин мисолдир. Қарма-қаршиликларнинг бирлиги ва ўзаро кураши, антогонистик ва ноантогонистик зиддиятларнинг мавжудлиги олға ҳаракат қилишнинг энг қудратли воситаларидан бири ҳисобланган. Глобал ҳарактерга эга бу қонун ўзини макродаражада яққол намоён қилиб, турли иқтисодий-таркибий қисмларнинг ўзаро муносабатига таъсир этади, Моварауннарх икродаражадаги тузилмаларда ҳам ўз аксини топади. Ушбу қонуннинг корхоналар ва уларнинг асоссиялари хўжалик-молиявий фаолиятига таъсирини иқтисодий таҳлил топиши ва келиб чиқиши мумкин бўлган салбий оқибатларнинг қўл остидаги воситалар ва усувлар билан олдини олиши, шу усувлар ва воситалар билан зиддиятли ривожланиш натижаси бўлган ижобий сифатли оқибатга ёрдам бериши керак.

Иқтисодий таҳлилни диалектик билиш билан миқдор ва сифат фалсафий муаммоси айниңса яқинлаштирилади. Билиш, фикрлаш, таҳлилга миқдорий ёндашувнинг асосида асосан динамик жараён ривожланишининг узлуксизлиги эмас, унинг дисcretилиги ётади. Бутунлик эмас, балки қисмларга бўлиниш, ле-

кин улар ҳам бутунга бирлашадилар. Микдорни тадқиқ қилишга ҳисоб ва ўлчов характерлидир. Микдорни фалсафий тушунча сифатида предметлар ва уларнинг қисмлари, хоссалари ва алоқаларининг ўзаро боғлиқлиги, формал ўзаро муносабати сифатида таърифлаб, булар сон, катталик, ҳажм, у ёки бу хоссанинг намоён бўлиш даражалари кўпдан-кўп ўлчовлари билан ифодаланади.

Масалага тарихий нуқтаи назардан қараб, шуни айтиш керакки, авваллари иқтисодий таҳлил асосан сифатмас, балки микдор категорияларидан фойдаланган. Шу вақтнинг ўзида бу категориялар фақат диалектик бирликда, микдорни янги сифатга ва янги сифатнинг янги микдорга ўтишида кўриб чиқилиши керак. Ахир маълумку, янги сифат микдорига ҳам ижобий таъсир қиласди. Масалан, ҳалқ истеъмоли маҳсулотлари сифатининг ўсиши уларнинг мустаҳкамлигини оширади ва фойдаланиш мудатини узайтиради, бу эса ушбу маҳсулот ишлаб чиқаришнинг янги микдорий ўсишини талаб қилмайди. Жаҳон андозаларига кўра, биз анча орқада қолганимиз, деярли рақобат-бардошлиқка эга эмасмиз ва ривожланишимиз заҳиралари авваламбор бу соҳададир. Агар кўриб чиқилаётган категорияни аниқ ифодаласак, сифат – бу, объектнинг мавжуд хоссалари, ички ва ташқи аниқлиги, нисбий барқарорлигининг функционал бирлигидир, нисбийликнинг маъноси шуки, сифат, мукаммалликнинг чегаралари йўқ.

Ниҳоят, “инкорни инкор”, диалектик қонуни ва унинг иқтисодий таҳдилгуслубиятига таъсири ҳақида. Бунда биз таҳлил обьекти чексиз йўқ бўлувчи ва янгидан пайдо бўлувчи хўжалик жараёнлари эканлигини, сўзсиз, яна бир бор тасдиқланшимиз лозим.

## 1.2. Макроиқтисодий таҳлил ва МҲТнинг роли

Макроиқтисодий таҳлил турли иқтисодий ўзгарувчилар орасидаги функционал ўзаро алоқаларнинг параметрларини баҳолашдан иборат. Макроиқтисодий таҳлил ўтказилганда ижтимоий-иқтисодий жараёнларни моделлаштириш кенг қўлланилади.

Макроиқтисодий таҳлилнинг воситалари қўйидаги моделлардир: эконометрик, вақтли қаторлар, имитацион, умумий мувозанат. Юқорида айтилган моделлар миллий ҳисоблар тузилмаси МҲТ доирасида жорий, ўзгармас нархларда ўсиш ва қўшимча ўсишнинг суръатларида тузилади.

Макроиқтисодий тадқиқот учун қўлланиладиган моделлар тадқиқотчи мансуб бўлган иқтисодий мактаб ҳамда ўтказилаётган таҳлил мақсадига қараб фарқланади. Лекин МҲТ яго-

на шартда - улар ишлаб чиқариш, истеъмоллар ва МҲТ асосида ётган бошқа асосий тушунчаларга зид бўлмслик шарти билан барча иқтисодий мактаблар талабига жавоб беради.

МҲТ макроиқтисодий ҳисобларнинг, актив ва пассив балансларнинг ҳамда жадвалларнинг мантиқий кетма-кет, бутун тўпламидан иборат. Уларнинг асосида халқаро даражада келишилган қатор тушунчалар, таснифлар ва ҳисоблар қоидалари ётади. Ҳисобларнинг комплекс тизими иқтисодий таҳлил, қарор қабул қилиш ва сиёsat, ишлаб чиқариш мақсадлари тўғри кела-диган шаклда иқтисодий маълумотларни тузиш ва бериш имко-нини беради.

МҲТ макроиқтисодий маълумотларни қайта ишлаш ва уларни макроиқтисодий таҳлил эҳтиёжлари учун керакли шаклга тизимли равищда келтиришга имкон берувчи бухгалтерия ҳисобининг тизими сифатида ишлаб чиқилган. У миллий иқти-содиёт кўрсаткичлари таҳлилида, баҳолашда ва мониторингида муҳим роль йўновчи ахборотнинг узлуксиз оқимини ташкил этиш учун халқаро ҳамжамият тан олган асосдан иборат.

Расмий доиралар иқтисодий статистика маълумотларини тақ-қослашни таъминлашга қизиқишни биринчи бор 1928 йилда на-моён қилишди. БМТ ягона статистикани яратиш ва маълумотлар-ни беришнинг бир хил услубларини қабул қилиш мақсадида иқти-содий статистика бўйича халқаро конференция ўтказди.

МҲТ тарихида 2 та тенденциянинг бирикмаси кузатил-ган: миллий ҳисобчиликнинг ривожланиши ва статистика ма-салаларининг интернационализацияси.

1939 йил Миллатлар Иттифоқи биринчи бор миллий да-ромадни, баҳоларни эълон қилди.

МҲТнинг айрим қоидалари: 1953, 1968 ва ниҳоят, 1993 йилларда қўриб чиқилган. МҲТ 1993(МҲТ-93)нинг муҳим хусусиятлари қўйидагилардир: соддалик, модернизация, аниқ-ликлар ва соддалаштириш ҳамда келишилганлик. МҲТ бирин-чи марта нашр этилганидан бери турли мамлакатлар иқтисоди-ётида ўзгаришлар рўй берди. Олиб борилаётган сиёsatнинг энг асосий муаммоларидан бири инфляция эди. Кўпгина мамлакат-ларда, айниқса, ўтиш иқтисодиётили мамлакатларда Давлат бошқарув органлари (ДБО)нинг роли ўзгарди. Хизматлар со-ҳасидаги фаолият муҳим аҳамият касб этди. Молиявий инсти-тутларнинг тузилмаси мураккаблашди.

МҲТ-93да операцияларнинг ноқонунийлиги уларни ҳи-собларга киритмасликка асос бўла олмаслиги қўрсатилган. Ти-зимнинг охирги таҳририда қўшилган қиймат солиқлари кате-гориясига тегишли ва қатор мамлакатларда 1968 йилдан кейин

киритилган солиқларни ҳисобга олиш услублари тавсия этилган. Ниҳоят, МХТ-93 да расмий күп валюта курслы тизимларда ҳисобга олиш тартиби бўйича тавсия берилган.

МХТ-93ни қабул қилиш БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий кенгашига, статистика қўмитасига Нью-Йоркда 22 февраль 3 марта бўлиб ўтган 27-сессиясида тавсия қилинган.

### 1.3. МХТдан фойдаланиш соҳалари

Юқорида айтилганларни ҳисобга олиб, МХТни қўллашнинг асосий соҳаларини белгилаймиз:

1. Макроиктисодий таҳлил. МХТ ушбу таҳлил учун қулай асосдир, чунки етарлича эгитувчандир, турли иқтисодий назариялар ва ғояларга тўри келади, иқтисодий ғивожланишининг турли босқичларида фойдаланилади.

2. Турли даврлар учун маълумотларнинг солиштирма таҳлили. МХТ энг муҳим макроиктисодий агрегатларнинг вақт давомида ўзгаришини қузатишга имкон беради.

3. Мамлакатлараро ёки ўзаро таҳлил. Турли мамлакатлар бўйича маълумотларни таққослаш. МХТ ҳалқаро ташкилотлар томонидан фойдаланилади, таърифланиш ва таснифланишининг тегишли ҳалқаро андозаларга тўғри келадиган маълумотларини беришга имкон яратади. Бу маълумотлар асосида Ҳалқаро валюта фонди (ХВФ)га аъзо мамлакатларнинг квоталарини ҳисоблашда имтиёзли ёрдамга ҳуқуқлар ҳақида қарорлар қабул қилинади. Умуман олганда, мамлакатлараро таҳлил турли мамлакатлардаги иқтисодий ҳолатни таққослаш учун қўлланилади.

Бундай таққослаш ишлаб чиқариш ҳажми кўрсаткичларини умумий валютада ўтказишни талаб қиласди. Амалиётда Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг миллий валютадага оид маълумотларини ўтказиш бозор курсларида амалга оширилади. Бу айирбошлини қайта ҳисоблаш мақбул бўлади, агар бозор (ёки расмий) айирбошли курслари тегишли мамлакатларда таққослашадиган мамлакалардаги товарлар ва хизматларнинг ўрта тортилган нархлар нисбатларига тенг бўлса. Бу ўзаро алоқа харид қобилиятининг Паритети (ХКП)дан кескин фарқ қилиши мумкин, бу эса ЯИМнинг улуш коэффициентларида ўзгаришларга ва демак, таққослашда систематик хатога олиб келади.

Марказий режалаштиришда пировард ишлаб чиқариш ҳажмини баҳолаш учун бошқа тизим — моддий маҳсулотлар тизими (ММТ) ишлаб чиқариш, унинг доирасида ишлаб чиқариш ялпи ҳажми кўрсаткичи бўлиб моддий ишлаб чиқаришнинг соғ маҳсулоти хизмат қилган. ММТнинг МХТдан асосий

фарқи шундаки, ММТда амортизация ва номоддий хизматлар секторининг қўшилган қиймати ҳисобга олинмаган.

МХТда иқтисодиётнинг 5 та асосий сектори фарқланади: уй хўжаликлари, корхоналар, молиявий сектор, ҳукумат ва ташқи сектор.

Уй хўжаликлари иқтисодий ресурсларнинг асосий етказиб берувчилариидир. Улар турли омил бозорларига меҳнат ресурсларини, ер ва капитални таклиф қилишади, товарлар бозорида товарлар ва хизматларга талабни пайдо қилишади, лекин юридик шахс бўлмаган корхоналарни тузиб, ишлаб чиқарувчilar сифатли фаолият кўрсатиши мукин.

Корхоналар ер, ишчи кучи ва капитал каби ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишади.

Молиявий сектор молиявий характердаги воситачилик хизматлари билан иқтисодиётни таъминлайди.

Ҳукуматнинг иқтисодий роли самарали меъёрий-ҳуқуқий базани яратиш, айрим ижтимоий неъматларни ишлаб чиқариш, солик тизимини назорат қилиш ва давлат харажатларини бошқаришдан иборат.

Ташқи дунё сектори иқтисодиётнинг норезидентлар билан барча операцияларини бирлаштиради.

## Қисқача хуросалар

Макроиқтисодий таҳлил диалектик қонунларга асосланади. Иқтисодий таҳлил предмети бўлиб, ўзаро алоқадор, доимий ҳаракатдаги ва ривожланадиган предмет ва ҳодисалар тўпламидаги тадқиқ қилинадиган реаллик ҳисобланади. Макроиқтисодий таҳлил асосида XX аср бошидан бери жаҳон ҳамжамияти фойдаланаётган ва доимо ривожланаётган ҳамда жаҳон иқтисодий интеграцияси глобализациясини ҳисобга олиб, қайта ишланаётган миллий ҳисоблар тизими доирасидаги иқтисодий моделлар ётади.

### Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. “Иқтисодий таҳлил”нинг предмети нима?
2. Макроиқтисодий таҳлил қандай диалектика қонунларига асосланади?
3. Бирламчи статистикани яратишнинг қандай босқичларини биласиз?
4. МХТ иқтисодиётнинг қандай соҳаларида ишлатилади?

### Асосий адабиётлар

1. А. Луссе. Макроэкономика. Санкт-Петербург, изд. «Питер», 1999.
2. Макроиқтисодий таҳлил ва сиёsat. ХВФ семинар материаллари. – Вена, 2000.
3. Ўзбекистон Республикаси Статистика Департаменти «Миллий хисобот тизими».
4. «System of National Accounts» Commission of European Communities, International Monetary Fund, Organization for Economic Cooperation and Development, United Nations and The World Bank, 1993. Volume 1.
5. Theoretical Aspects of the Design of Fund-Supported Adjustment Programs. A study by the Research Department of the International Monetary Fund, Occasional paper 55, IMF, Washington, D.C., September 1987.

## ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИ

### 2.1. Миллий даромадлар ва маҳсулотлар ҳисоби

Асосий макроиктисодий ҳисоблар миллий даромад, миллий маҳсулот ҳисоблари, тўлов баланси, давлат молия статистикаси ва пул-кредит обзори ҳисобланади. Бу ҳисоблар умумий мақсад учун хизмат қиласи. Улар иқтисодий таҳлил ва иқтисодий сиёсатга доир қарорлар қабул қилиш учун пойдевор ҳисобланади. Иқтисодиётнинг турли нуқтаи назарларини характерлашига қарамай, уларниң ҳаммаси ягона концепцияга асосланади ва ягона тизимни ташкил этади. Бу бобни ўрганишдан мақсад – шу тизимни ва шу ҳисоблар ўртасидаги алоқаларни ўрганишга қаратилган.

«Макроиктисодиёт»нинг предмети иқтисодий аграгатларни ўрганиш ҳисобланади, чунончи, харажатлар, даромадлар ва ишлаб чиқариш ҳажми умумий даражаларини; бандлик кўрсаткичлари; баҳо ва иш ҳақи; ташқи савдо оқимлари; солиқ тушумлари ва давлат харажатлари; пул ва кредит оқимлари. Амалиётда макроиктисодиёт уч масалани ечишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди: ўзгаришларни иқтисодий агригатлар орқали тушунтириш; иқтисодий ўзгарувчилар ўзгариши оқибатларини башоратлаш; иқтисодий сиёсатни аниқловчи шахсларга уёки бу иқтисодий мақсадларга эришишига ёрдам бериш. Равшанки, иқтисодий ривожланиш сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш учун, аввало, иқтисодий ҳолатларни ўлчашни билиш лозим. Миллий ҳисоблар асослари макроиктисодий ўзгарувчилар ҳақидаги зарурий ахборотларни системалаштирилган тарзда қайд қилиши мақсадида ишлаб чиқилган.

Энг муҳим бўлган макроиктисодиёт агригатлари, бу – ишлаб чиқариш ёки “маҳсулот” умумий ҳажми қийматидир. Бозор иқтисодиётида ишлаб чиқариш ҳажми ялпи ички маҳсулот (**ЯИМ**) сифатида аниқланади ва мазкур ҳисоб тизими миллий ҳисоблар тизими (**МХТ**) деб аталади. Бу бўлимда МХТ мувофиқ миллий берилмалар ҳисобининг бир қатор асосий концепцияси ва таъсифлари ифодаланган. МХТ уёки бу мамлакатнинг маълум даврдаги ишлаб чиқариши ҳажми ҳақида маълумот олишига имкон беради. Ҳисобларнинг ўзи эса шундай ишлаб чиқилгани, улар ёрдамида асосий иқтисодий саволларга жавоб олиш мумкин. Масалан, “Мамлакатда қайси маҳсулот ишлаб чиқариляпти ва қай миқдорда?”, “Мамлакат иқтисодиётида қандай ишлаб

чиқариш секторлари мавжуд?”, “Миллий даромад ишлаб чиқариш омиллари орасида қандай тақсимланади, хусусан, меҳнат ва капитал ўртасида?”. Миллий ҳисоблар иқтисодий таҳлил билан шуғулланувчилар каби иқтисодий режалаштиришларни амалга оширувчиларга ҳам зарур. Чунки улар:

- муҳим иқтисодий ўзгаришларнинг ўлчови ва иқтисодий ривожланиш таҳлилини ўтказиш учун мос статистик асосни;
- иқтисодий ривожланиб боришин баҳолаш учун даврлар кўрсаткичларини таққослаш имкониятини;
- иқтисодиёт потенциал имкониятлари кўрсаткичларини ҳақиқий иқтисодий кўрсаткичлари билан таққослаш имконини;
- турли мамлакатлар орасида таққослаш ўтказишга имкон берувчи умумий асосни таъминлайди.

Иқтисодий ривожланишни ўрганиш учун иқтисодий агрегатларнинг микдорий аҳамиятини аниқлаш ҳамда мамлакат иқтисодиётини, субсекторлар орасидаги алоқаларни яққол ҳолда кўрсатиш зарур. Миллий даромадлар ва маҳсулотлар ҳисоби бу иккала масала ечимини таъминлайди.

МХТ бозор иқтисодиёти амал қилаётган мамлакатларда бир неча ўн йиллардан бери қўлланилади. Авваллари марказлаштирилган режалаштириш қўлланилган мамлакатларда ишлаб чиқаришнинг охирги ҳажмини ўлчаш учун ўзга тизим ишлаб чиқилган. Бу тизим моддий маҳсулотлар тизими (ММТ) дея номланиб, унинг кўрсаткичи сифатида моддий ишлаб чиқариш соф маҳсулоти хизмат қиласди.

ЯИМ ва “Миллий ишлаб чиқариш соф маҳсулотлари” тушунчаси

Авваллари марказлаштирилган режалаштириш амал қилган мамлакатларда ишлаб чиқариш ҳажмини ўлчаш учун “Моддий ишлаб чиқариш соф маҳсулот” (МИСМ) номини олган микдор қўлланилган. МИСМ марказий режа асосида ётувчи харажат-маҳсулот жадвалидан келиб чиқсан. МИСМ ва ЯИМ орасидаги фарқ шуки, МИСМ таркибига амортизация ва номоддий хизмат секторига қўйилган қийматнинг маълум қисми қўйилмайди. МИСМ таркибига моддий ишлаб чиқариш маҳсулотининг тақсимоти билан боғлиқ хизмат киради, масалан, транспортирофка, сақлаш ва маркетинг. Бундай хизматларга моддий ишлаб чиқариш жараёни “давоми” деб қаралган. Бундан ташқари МИСМ таркибига ишлаб чиқариш жараёнида қўшимча қўшиладиган ресурслар кирмаса-да, улар МИСМдан чиқариб ҳам ташланмаган. Шу билан бир вақтда авваллари марказлаштирилган режалаштириш қўлланилган турли мамлакатларда номоддий хизматлар орасида қайсилари кириши амалиётда турлича ҳал қилинган.

Шундай қилиб, МИСМ асосида ЯИМни ҳисоблаш учун унга амортизация ва барча номоддий хизматлар қўшилган қиймати, шу жумладан, давлат бошқарув органлари қўшган қиймат суммасини қўшиб ва ундан ишлаб чиқариш жараёнида қўшимча қўшиладиган ресурслар сифатида қўлланилган номоддий қийматлар суммаси айрилганига тенг. Бунда тўғрилаш натижасида олинган ЯИМ қиймати кўп ҳолларда МИСМ қўрсаткичидан 20-30% юқори бўлган.

### Асосий концепциялар

Ишлаб чиқариш умумий ҳажми. Бозор нархларида ҳисобланган ЯИМ ишлаб чиқарувчи бирлик – резидентлар хўжалик фаолиятининг охирги натижасини ифодалайди. У барча ишлаб чиқарувчи бирлик–резидентлар томонидан қўшилган қийматларниг ялпи суммасини акс эттиради. У яна охириги товар ва хизматлар истеъмолининг суммасидан импорт товар ва хизматлар суммасини чиқариб ташлаганига ёки бўлмаса ишлаб чиқарувчи бирлик резидентлар томонидан тақсимланган даромадлар суммасига тенг. Жисмоний шахс ёки ташкилот “бошқа худудларга қараганда қўпроқ алоқалар” ёки унинг манфаатлари маркази жойлашган мамлакат резиденти ҳисобланади. Бундай ҳолатда чет элликлар тасарруфидаги корхоналар манфаати маркази деб улар ўз фаолиятини олиб бораётган мамлакат худуди тушунилади. Шундай қилиб, МХТ мувофиқ мамлакат худудида амал қилаётган барча корхоналар, улар қисман ёки тўлиқ чет элликлар мулки бўлсада, резидентлар, деб аталади. Бундан келиб чиқадики, чет элдаги фелиаллар ва ички корхоналар шуъба корхоналарига уларниг бош компониялари жойлашган мамлакат резидентлари деб қаралмайди. Жисмоний шахслар миллий ҳисоблар (тўлов баланси) тузища миллиати ва фуқаролигидан қаъти назар мамлакат худудида I йил ва ундан ортиқ яшаётган бўлса, резидентант ҳисобланади. Давлат бошарув органлари ходимлари фаолиятини хорижда олиб борицса ҳам ўз мамлакатлари резидентлари ҳисобланишади. Шундай қилиб, мамлакатдан ташқаридаги элчихоналар ва унда ишловчи шу мамлакатнинг фуқоролари ўз мамлакатлари резидентлари саналади. Элчихонанинг маҳаллий аҳоли ҳисобидан ёлланган ишчиларга эса ўз мамлакатлари резидентлари дея қаралади.

Ишлаб чиқариш резидентлари хўжалик фаолияти натижасида олинган даромад, асосан резидент ўртасида тақсимланади. Шу билан бирга даромадларниг маълум бир қисми норезидентларга тўланиши, ташқи дунё (норезидентлар) даромадларининг бир қисми резидентларга ўтиши мумкин. Резидентлар тарафидан олинган даромадларни ҳисоблаш учун ЯМД,

**ЯИМ**дан норезидентларга тегишли даромадни (ёлланма ишчи-ларга тўловлар ёки мулкдан даромад) айриб, унга ишлаб чи-қарувчи бирлик норезидентлардан келган даромад кўшилади. **ЯИМ** ва **ЯМД** орасидаги фарқ "соф хориж даромади" дея номланади ва у мусбат ёки манфий қийматта эга бўлиши мумкин. Бундай тўловлар ва тушумлар асосан инвестициялардан деви-дентлар, қисқа ва узоқ муддатли заёmlар бўйича фоизларни олади. Мехнат даромадлари нисбатан кам, чунки чет элда ишлаётган ишчи бир йил ўтгач, ўша мамлакат резиденти (статистика нуқ-таи назаридан) ҳисобланади ва унинг даромади яшаётган давлат **ЯИМ** ва **ЯММГа** кўшилади. Ташқи омиллардан фойдала-нишдан тўловлар ва тушумлар суммасига ер ва бинолар ижа-раси тўловлари ва муаллифлик (китоб, фильмлар, мусиқа, дасту-рий таъминот учун) хукуқи эгаларига тўловлар киради.

### Трансферлар

Трансферлар деб тўловларнинг шундай турига айтила-дики, уни амалга оширувчи томон тўлови ўрнига ҳеч нима ол-майди ва қабул қилган томоннинг ҳеч қандай мажбурияти бўл-майди. Трансферларга чет элликлеклар, бошқа мамлакатлар-да ишловчилар жамғармалари репатриацияси, эммигрантлар тухфалари, пул ўтказучилар, хайрия ташкилотлари ёрдам тарзи-да ўтказган воситалар, хорижий давлатлар иқтисодий ёрдам тар-тибида берган воситалар киради. Трансферлар ички иқтисо-диёт ишлаб чиқаришининг қисми бўлмаганлиги туфайли улар ишлаб чиқариш умумий ҳажми кўрсаткичларига кўшилмайди. Шу билан бирга трансферларни маълум даврда мамлакат иқти-садиёти эга ва уни охирги истеъмол ёки ялпи жамғармага сарф-лаши мумкин бўлган даромадлар бари бир оширади ёки камай-тиради. **ЯМД** ва хорижий трансферларни акс эттириш учун ялпи миллий ихтиёридаги даромад (**ЯМИД**) тушунчаси кўлла-нилади. Модомики, соф трансферлар манфий ишорада бўлиши (трансфер тўлови трансфер тушумидан катта бўлиши), ялпи миллий ихтиёридаги маҳсулот ҳажми ялпи миллий маҳсулот-дан кам бўлиши мумкин.

### Номинал ва реал агрегатлар

Номинал агрегатлар деб жорий давр баҳоларида ўлчанади-ган агрегатларга, реал агрегатлар деб базис давр баҳоларида ўлчанадиган агрегатларга айтилади. Шундай қилиб, номинал **ЯИМ** маълум даврдаги товар ва хизматларнинг жорий давр нархлари-

даги ўлчанган ҳажмидир. Реал ЯИМ ҳам шу товар ва хизматларни белгилайди, аммо нархларни базис йили баҳоларида олади. Номинал ЯИМ ўзгариши нарх ёки ҳажм ўзгариши натижасида ҳам юз бериши мумкин. Реал ЯИМнинг ўзгариши охириги маҳсулот ҳажми ўзгаришини акс эттиради. Нархларнинг ўртача даражаси базис йилга нисбатан ўзгаришини номинал ЯИМни реал ЯИМга нисбати каби аниқлаш мумкин. Бу коэффициент ЯИМнинг нарх дифлятори деб аталади. Базис йил учун дифлятор қиймати бирга (ёки коэффициент фоизларида ҳисобланса 100 га) тенг. ЯИМ дифлятори ўртача қийматининг ўзгариши мамлакатдаги инфляциянинг умумий құсаткичи бўлади.

### Товар ва хизматлар

МХТга мувофиқ ҳар бир ишлаб чиқариш бирлиги, у товар ишлаб чиқарадими ёки хизмат күрсатадими ресурслардан фойдаланиб, маҳсулот ишлаб чиқаради ва қўшилган қиймат яратади. Модники, ҳамма ишлаб чиқариш бирликлари яратган қўшилган қиймати қўшилса, ЯИМ таркибиға ҳамиша хизмат кўрсатиш соҳаси яратган қўшилган қиймат ҳам қўшилади. Ҳар бир тур маҳсулот баҳоси унга бозорда сотиши нархи ёки тартибга солувчи баҳо “табиий” монополия ҳолатида (масалан, телефон хизмати) ўлчанади. Давлат бошқарувида эса унинг маҳсулоти қиймати давлат секторидаги умумий иш ҳақи суммаси билан ўлчанади. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, хизмат соҳасидаги капитал товарлар эскириши (масалан, саттарош қайчиси эскириши) ҳам ЯИМ таркибиға қўшилади: у мамлакат иқтисодиёти амортизацияси умумий суммаси таркиби ҳисобланади.

### Ташқи баланс

Экспортга ишлаб чиқариладиган товарлар охириги маҳсулот қисми бўлади. Умумий истеъмол ва капитал қўйиш ўз ичига импорт товарларини олар экан, ички маҳсулот ҳажмини аниқлаш учун ундан импорт ҳажмини айриш керак. Шундай қилиб, ЯИМни харажатлар билан ҳисоблашда экспортни бошқа харажат комплектларига қўшиш, импортни эса айриш лозим.

## 2.2. Миллий ҳисобнинг асосий айниятлари

Корхона яратган қўшилган қиймат ишлаб чиқариш ҳажми билан оралиқ истеъмол фарқига тенг. ЯИМни барча ишлаб чиқариш бирликлари қўшилган қиймати суммаси каби олиш

мумкин. ЯИМни яна бозор баҳоларида ва (омилларни) қийматлари бўйича ўлчаш мумкин. Кейинги усул даромадларни ўлчаш билан боғлиқ. У ялпи қўшилган қийматдан солиқлар минус ишлаб чиқариш субсидияси айрилганига тенг бўлган ихтиёридаги натижани беради.

**ЯИМ** (омиллар қиймати бўйича) қ ҳамма омиллар даромадларнинг суммаси (даромадларга солиқларни тўлашдан илгари) =  $W+OS$  (1)

**ЯИМ** (бозор баҳолари бўйича) = **ЯИМ** (омиллар қиймати бўйича)  $ITS$

$W+OS+ITS$  (2)

Бу ерда:  $W$  – ишчиларга иш ҳақи ва бошқа тўловларни жамловчи кўрсаткич;

$OS$  – ишлаб чиқариш бирликлари жорий операциялардан олган (**ЯИМ**) янги фойда (ўз ичига ижара тўловлари, фоиз тўловлари, амортизация ва фойданни олади);

$ITS$  – субсидиялар чиқариб ташланган билвосита солиқлар (сотувдан ва хўжалик фаолияти учун корхоналар давлатга тўлаган солиқлардан корхоналар давлатдан олган трансферлар айрилади).

Ялпи ички маҳсулотни яна бозор баҳоларида охирги товар ва хизматларга сарфлар суммаси билан ўлчани мумкин. Бунда истеъмол харажатлари, ялпи инвестиция ва соғ экспорт қўшилади.

**ЯИМ =  $C+1+(x-M)$**  (3)

Бу ерда:  $C$  – давлат ва уй хўжаликлари истеъмол харажатлари суммаси;

$I$  – хусусий ва давлат секторида асосий капитал жамғариш ва товар – моддий заҳиралар қиймати ўзгариши суммаси;

$x$  – товар ва номоддий хизматлар экспорти;

$M$  – товар ва номоддий хизматлар импорти.

Асосий капитал жамғариш деб асосий активлар сотиб олишига айтилади. Асосий активлар бу ишлаб чиқариш жараённида яратилган ва бошқа ишлаб чиқариш жараёнларида йил давомида ва қўпроқ муттасил равишда фойдаланиладиган активларdir. Капитал жамғаришининг асосий шакллари:

- яшаш бинолари;
- бошқа қурилиш ва иншоотлар;
- машина ва асбоб–ускуналар;
- “етиштириладиган” активлар, масалан, мева, сут каби-

ларни ишлаб чиқариш учун дараҳт ва уй ҳайвонлари.

Миллий даромадлар ҳисоби доирасида ялпи жамгарма ялпи истеъмол қилинмаган даромад сифатида аниқланади. Биринчидан, юқорида кўрсатилганидек қўйидаги айниятлар ўринли:

$$\text{GNI} = \text{GDP} + \text{YF} \quad (4)$$

$$\text{GNDI} = \text{GNI} + \text{TRF} \quad (5)$$

Бу ерда: GNDI – ялпи миллий ихтиёридаги даромад; YF – хориждан олинган соғ моддий омиллар даромади;

TRF – хориждан олинган соғ моддий омиллар даромади.

Мамлакат иқтисодиётидаги ялпи жамгармалар суммаси ни қўйидагича тасаввур қилиш мумкин:

$$S = \text{GNDI} - C \quad (6)$$

(G) ва (3) tenglamalarni ёрдамида қўйидаги муҳим муносабатни оламиз:

$$(S-I) = (x-M) + YF + TRF \quad (7)$$

Бу ифоданинг муҳимлигини баҳолаш жуда қийин. Чунки ушбу айният бизга тўлиқ боғликларни билдира олмайди.

У ҳисоб айнияти бўлиб, ҳамиша бажарилади (албаттa, агар олдинги ҳисоблашларда хато бўлмаса). У таркибига киритилган агригатлар ва МХТ ҳисоб қоидалари билан тушунтирилади. (7) айният ички сектор ва тўлов баланси жорий операциялари орасида муҳим алоқа мавжудлигини кўрсатади. Буни қисқа қилиб қўйидагича ифодалаш мумкин: агар ҳусусий ва давлат сектори харажатлари суммаси даромадлар суммасидан ортса, у ҳолда инвестициялар жамгармалардан ошади ва бу жорий ташки операциялар ҳисобида камомадда тўғридан–тўғри акс этади.

Иқтисодий назария қоидаси бўйича уй ҳўжалигининг истеъмоли ва ихтиёридаги даромади ўртасидаги арифметик боғлиқликка қарамай, улар ўртасида ахлоқий боғлиқлик мавжуд. Унинг оддий шакли қўйидагича:

$$CP = a + b YD$$

$$a > 0, 0 < b < 1$$

Истеъмол функциясининг бундай кўринишда ёзилиши истеъмолга чегараланган мойиллик ( $\Delta CP / \Delta YO$ ) нинг

ўзгармас ва б ға тенг бўлишини назарда тутади. Бу вақтда истеъмолга ўртача мойиллик (CPFYD)дир. Унинг ўсиши билан мусбат константи қиймати камайганлиги туфайли камаяди. Бу боғликлар шуни тасдиқлайдики, истеъмол ва жамғарманинг ўзгариши иқтисодий барқарорлашувга имкон беради. Модомики, жамғарма коэффициенти иқтисодий кўтарилиш даврида ошиш ва иқтисодий тушкунлик даврида эса пасайиш тенденциясига эга бўлади. Бундан ташқари улар даромадларнинг ўсиши билан узоқ муддатли истиқболда жамғарма коэффициентининг ўшишини тақозо қиласди.

Юқорида келтирилган истеъмолнинг оддий тенгламасига яна бир қаинч ўзгарувчиларни киритиш мумкин. Бу эса тенгламанинг хўжалик истеъмоли қонуниятларини тушунтиришга хизмат қилувчи “ўзгармас даромад” назариясига мос келишини таъминлашга имкон беради. Кенгайтирилган истеъмол функцияси қўйидагича ёзилиши мумкин:

$$CP = f(YD^*, NW, r, X)$$

Бу ерда: CP – шахсий истеъмолга сарфлар;

YD\* - жорий ва келажакда уй хўжаликлари ихтиёридаги даромаднинг ўртачаси ((2) тенгламага мувофиқ аниқланган);

NW – уй хўжаликларининг соф моддий бойлиги;

r – солиқ тўлангандан кейинги бошқа ўзгарувчилар;

X – истеъмолга таъсир этувчи бошқа ўзгарувчилар.

Хусусий секторда капитал қўйилмаларни аниқловчи омиллар Ялпи капитал қўшилмалар асосий капиталнинг ялпи жамғармаси (машиналар, асбоб-ускуналар, бино ва иншоотлар)га ва товар-материал заҳираларининг ўсишига бўлинади. Бозор иқтисодиёти амал қилган мамлакатларда капитал қўйилмаларни прогнозлашда, қоидага кўра, капитал қўйилмаларни давлат ва хусусий қўйилмаларга ажратиш мақсадга мувофиқ. Давлат капитал қўйилмаларининг прогнози бюджет режаларига мос келиши шарт. Утиш иқтисодиётида бўлган мамлакатларда сиёсий раҳбарлар томонидан ечиладиган муҳим масалалардан бири давлат корхоналарининг капитал қўйилмалари режаси ҳисобланади. Бунинг натижасида бозор кучлари давлат корхоналарининг капитал қўйилмаларини аниқловчи ягона омил бўлмаслиги мумкин.

Хусусий сектор капитал қўйилмалари ЯММ таркибий компонентлари қаторига киради. Уларни прогнозлаш катта қийинчиликларни келтириб чиқаради. Саноати ривожланган малақатларда хусусий инвестициялар, қоидага кўра, уй-жой фондига капитал қўйилмалар ва уй-жой билан боғлиқ бўлмаган бошқа

барча фондларга капитал қўйилмаларга ажратилади. Шу билан бирга бу 2 турдаги капитал қўйилмаларнинг ҳар бири учун алоҳида моделлар яратилади.

Хусусий сектор хўжалик капитал қўйилмалари назарий моделларида асосий эътибор инвестор моделлаштиришдан оладиган фойда мезёрини ҳисоблаш унинг келажакдаги сотув хажидан келадиган фойдани кутишига асосланishi мумкин. Инвесторларнинг мувоффакиятга бўлган умиди ва ишончи сезиларли субъективлик элементини ўз ичига олади, буни миқдорий баҳолаб бўлмайди. Бунинг устига капиталнинг чегараланган унумдорлигига ва қийматига асосланган капитал қўйилмаларни оптималлаштиришнинг стандарт моделлари ривожланган молиявий бозорларнинг бўлмаслиги, капитал шаклланишида давлатнинг етарлича сезиларли роли каби институционал ва тузилмавий омиллар мавжудлиги ҳамда бозор механизми номукаммаллигининг турлика кўринишлари туфайли қўлланимаслиги мумкин. Бундан ташқари бу каби моделларни қўллаш кўпинча зарур маълумотларни, хусусан, мавжуд капитал миқдори, ишчи кучи, иш ҳақи харажатлари ва капитал қиймати ҳақидаги маълумотларни олиш мураккаблиги туфайли қийинлашади.

Баъзи бир ишларда таъкидланадики, бу мамлакатларда хусусий капитал қўйилмаларини чекловчи асосий омиллар бўлиб молиялаштириш баҳоси эмас, балки капитал сифатида қўйиладиган воситанинг йўқлиги ҳисобланади. Бу реал фоиз ставкалари бозор мувозанати даражасидан паст даражада турганигини ҳамда молиявий ресурслар нархсиз механизмлар орқали тақсимланётганлигини акс эттириши мумкин.

Бундай мамлакатларда хусусий капитал қўйилмаларнинг миқдорини аниқловчи асосий омиллар банк кредитининг, хориж капитали кириб келишининг ҳамда тақсимланмаган фойданинг мавжудлиги ҳисобланади. Банк кредитининг мавжудлиги ўтказилаётган пул-кредит сиёсатига боғлиқ. Шунингдек, бундан солиқ-бюджет сиёсати ҳам муҳим ўрин тутади, сабаби- давлат сектори томонидан банк тизими кредитига талабнинг оширилиши хусусий сектор олиши мумкин бўлган кредит ҳажми чекла нишига олиб келиши мумкин.

### 2.3. Нарх даражасини прогнозлаш. Умумий ҳолатлар

Инфляцияни прогнозлаш турли хил омиллар таҳлил қилинишини назарда тутади. Уларнинг баъзилари қўйида келтирилган:

1. Таннархнинг ошишида қандай тенденциялар нархнинг ўсишига имкон яратади? 1973-74 ва 1979-80 йилларда энер-

гия ташувчиларга дунё нархларининг кескин кўтарилиши билан харажатларнинг иложсиз ўсиши (ёки таклифнинг таъсири) натижасида нарх-навонинг сезиларли ўсиши бунга мисол бўла олади. Харажатларнинг ўсишини баҳолашда сарфлар кўпайининг (пасайишининг) қанча фоизи нархларда ва қанча фоизи паст (баланд) фойда кўринишида корхонанинг ўзида акс этишини таҳлил қилиш зарур.

2. Харажатлар ошиши натижасида фирмалар ўз нархларни қанчалик оширишлари мамлакат иқтисодиёти қайси иқтисодий цикл босқичида турганлигига боғлиқ. Агар товар ва хизматларга талаб юқори ва малакали ишчилар етишмовчилиги бўлса, фирмалар иш ҳақини сезиларли оширишлари ва бунинг кетидан дарҳол қўшимча харажатларни қоплаш мақсадида нархларни оширишлари мумкин (талаб таъсири остидаги инфляция). Бундай ҳолат мамлакат ичида рақобат бўлганда, шунингдек, хорижий ишлаб чиқарувчилар билан рақобат бўлганда, айниқса, яққол кўринади. Юқорироқ харажатларнинг нархларга кўчиши даражаси, шунингдек, ўтказилаётган сиёсатта, шу жумладан, ўсаётган харажатлар билан тўқнашаётган секторларга солиқ имтиёзлари ёки субсидия беришга хукуматнинг тайёрлигига ҳам боғлиқ.

3. Иқтисодий сиёсатнинг бош йўналишлари қандай ва у ўтган йилдагига нисбатан қандай ўзгаришларга учради? Масалан, пул-кредит назоратининг сусайиши, айниқса, реал маҳсулот ҳажмининг ўзгаришсиз қолиши нархларни юқорига кўтаради, сабаби, истеъмолчилар ўсган пул массасини товар ва хизматларга сарфлашга интиладилар (талаб таъсири остидаги инфляция).

4. Бир ёки бир қанча нархларнинг ўзгариши умуман нарх даражасининг ўзгаришини акс эттирадими ёки ўзгариш бошқа нархларнинг қарама-қарши йўналишда ўзгариши натижасида социр бўлганми? Нисбий нархларнинг ўзгариши чекланган ресурслар улардан энг унумли фойдаланадиган соҳаларга қайта тақсимланиши зарурлигини кўрсатади. Бошқа томондан, умумий нарх даражасининг ошиши, қоидага кўра, иқтисодиётда ортиқча талаб мавжудлигидан гувоҳлик беради. Амалиётда бу икки кўриниш ўртасидаги фарқ қанча муддатли келажакда нархлар пасайишига қаршилик кўрсатилиши туфайли ўйқолиб кетади. Шундай қилиб, нисбий нархларнинг ўзгариши, одатда, умумий нархлар даражасининг ҳеч бўлмаса вақтинча ўсиши ўз аксини топади.

5. Истеъмолчиларнинг келажакда нарх ўзгаришларини кутишлари бугунги нарх ўсиши даражасига қандай таъсир қиласди? Масалан, инфляцияни кутиш фоиз ставкаларининг ўсишида ва иш ҳақининг кўтарилишини талаб қилишларида ўз акси-

ни топади ҳамда истеъмолчилик сарфига таъсир кўрсатади. Гарчи, кутишни моделлаштириш муаммоси мухим келишмовчиликларни келтириб чиқаради ва бутун бир эмпирик тадқиқотлар ўтказиш учун қилинган бўлса ҳам унинг асосида етарлича оддий ҳукм ётибди, одамларнинг келажак ҳақидаги тасаввури уларнинг бугунги ҳаракатларига таъсир кўрсатади.

6. Нархлар кўтарилишига мамлакатнинг расмий сиёсати ҳам таъсир қилади. Унга нарх устидан назорат қилиш чоралири, рақобат соҳасидаги сиёсат ва ташқи савдо тизими киради. Охиргиси қанчалик эркин бўлса, ортиқча талабнинг шунчалик катта фоизи ички нархларнинг кўпайишида эмас, балки тўлов балансида акс этади.

Нархларнинг ўзгаришига алмашув курси режими ҳам кучли таъсир кўрсатиши мумкин; алмашув курси тизими қанчалик кам эгилувчан бўлса, талаб ўсишининг шунчалик кўп даражаси валюта заҳираларининг камайиб кетишида аксини топади.

### Амалий ёндашув

Инфляцияни баҳолашнинг оддий усуllibаридан бирига кўра, харажатларнинг ўзиши прогнозларнинг асоси ҳисобланади. Лекин инфляцияни бундай баҳолаш фақатгина тахминий бўлиши мумкин, сабаби, вақти келиб нархлар кўтарилишининг бутун иқтисодиётга сезиларли билвосита таъсири намоён бўлиши мумкин. Бундан ташқари, нархларнинг маълум давр ичидағи ўзгариши нафақат шу давр ичидағи харажатлар ўсишининг ўзгаришини, балки олдинги даврлардаги харажатлар ўсишининг давомли таъсирини ҳам акс эттиради. Масалан, импортга нархларнинг кўтарилиши бошида фақатгина бевосита импорт товарлари ва мамлакат ичида импорт хом ашёси ва материалларидан фойдаланиб, ишлаб чиқарилган товарларнинг нархида акс этиши мумкин. Лекин кейинроқ, юқорироқ нархларнинг иқтисодиётда тарқалиши билан, эҳтимол, мамлакат ичида бошқа товарларни ишлаб чиқаришда хом ашё ва материалларни сотиб олиш харажатлари ҳам ошиши мумкин. Бу оқибатлар, агар нархларнинг ошиши орқасидан қоплаш сифатида иш ҳақи оширилса, яна ҳам сезиларлироқ бўлиши мумкин.

Истеъмол нархлари индекси (CPI) – бу, резидентлар томонидан истеъмол қилинадиган импорт ва мамлакат ичида ишлаб чиқарилган товарларни маълум саватдаги нархи индексидир. Бундан фарқли равишда ЯММ дефлятори – бу, ҳам ички истеъмол, ҳам экспорт учун ишлаб чиқарилган барча товарлар нархи индексидир. Кутиш мумкинки, уни истеъмол нархлари индекси

(НИИ) ва ЯММ дефляторининг ўзгаришидаги фарқлар акс этиради. Агар импорт нархлари экспорт нархларига қарганда кўпроқ даражада ошса, ИНИ орқали ифодаланган инфляция даржаси, бошқа шароитлар тенг бўлганда, ЯММ дефлятори орқали ифодаланган инфляция даржасидан юқори бўлади.

Лекин шуни назарда тутиш лозимки, амалиётда импорт нархларнинг ИНИга ва экспорт нархларнинг ЯМ дефляторига таъсири бир хил эмас. У импорт товарлари нархи ошишининг мамлакат ичидаги ишлаб чиқарилган товарлар нархига кўчишига боғлиқ.

Экспорт нархларининг ўсишига келганда шуни айтиш керакки, бაъзи экспорт товарлари ички бозорда истеъмол қилиниши мумкин. Ички ва экспорт бозорларида экспорт товарларга нархлар бир хил бўлганлиги сабабли, экспорт нархлари ўзгаришининг оқибатлари ИНИга бевосита таъсир кўрсатиш мумкин.

Инфляциянинг базис даржасини аниқлашда фараз қилиш мумкинки, харажатлар ортишининг ўзгармас суръатларида нархларнинг ўсиш суръатлари бутунлай олдинги йил даржасида қолади. Кейин инфляция суръатларининг кўтарилишига ёки пасайишига олиб келиши мумкин бўлган омиллар аниқланади. Бугунлай фараз қилинадики, талабни тартибга солишда юмшоқ сиёсат ўтказилади. Шуни таъкидлаш лозимки, базис прогноз аниқ иқтисодий сиёсат юритиш ҳақидаги фарагза ва муқобил прогнозга асосланган. Талабни тартибга солишда қатъиyroқ сиёсат юритишни назарда тутадиган муқобил прогнозда инфляция суръатларини дастлабки баҳолаш харажатлар ортишининг кам сезиларли билвосита оқибатларини ҳисобга олган ҳолда тузатилиши керак.

Қоида бўйича харажатлар ўсиши тенденциясига қўйида-гиларнинг ўзгариши таъсир қиласи:

- жаҳон савдосидаги нарх даржаси (хорижий валютада);
- номинал алмашув курслари;
- иш ҳақи миқдори;
- эгри солиқлар миқдори.

## Қисқача хуросалар

Иқтисодиётнинг реал сектори ўз ичига институционал секторларни олади. Улар ўз навбатида иккита асосий турга бўлиниади: юридик шахслар ва уй хўжаликлари.

МҲТ доирасида макроиқтисодий таҳлил учун асосий роль ўйнайдиган ва халқаро иқтисодий ва молия институтлари таклиф этган усуллар асосида ҳисобланадиган ва таснифланадиган тушунчалар мавжуд. Турли иқтисодий кўрсаткичларни таҳлил қилишда ишлаб чиқариш ҳажмини ўлчашдаги пайдо бўладиган хатоларнинг асосий сабабларини билиш керак. Эконометрик усуллар ва моделлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишини прогнозлаштиришда қарор қабул қилишнинг муҳим воситасидир.

### Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Миллий ишлаб чиқариш соғ маҳсулоти тушунчаси нимани англатади?
2. Миллий ҳисобнинг қандай асосий айниятларини биласиз?
3. «Ялпи миллий даромад», «ялпи миллий, ихтиёрдаги даромад» тушунчалари ва улар қандай ҳисобланади?
4. Хусусий секторда капитал кўйилмалар қандай ҳисобланади?
5. ИНИ ва ЯМ дефляторининг фарқи нимадан иборат?

### Асосий адабиётлар

1. Козырева В.М. Теоретическая экономика. -М.: Прогресс, 1998.
2. Лебедев В.В. Основы экономических знаний. -М.: 1995.
3. А. Луссе. Макроэкономика. Сантк-Петербург, изд. «Питер», 1999.
4. Макроиқтисодий таҳлил ва сиёsat. ХВФ семинар материаллари. –Вена, 2000.

## ТҮЛӨВ БАЛАНСИ

### 3.1. Таҳлилий ҳисобот

Түлов баланси ҳисобларини тузишнинг асосий мақсадларидан бири ташқи мувозанатни тұғрилаш әхтиёжининг пайдо бұлғанлыги тұғрисидаги маълумоттаға әга бўлишдир. Бироқ иккисик ёзув тиизими түлов балансида дебет ва кредит тинчлигини назарда тутади. Шунинг учун унда ижобий сальдо ёки дефицитии кўрсатиш учун барча ташқи операцияларни суммалаш ва бу гурӯҳ ичидағи операцияларни моддалардан ажратиш керак (чизик остидан ёки устидан).

Чизикни тортиш ерини ҳал қилиш түлов баланси бош әхтиёжининг аъло даражадаги қайси операциялар доирасини кўрсатиш тұғрисидаги субъектив назарни ифодалайди. Мустақил ҳисобланган операцияларга бўлған ёндашувларнинг бирига асосан, автоном моддаларни компенсациялаш учун улар амалга ошириладиган операциялардан ажратилиши керак. Бошқа ёндашув доирасида асосий эътибор операция характеристининг ўзгарувчанлигига қаратиласди: ностабиль деб қараладиган операциялар түлов балансининг умумий ҳолатини қўриш учун “чизик остида” белгиланади.

Афсуски, моддаларни фарқлаш учун ягона ўлчов бирлиги мавжуд эмас, чунки бундай бўлиш сезиларли даражада операцияни амалга оширувчи иқтисодий агент мотивациясига нисбатан субъектив қарашни ифода этади. Шунингдек, қандай молиавий активлар юқори ўзгарувчанлик билан характерланишини аниқлаш мумкин. «Баланс» тушунчасига бир қатор турли ёндашувлар борлиги ҳам бежиз эмас.

Түлов балансининг тор маъноси савдо баланси, яъни ФОВ асосида эксперт ва импорт сальдосини ифодалаш учун ишлатиласди. Бироқ иқтисодий нуқтаи назардан қараганда товарлар ва хизматлар оқими орасидаги фарқ субъектив ҳисобланади. Хизмат экспортидан тушган чет эл валютаси бирлиги товар экспортидан тушган чет эл валютаси бирлигидан мақсадининг ташқи савдо баланси ахволини яхшилашга қаратилганлиги билан фарқланади. Савдо баланси асосан божхона ҳисботларидан фойдаланиб, товар савдоси бўйича маълумотларга нисбатан тезроқ әга бўлиш мумкинлиги сабабли қўлланиласди.

Назарий нуқтаи назардан «жорий операциялар ҳисоби» тушунчаси аҳамияттаға әга. Мавжуд нуқтаи назарларнинг бирига

асосан, бу ҳисоб ўз ичига товар савдоси, хизмат ва даромадлар, бошқасига кўра эса, бундан ташқари, хусусий ёки умуман, бир ёқли трансфертларни олади. Хусусий бир ёқли трансфертлар тўлов балансини тўғрилаш нуқтан назаридан қаралганда таркибга кириши мумкин. У ҳолда бошқа ҳеч қайси таркибга кирмайдиган меҳнат даромади кўрсаткични чизик устига, чет элдан келган имигрант хизматчилар кўрсаткичини эса, чизик остига жойлаштирилади. Баъзан расмий трансфертлар жорий оқими эса, баланснинг капитал оқими бўлганилиги учун ҳисобга олинмайди. Бироқ бир ёқли трансфертларни чизик остида ҳисобга олишда муаммолар пайдо бўлади: реал республикалар қабул қилувчи дебет тўлов балансини ёмонлаштиради, деган фикр пайдо бўлади. Ҳозирги пайтда энг тарқалган ёндашув бу жорий ҳисобга барча трансфертлар киришидир. Товарлар, хизматлар, даромадлар ва бир ёқли трансфертлар баланси иккинчи реал операциялар натижасида ўзгарадиган молиявий активларнинг ҳақиқий катталигини ифодалайди. Жорий операциялар ҳисоби баланси соф капитал оқими катталиги ёки заҳиралар ва параллел моддалар суммасининг ўзгариши билан мос келиши керак.

Жорий операциялар ҳисобининг мувозанатсизлаштирилганлиги доим ҳам иқтисодий ўзгартириш киритиш эҳтиёжини кўрсатмайди. Мисол учун, давлат раҳбарияти ривожлантиришга қаратилган харажатлар билан боғлиқ узоқ муддатли капиталлар оқими ҳисобидан молиялаштирилган дефицитнинг жорий операциялар ҳисобини сақлашга бориши ва аксинча, ташқи инвестицияни молиялаштириш учун жорий операциялар ҳисобининг ижобий сальдосини сақлашга ўз фаолиятини қаратиши мумкин.

Жорий операция ҳисоби сальдоси ўзига хос таҳдилий аҳамиятта эгалиги яна иккита омил билан ифодаланади. Биринчиси, агар трансфертлар билан боғлиқ бўлган ноаниқлик ҳисобга олинмаса, катталик бўйича жорий операциялар ҳисобининг дефицити ёки ижобий сальдоси иқтисодиётнинг қолган бошқа барча секторлари бўйича жамғармалар суммасининг ўсиши ёки қисқаришига тенг бўлади. Иккинчisi, жорий операциялар ҳисобининг сальдоси соф ташқи қарзлар ҳажмининг ўзгаришига тенгdir. Умумий балансга эришиш учун чизик тагига фақат юқори ликвидли активлар ва пул-кредит органларининг қисқа муддатли пассивлари ҳажмининг (ёки улар томонидан бошқариладиган маълум бир актив ёки пассив) кўрсаткичи жойлаштирилади. Пул-кредит бошқаруви органларининг олтин, қимматли қоғозлар ва активлари, одатда, заҳиралар таркибига кирган бир

пайтда, депозит пул банкларидағи айнан шу хил активлар түшунчаси субъектив ҳисобланади ва хукumat бу активларнинг ишлатилишини қай даражада назорат қилишига боғлиқ.

Бундан ташқари «пассивлар» түшунчаси билан боғлиқ бўлган қийинчилик ҳам юзага келади.

ХВФ томонидан ишлатиладиган кредитлар заҳиралар категориясига киритилади ва баъзи ҳолларда маълум таалабларни бажарувчи томонидан заҳира активлари сифатида қараладиган пассивлар, шунингдек, чизик остига жойлаштирилади (масалан, маълум МБнинг бошқа МБлардаги ҳисоблари). Ушбу ёндашувнинг афзаллик томони шундаки, у балансларни аниқлашда мувофиқликни таъминлайди.

### Маълумотларнинг асосий манбалари

Товар операциялари тўғрисидаги маълумотларнинг асосий манбалари давлатнинг солиқ тизими томонидан тўпланиб, маълумотларни ўз ичига олувчи савдо ҳисботлари, банк тизими орқали чет эл валютасининг тўловлари ва оқимини кўрсатувчи валюта алмашуви бўйича маълумотлар ҳисобланади.

Савдо ҳисботларида товарларнинг давлат чегараси орқали жисмоний ҳаракати, банклар орқали амалга оширилган ва хизматлар учун тўловларда валюта алмашуви бўйича маълумотлар, шунингдек, банк тизими орқали даромадлар ҳаракати акс этади. Бу манбалардан фойдаланилганда доим ҳам әгалик хуқуқининг сотувчидан харидорга ўтаеттанида (иккала томоннинг ҳам бухгалтерия китобида акс этади) тўлов балансининг ўтказиш принципи операциясини тузища жорий манбага амал қилинмайди. Шунинг учун операция ўртасидаги фарқ уларни категорияларга бўлим операцияларини амалга ошириш вақти түшунчasi, шунингдек, қиймати баҳолашларни ифодаловчи тузатишларни киритиш керак бўлиши мумкин. Валюта алмашуви тўғрисидаги маълумотларда операциялар ҳисоби учун тузатишлар киритилиши керакки, буларни амалга оширишда тўлов банк тизими орқали бажарилмайди. Натурал кўринишдаги давлат импорти, бартер битимлари, бир ёқли трансферлар ва чет элдаги молиявий актив ва пассивлар ҳажмининг ўзгариши ёрдамида бевосита амалга оширилган операциялар валюта алмашуви тўғрисидаги маълумотларга киритиладиган моддалар қаторига тегишилдири.

Божхона ҳисботи маълумотини коррекция мисоли тарикасида мамлакатдаги кемалар ва денгиз овчилари очиқ денгиздан тутган овини чет элда сотишларини олиш мумкин.

Турли моддаларни категорияларга бўлиш билан боғлиқ тузатишлар бўйича ҳамма экспорт ФОБ асосида ўтказилиши керак. Бунда маълум ўзгартиришлар “Транспортация” модда-

сига киритилиши лозим. Операцияни амалга ошириш вақти билан боғлиқ бўлган тузатиш товар оқими ҳажми ўзгаришида, шунингдек, давлат резидентлари чет элдаги заҳираларга эга бўлганда ёки резидент эмаслар – қуриладиган давлатдаги заҳираларга эга бўлганида муҳим бўлиши мумкин.

Савдо ҳисоботларида товарларнинг жисмоний кучи қайд қилинади ва шунинг учун бу заҳиралар ҳажмини ўзгаришида уларга тузатишлар киритиш керак. Валюта ҳисоботларида операцияларни амалга ошириш вақти билан боғлиқ бўлган тузатиш капиталлар ҳаракатидаги активлар ва пассив ўзгаришни кўрсатиш учун киритилади. Қиймат бўйича тузатишлар асосий манбалардан олинадиган маълумотлар бозор нархини ифодала-маганда зарур бўлади.

Баъзи хусусий операцияларни баҳолашда, валюта алмашуви устидан кучли назорат бўлмаган давлатларга тегишли сўровномалар ёки танлама кузатишлар олиб бориши керак бўлиши мумкин. “Туризм” тўлов баланси моддасини баҳолашда баъзан давлат резидентлари томонидан чет элда ўтказиладиган сутканинг ўртacha суммаси кунларнинг умумий сонига, шунингдек, ушбу давлатда чет элликлар томонидан ўтказиладиган кунлар сонига кўпайтирилади.

Сутканинг ўртacha катталигини аниқлаш учун саёҳат агентлиги, банклар, меҳмонхона ва дўконлардан олинган маълумотлардан фойдаланиш мумкин. Чет эл туристларининг меҳмонхоналарда ўтказган кунлари сони тўғрисидаги маълумотларни тўплаш мумкин. Туризм бўйича маълумотлар давлатлараро баъзи маълумот алмасиши йўли орқали текширилиши мумкин. Сўровномалардан, шунингдек, кема ва авиакомпаниянинг йўловчилик чиптаси нархи тўғрисидаги маълумот, инвестицион фойда ва транс миilliй компанияларининг тўғри инвестициялари тўғрисидаги маълумотларни олишида фойдаланиш мумкин.

Қисқа муддатли капитал оқими бўйича маълумотлар, одатда, ишончсиз ҳисобланади. Валюта алмашуви тўғрисидаги маълумотларнинг асосий манбай сифатида ишлатилишида тижорат, кредит тўғрисидаги маълумотни, қийин бўлса, сўровномаларни қўллаганда маълумотнинг керакли ҳажмини олиши, шунингдек, унинг ишонччилигини таъминлаш эса мураккабдир.

### 3.2. Асосий вазиятлар

Қўйида у ёки бу давлатнинг тўлов балансини прогнозлашибдиришида эътиборга олиниши керак бўлган бир қанча омиллар рўйхати келтирилган.

**Жаҳон иқтисодиётидаги тенденциялар.** Ташқи сектор прогнозлари бутун дунё билан ўзаро алоқадор бўлади. Шунинг учун ҳам унда асосий савдо ҳамкорлари ва шунингдек, рақобатчи давлатлар иқтисодиётининг ривожланиш тенденцияси ҳисобга олиниши керак. Экспорт, импорт жаҳон бозоридаги хом ашё товар нархи ва ҳамкорлик қилинадиган давлатларда иқтисодий фаоллик даражасига боғлиқ.

**Жаҳон иқтисодиёти ривожланиши тенденцияси** прогнозларига маълум миқдордаги ноаниқлик характерлидир. Шунинг учун хом ашё товарларнинг нархи индустря ривожланган давлатларда ишлаб чиқаришнинг усули ва фоиз ставкаси даражаси каби омилларнинг прогнозлаштиришга қай даражада таъсир этишини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқdir.

**Ички иқтисодий фаоллик ва иқтисодий сиёсат.** Тўлов баланси прогнозлари мамлакат иқтисодиётининг ривожланишини прогнозлаштирувчи тенденцияларга мос бўлиши керак Унга, ўз навбатида, бевосита ўтказиладиган солик, бюджет ва пул-кредит сиёсати таъсир этади.

**Прогнозлаштириш методикаси.** Прогнозларни тайёрлашда ўзгаришни кўрсатувчи ва асосий ўзгаришларни прогнозлаштирувчи кўрсаткичлар орасида мустаҳкам алоқаларни ўрнатиш мақсадга мувофиқdir. Тўлов баланси прогнозини тайёрлаш учун прогнозлаштиришининг бир қатор моддалари бўлиши керак. Баъзи ҳолатларда маълумотларнинг йўқлиги ёки уларнинг ёмон сифатдалиги муайян муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Ундан ташқари ишлаб чиқаришда бўладиган шиддатли ўзгаришлар, савдо элементи ҳисобланмиш товар секторида ўтказиладиган ислоҳотлар даврида ўзаро алоқадорликнинг турғуллиги бузилади. Бундай шароитларда миқдорий прогнозларни тайёрлаш, одатда, маълум даражада субъектив баҳолашга таянади.

**Дезагрегация даражаси.** Прогнозлаштирувчи операция категориялар таркибида маълумотларнинг дезагрегация даражаси аниқланган бўлиши керак. Одатда, гап турли сабабли ишлар ёки турли реакцияларнинг битта омили таъсир этиши тўғрисида кетганда моддалар дезогрегацияси амалга оширилиши лозим. Масалан, нефть маҳсулоти импорти ва барча бошқа импорт ушбу семинар доирасида турли категорияларга бўлинган. Чунки импортнинг бу икки категорияси нархлар ва савдо ҳажми ўзгаришига турлича таъсир кўрсатади.

**Бухгалтерия ҳисобида балансга риоя қилиш.** Тўлов балансининг алоҳида компонентлари алоҳида прогнозлари барча ташкилий тўловлар ва тушунчалар суммаси нимага тенг бўлиши керак, яъни жорий операциялар ҳисобининг сальдоси капитал ҳара-

кати ва заҳиралар миқдорининг ўзгариши суммасига тенг бўлиши керак, деган шартни қондирмаслиги мумкин. Масалан, агар жорий операциялар ҳисоби дефицити, капитал ҳаракати ва заҳиралар ҳисоби томонидан қопланмаса, унда жорий операциялар ҳисобининг дастлабки прогнозлари, ташкилий молиялаштириш ёки заҳиралар даражасини ўзгартириш керак бўлади.

*Жорий операция ҳисоби дефицитининг маъқулланган миқдори.* Агар жорий операция ҳисоби дефицити прогнозлаштирилаётган бўлса, дефицитни молиялаштиришни таъминлаш ва қарз бериш билан боғлик бўлган муаммони четлаб ўтиш имконини берувчи ҳажмдаги капиталлар оқимига давлат кафолат бера олиш-олмаслиги муҳим ҳисобланади. Мамлакатнинг чет эл валютасини кўлга киритиш имконини кенгайтирувчи, ташки қарз бўйича маъқул позициясини таъминлаш заём воситаларидан самарали фойдаланишни талаб қиласди. Бошқа муҳим омиллар сирасига макро иқтисодий сиёсатнинг асосланганлиги, ташки шартшароит, шунингдек, кредиторларнинг давлатга берилган кредитлар суммасини оширишга тайёрлиги киради.

### 3.3. Импортни таҳлил қилиш

Кичик давлат гипотезасидан фойдаланилганда, чет эл валютасидаги импорт нархи жаҳон бозорида аниқланади ва ўша давлатнинг бошқарув органли томонидан бошқарилмаслиги на зарда тутилади. Бу ҳолда импорт ҳажми ички талаб билан импорта бўлган талаб қуйидаги формула кўринишида аниқланади:

$$\frac{M}{Pm} \frac{Yd}{Py}, \frac{Pm}{Py} \quad (1)$$

(+) (-)

Бу ерда:  $M$  – импортнинг қиймати;  
 $Pm$  – экспортнинг миллий валютадаги нархи;  
 $Yd$  – ички даромад (ёки ички талаб);  
 $Py$  – ички нархлар даражаси.

*1-илюза*

#### Кичик давлат кўргазмаси

Кўп давлатларнинг экспорт ва импортини прогнозлаштиришда кичик давлат гипотезасидан фойдаланилади. Шу билан бирга импортни прогнозлаштиришда қурилаётган давлат иқтисодиёти ҳажми кичик ва бу давлатдаги талаабнинг ўзгариши чет эл валютасида ўша давлат томонидан импорт қилинадиган

товарлар нархига таъсир кўрсатмайди. Бошқача қилиб айтганда, жаҳон бозоридаги талабнинг ўзгарувчанлиги жуда катта эканлиги айтилади. Экспортни прогнозлаштиришда “кичик давлат гипотезаси” унинг иқтисодиёт ҳажми жаҳон бозорига нисбатан кичик ва ҳар қандай экспорт ҳажмининг ўсиши бу давлат томонидан экспорт қилинадиган товарлар нархига таъсир кўрсатмаслиги ёки бошқача қилиб айтганда, жаҳон бозоридаги талабнинг ўзгарувчанлиги жуда катта эканлигини англатади. Агар бу шартлар бажарилса, унда импорт ҳажмини таҳлил қилишда фақат талаб омилларини кўриб чиқиш билан чегараланиш мумкин. Экспортни таҳлил қилганда эса фақат таклиф олинади. Чет эл валютасида нархларни таҳлил қилишда у ёки бу давлатдаги ўзгаришлар эмас, жаҳон бозоридаги ўзгаришларга асосий эътибор қаратилиши керак.

Импорт ҳажми ҳақиқий даромад ёки ҳақиқий ички харожатлар ошганда ўсиши мумкин. Нархларнинг рақобатбардошлик ўзгарувчанлиги уларнинг нисбатан ўзгаришига импорт ҳажмининг реакциясини, чунончи, мос валюталарда ички ва ташки нархларнинг ҳаракатини, шунингдек, алмашиб курсини акс этиради. Давлат ичидаги ишлаб чиқариладиган товарлар нархи импорт қилинадиган товарлар нархига нисбатан паст бўлганида импорт товарлар ўринини шу давлатда ишлаб чиқарилган товарлар эгаллаши тенденцияси кузатилади. Нисбий нархларнинг ўзгарувчанлиги манфий маъно касб этади.

Импортга бўлган талабнинг кенглик шакли турли товарларда турлича бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам импортни майда категорияларга ажратади: капитал, тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар прогноз қилинадиган кўрсаткичларнинг масштаблар ўзгарувчанлиги ишончлилигини оширади. Бундан келиб чиқсан ҳолда капитал товарлар импорти уни амалга оширадиган капитал қўйилмаларга, истеъмол товарлар импорти эса шахсий истеъмолга боғлиқ эканлигини кутиш мумкин. Бундан ташқари импорт билан рақобатлашувчи мамлакатларда ишлаб чиқилган товарларнинг нархлар индекси импортнинг турли категориялари бўйича ўзгариши мумкин.

## 2-илова

### Импорт нархининг ўзгарувчанлиги

**Импортга бўлган талабнинг нарх бўйича ўзгарувчанлиги.** Импорт ҳажми импорт нархининг ўзгаришига қай даражада таъсир кўрсатади? Агар ҳар бир ўзгариши дельта ( $\Delta$ ) билан белгиласак, унда нарх ўзгаришини куйидагича аниқлаш мумкин:

Ўзгарувчанлик аниқ рақам билан белгиланмайди. Импорт хажмининг реал қиймати (*MR*) унинг қанчаликка ўзгаришини, импортнинг нисбий нархи (*RPM*) бир фоизга ўзгаришини кўрсатади. Импорт нефть ва бошқа асосий хом ашё товарлари ўрнини боса олмайдиган товарлар бўлмаганлиги учун уларнинг нархи ўзгарувчанлиги қисқа муддат ичида нархлар бўйича паст бўлади. Ишлаб чиқаришда тайёрланадиган маҳсулотларнинг нархлар бўйича ўзгарувчанлиги нисбатан баланд, яъни икки йил ичида одатда, ўзгарувчанлик даражаси – 1 билан 2 орлиғида бўлади.

Импортта бўлган талабга даромад ва нисбий нархлардан ташқари бошқа омиллар ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Кредитнинг мавжудлиги бевосита импорт кредитлар таклиф қилинганда импортта таъсир қиласди. Шунингдек, ички харажатлар даражасига таъсир этувчи бошқа кредитлар орқали бўлвосита таъсир этади. Микдорий чегарали ва импорт таклифларининг юқори бўлиши импортта бўлган талабни чеклайди. Прогнозлаштиришда шу чекловчи омилларнинг мумкин бўлган ўзгаришини ҳисобга олиш керак. Яна битта норматив чеклашнинг ўзига ва унинг амалда функция қилишга таъсир қилувчи асосий омил бўлиб чет эл валютасининг йўқлиги хизмат қилиши мумкин.

### 3.4. Экспортни таҳлил қилиш

У ёки бу давлатнинг экспорт ҳажми ўша давлатда ишлаб чиқариладиган товарларнинг чет элга етказиб бериш қобилияти, яъни экспортни таклиф қилишга, шунингдек, чет элликларнинг шу товарни сотиб олишга бўлган иштиёқи, экспортта бўлган талабига бўғлиқ.

Кишлоқ ҳужалигининг дастлабки маҳсулотлариdek экспорт моддалари ҳақида гап кетганда ҳар қандай давлат, одатда, жаҳон бозорида аниқланадиган, белгиланадиган нарх бўйича товарларни етказиб бериш имкониятига эга бўлган ҳажмдаги товарларни сотиши мумкин. Бу, биринчи навбатда, курилган кичкина давлат гипотезасига тўғри келади. Бу ҳолда экспорт ҳажмини давлат ичида шундай хабарлар таклифини аниқловчи ишлар асосида прогнозлаштириш керак. Умуман олганда, таҳлилни 2 босқичга бўлиш мумкин:

1. Давлат ичида ишлаб чиқаришни аниқловчи омиллар таҳлили;

2. Ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми экспортга кетишни аниқлаш.

Иккала босқичда ҳам асосий ролни нарх стимуллари ўйнайди. Ишлаб чиқаришга таъсир этувчи нархлар стимули, ушбу ҳолатда ички ваколатдаги маҳсулотлар нархи ва ишлаб чиқаришда кўрилган зарар нисбати ҳисобланади Ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг қандай қисми экспортга кетиши ички нарх ва ўша товарнинг чет элда сотилиши мумкин бўлган нархи орасидаги нисбат билан аниқланади.

Экспорт таклифининг эмпирик формуласи қўйидаги соддалаштирилган tenglamaga асосланган бўлиши мумкин:

$$\frac{X}{Px} = f \left[ \frac{Px}{Py}, Yp, GAP \right]$$

(+)(+)(-)

Бу ерда: X – экспортнинг миллий валютадаги қиймати;  
 Px – экспортнинг миллий валютадаги нархи;  
 Py – миллий валютадаги ички нархлар;  
 Yp – экспорт секторининг ишлаб чиқариш қуввати;  
 GAP - қондирилган ички талаб.

Нисбий нархнинг ўзгариши алмашиш курслари, экспорт солиқлари ёки субсидиялар ва ички заарларга таъсир кўрсатиши мумкин. Алмашиш курсининг пасайиши экспорт нархининг миллий валютадаги қийматлари ўсишига олиб келади ва бунинг натижасида маҳсулотни давлат ичкарисида сотилган қийматига нисбатан экспорт фойдалилиги ўсади. Шунингдек, экспорт субсидиялари ҳам айни таъсирини кўрсатади.

Экспорт секторининг мавжуд ишлаб чиқариш қуввати экспорт ҳажмининг ўсишини чеклаши мумкин. Амалиётда ушбу вазиятни эмпирик баҳолаган маъқул. Агар экспорт маҳсулоти шунингдек, ички бозорда ҳам сотилса, унда экспорт ҳажмига ушбу давлатдаги талабнинг ортиқчалиги таъсир қилиши мумкин. Ишлаб чиқариш қувватининг мавжуд даражали даврида талаб ортиқчалигининг пасайиши ишлао чиқарувчилар учун ишлаб чиқариш рентабеллигини ушлаб туришда экспортта кетадиган маҳсулот сотилишининг ўстиришга имкон яратди.

Экспортнинг баъзи категориялари учун экспорт ҳажмини талаб омиллари асосида прогнозлаштириш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳолда у ёки бу давлатнинг экспорт маҳсулотига бўлган талабига ўша давлатнинг йирик савдо ҳамкорлари ҳисобланувчи давлатлардаги даромад даражаси, шунингдек, ушбу давлат экспортининг нархи ва экспорт бозорларига давлат экспортининг нархи ўртасидаги нисбат ва улар тўғрисидаги омилдан фойдаланилади. Экспортга бўлган талаб функциясини қўйидагича ёзиш мумкин:

$$\frac{x}{P_x} = f\left[\frac{WD}{Pw}, \frac{Px}{Pn}\right],$$

Бу ерда: X – экспортнинг миллий валютадаги нархи; WD – миллий валютада ифодаланган жаҳон талаби; Px – экспортнинг миллий валютадаги нархи; Pw – миллий валютадаги жаҳон нархлари;

Pn – миллий валютада ифодаланган экспорт рақобатла-ри ва импорт ўрнини босувчи талаблар нархи.

Юқорида келтирилган тенгламада шу нарса кўриниб турибдики, экспортта бўлган талаб қисман ўша давлат маҳсулотига бўлган жаҳон талаби билан аниқланади. Шунингдек, бу ўша давлат экспорт маҳсулотининг қай даражада сотилиши ва ўша бозордаги рақобатчиларнинг экспорт нархининг ўргача тортилганлиги ўртасидаги нисбатта ҳам боғлиқ. Бу ўргача тортилган нарх, шунингдек, ҳамкор давлатларда импорт ўрнини босувчи товарнинг ички нархларини ҳам ўз ичига олиниши керак. Талаб ва нисбий нархларнинг ўзгариши тўғрисидаги моделни тузиш учун маълум усуслар ёрдамида савдо бўйича ҳамкор давлатларда даромадлар ва нархлар тўғрисидаги маълумот керак бўлади.

### 3.5. Хизмат ва трансфертларни таҳлил қилиш

Умуман олганда, хизмат кўрсатиш соҳасида дебет ва кредитларнинг асосий категорияларини савдода киритилган айни кўрсаткичлар, яъни нисбий қийматлар билан боғлаш мумкин. Лекин бундай ёндашувнинг самаралилиги хизмат моддаларининг баязи соҳаларга тавсив этувчи омиллари мураккаблиги, шунингдек, турли моддалар қиймати тўғрисидаги маълумотларнинг йўқлиги сабабли чегараланади. Шунинг учун, одатда, хизмат кўрсатиш соҳасида дебет ва кредитларнинг умумий прогнозлаптириш имконини берувчи усуслардан фойдаланилади. Хизмат ва транспорт категориясининг асосий кўрсаткичларини аниқлашда асосий омиллар сирасига куйидагилар киради:

1. Юк ва сууртга дебетлари импортнинг транспортировкаси билан боғланган бўлиши мумкин. Кредитлар экспортлар билан шундай ҳолатда боғлиқ бўладики, агар ўша давлатнинг транспорт ташкилотлари экспорт юкларини етказиш нуқтасига транспортировкасини таъминлаб берса.

2. Бошқа транспорт хизматлари, масалан, йўловчи ташиш ва порт хизматлари, шунингдек, товар савдоси оқими, туризм даражаси ва ўзимиздаги транспорт ташкилотларининг рақобатбардошлигига боғлиқ.

3. Туризм билан боғлиқ кириш ва тўловлар унинг фойдаларга баҳолар шароитидаги рақобатбардошлигига, туризмдан тушадиган тушумлар сайёхлар келаётган мамлакатнинг даромад даражасига боғлиқ. Сайёхларга хизмат кўрсатишнинг яхшиланиши, масалан, хизмат кўрсатиш даражасининг ошиши, меҳмонхоналардан таклиф қилинаётган хизмат кўрсатишнинг ошиши, маълум маънода узоқ муддатда туризм тушимларига таъсир этади.

4. Инвестициядан олинадиган даромадлар. Қонун бўйича ташки қарз учун тўланадиган фоиз тўловлари катта дебет ҳисобланади. Ўтган ва аввалги чет эл заёмлари баҳоси ва ҳажми ҳам шулардан, чет эл инвестицияси натижасидаги маблағлар оқимининг ўлчаниши эса бугунги кундаги шундай инвестицияларнинг умумий миқдоридан келиб чиқади. Кредитларга келсак, маблағ оқими бошқа давлатларга берилган заёмнинг фоизидан тушадиган тушумлар, шунингдек, чет эл заҳираларининг даромад даражасига боғлиқ.

5. Хусусий бир ёқли трансферларни йирик қисмидан бири кўп ҳолларда, чет элдан хизмат қилувчи мигрантларнинг ўтказилиши ҳисобланади. Хизмат қилувчи мигрантларнинг қабул қилинадиган давлатдаги умумий маоши ва кейинчалик репортация қилинадиган суммани ҳисобга олиш керак. Мигрантларга бериладиган маошнинг умумий ҳажми уларни қабул қилувчи давлат иқтисодий циклининг қайси босқичда бўлишига боғлиқ ҳолда ўзгариши мумкин, маошларни репортация қилишга эса келажакда айирбошлаш курсининг даражаси ва солиқ прогнозларини кутишлар, воситаларни репортация қилувчи стимуллар таъсир этади.

6. Расмий бир томонлама транспортларнинг қиймати бошқа давлатлар ҳукумати томонидан аниқланади. Прогнор чет эл трансферларидан олинган бюджет прогнозларига мос келиши керак.

### 3.6 Капитал операциялар ҳисоби

Капиталли операциялар ҳисобининг икки асосий элементи бўлиб, тўғри инвестициялар ва портфель инвестициялар ҳисобланади. Тўғри инвестициялар ўлчац, капитал қўйилмалар қўйиш имкониятларига боғлиқ. Шунингдек, кўпроқ жалб қилиш муҳитини яратиш учун аниқ норматив база мавжудлигини ва шунингдек, макроиқтисодий тургунликни таъминлашда давлат сиёсати кафолатларидан фойдаланиш зарур. Портфель инвестициялар чет эл инвестерларига солинган қарз мажбуриятлари

давлат ёки давлат ташкилотлари томонидан чиқарылған ва шунингдек, хусусий секторнинг қарз мажбуриятлари ва акциялар операцияларини ўз ичига олади. Расмий ўрта ва муддатли капитал оқими прогнозлар бюджетида белгиланған ва ривожланиш режаси, шунингдек, кредиторлардан олинған маълумотларга асосланған. Хусусий капитал оқимини прогнозлаштириш қийинроқ, күпчилик мамлакатлар учун халқаро банк заёмларига кириш чегараланған.

Капитал оқимини бозор таъсирида алмашиниш ҳолатларидан капитал оқими йўлидаги чегараланишлар кам, ички ва ташқи қимматли қофозларни жойлаштириш имконияти, фоизли ставкалар фарқи зарур ўринни тутади. Яъни, қонундагидек капитал паст фоиз ставкали бозорлардан юқорироқ ставкали бозорларга ўтади. Бундан ташқари узоқ муддатли капитални жойлаштириш билан боғланған таваккалчилик баҳосига таъсир қилувчи асосий омил бўлиб, шу давлатдаги сиёсий ҳолат ва ижтимоий шароит ҳисобланади.

Қисқа муддатли капитал оқимининг ўлчамли у ёки бу давлатни бошқа давлатлар билан тенглаштирган молиявий бозор шароитининг ўзгариши тез таъсир кўрсатади. Савдода кредитларни тақдим этиш савдо оқими структураси билан, ташқи савдо кредити даражаси пул-кредит сиёсати ва ички кредитлар мавжудлигига боғлиқ.

## Қисқача хуросалар

Мамлакат ташқи позициясини ўлчаш ва баҳолаш — иқти-  
содий сиёsat қарорларини қабул қилиш жараёнидаги зарур тад-  
бирлардир (босқичлардир). Тизимли равишда тұлов баланси  
күринишига келтириладиган мамлакат ва ташқи дунё ораси-  
даги операциялар ва молиявий оқимлар тұғрисидаги маълумот-  
лар мамлакатнинг ташқи позицияси (ҳолати) таҳлили ва туз-  
тишлар зарурияты учун асосдир.

### Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Экспорт таклифининг эмпирик формуласи қандай?
2. Импорт ҳажми импорт нархининг ўзгаришига қай да-  
ражада таъсир күрсатади?
3. Тұлов баланси қандай қисмлардан иборат?
4. Импортни таҳлил қилишда қандай омилларга аҳамият  
бериш зарур?
5. Капитал оқимини тезлигига қандай омиллар таъсир этади?

## Асосий адабиётлар

1. А. Луссе. Макроэкономика. Санкт-Петербург, изд. Питер, 1999.
2. Макроиктисодий таҳлил ва сиёsat. ХВФ семинар материаллари. – «Вена», 2000.
3. Ўзбекистон Республикаси Статистика Департаменти «Миллий хисобот тизими».
4. «System of National Accounts» Commission of European Communities, International Monetary Fund, Organization for Economic Cooperation and Development, United Nations and The World Bank, 1993. Volume 1.
5. Theoretical Aspects of the Design of Fund-Supported Adjustment Programs. A study by the Research Department of the International Monetary Fund, Occasional paper 55, IMF, Washington, D.C., September, 1987.

## БЮДЖЕТ-СОЛИҚ (ФИСКАЛ) СЕКТОРИ

### 4.1. “Давлат бошқарув органлари” түшунчасига изоҳ

“ДМО бўйича раҳбарияти” нинг бошидаёқ давлат бошқарув органлари функцияларига изоҳ берилади: имтиёзли бозор хизматларни таклиф қилиш йўли билан давлат сиёсатини олиб бориш ва даромадларни, асосан, бошқа секторга солинган солиқ ҳисобидан қайта тақсимлаш.

Давлат сектори, функциялари ушбу изоҳга мос келувчи тузилмавий бирликларни ўз ичига олади. Давлат бошқарув секторлари қуидагилардан иборат:

- ҳуқуқий жиҳатдан бутун давлат ҳудудида кучга эга бўлган марказий ҳукумат;
- давлат ҳудудининг бир бўлагида марказий ҳукуматга боғлиқ бўлмаган ҳолда ваколатга эга бўлган штатлар, вилоятлар, регионлар ҳокимияти;
- турли кичик маъмурий бирликлар ҳудудида мустақил ваколатга эга бўлган маҳаллий бошқарув органи;
- фақат давлат ҳудудида солиқقا тортиш ва давлат харажатлари соҳасидаги баъзи функцияларни бажарувчи ҳар қандай миллий бошқармалар.

Ижтимоий таъминот фондлари, юқорида изоҳланган кўринишида давлат секторига тегишли бўлади Уларга марказий ҳокимият ёки давлат бошқарув секторининг алоҳида субъектлари сифатида эмас, балки бу фондлар амал қиласидаги даражадаги давлат бошқарув органлари сифатида, давлат бошқарув органлари даражасига тегишли бўлган ташкилотларга, уларнинг бир бўлги сифатида қаралади. Бундай ташкилотларга мисол тарикасида давлат бошқарув органларининг нашриётчилик хизматлари, жамоатчилик биноларидағи давлат ошхоналари, шунингдек, давлат секторидаги ишчиларга изярага бериладиган тураржойларни олиш мумкин.

Давлат ташкилотлари давлат секторидан алоҳида қаралади. Давлат мулки ҳисобланувчи ва давлат томондан бошқарувчи ва давлат томонидан бошқарилувчи ишлаб чиқариш бирликлари ва корпорация ҳисобланган ёки давлат сектори товар ва хизматларининг маълум ҳажмини сотувчи жорий бирликлар, молиявий ташкилотлар секторининг давлатга тегишли бўлган қисми сифатида қаралади. Бунга мисол қилиб, миллийлаштирилган ёки давлат томонидан асос солинган, давлат мулки ҳисобланган те-

мир йўл, авиакомпаниялар, почтани олиш мумкин. Жорий, тез ва жамғариш депозитларини қабул қилувчи ёки мажбуриятларни тўловчи ва бозорда молиявий активларга эга бўлувчи давлатга тегишли бўлган ёки давлат томонидан бошқариладиган молиявий муаммолар, молиявий ташкилотлар секторининг давлатга тегишли қисми сифатида қаралади. Шу секторга шартли равишда давлат бошқарув органларининг бўлаги сифатида қаралмайдиган Марказий банкни ҳам киритиш мумкин.

#### 4.2. Давлат бошқарув органлари (ДБО)нинг операциялар ҳисоби

*Касса тамойили.* Давлат Молия статистикаси маълумотларини тўплаш бўйича Халқаро Валюта Фонди (ХВФ)нинг нормалари томонидан давлат операцияларини қайд қилишда касса тамойили: тушумлар ва тўловлар тўлов амалга оширилаётган пайтда қайд қилиш кераклиги учун қўлланилади.

Бундай ҳисоб-китоб асосида ДБО ва иқтисодиётнинг қолган қисми орасидаги фонд ва ресурслар тақрибан ифодаланган имконининг мавжудлиги ётади. Унга шунингдек, молиявий статистиканинг бошқа турлари ҳам бевосита тўғри келади.

Агар қилинган харидлар ёки олинган даромад қарз мажбуриятлари характеристига эга бўлса, операцияларнинг турли қисмлари турли битимлар сифатида кўрсатилади. Масалан, агар давлат белгиланган муддатда қарзни тўлаш ёки келишув мажбурияти асосида нақд пулга сотиб олиниши мумкин бўлган ўз харидорларини қимматли қофозлар билан молиялаштиrsa, унда бундай операция айни вақтдаги заёmlар билан харажат қилиш сифатида ўтказилади. Бундай қарз мажбуриятининг кетидан қарзни тўлаш амалга оширилади.

*Ялпи ва соғ тушумлар, тўловлар.* Асосий тамойил сифатида тушум ва тўловларнинг ялпи суммаси кўрсатилиши керак

Бу ҳолда статистик маълумот миллий даромадни ошириш ва уни тўлатишининг тўлиқ ҳажми ва таъсирини ифода этади. Масалан, мактабларда ўқишига ҳақ тўлаш мактаб синфларининг хизматларига бўлган харажат қийматидан амалга оширилмайди ва унга “салбий харажат” сифатида қаралмайди. Шунингдек, солиқни тўлаш харажатлари “салбий даромад” кўринишидаги солиқ тушумларидан олинмайди.

Идоравий ташкилотларнинг саноат ва савдо фаолиятлари бундан мустаснодир. Айни пайтда идоравий ташкилотларнинг капиталлар операциялари ДБОлари операцияларининг таркибий қисми сифатида баҳоланади.

**Консолидация.** Давлат молия статистикаси маълумотлари тайёрлашда давлат сектори ичидағи бирликлараро операцияларни ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари билан умумий категориялар қаторида барча операцияларни бирлаштириш мақсадга мувофиқдир. Асосий эътибор, марказий ҳокимият операциялари бўйича маълумотларни тўплашга қаратилади, қайсики улар ҳисобот даври тугаши билан давлат бошқарув секторининг бошқа субсекторлари операциялари бўйича маълумотларга кўра етиб келади, шунингдек, улар катта частотага эга бўлиб, батафсил ёритилган бўлади. Бундан ташқари, марказий ҳокимият ўзининг моҳияти бўйича бошқа субсекторлардан устун турувчи, солиқ-бюджет нуқтаи назаридан қараганда давлат бошқарув секторининг энг асосий субсекторлари ҳисобланади.

#### 4.3. Давлат бошқарув органлари операцияларининг тавсифланиши

Ушбу бўлимда ДБО операцияларини таснифлашнинг назарий асослари статистик тизимнинг асосий категориялари бўйича ёритилган: даромадлар, олинган трансферлар, харажатлар, соғ кредитлаш, минус қарзлар тўлови ва молиялаштириш.

##### а) Асосий чегараланишлар.

Тўлов ва бир ёқли операциялар. Тўлов операциялари ўз ичига товар, хизматлар тўлови, мулкдан фойдаланиш ёки унга нисбатан эгалик ҳукуқни қўлга киритиш, шунингдек, амалий хизматлар тўловини олади. Бир ёқли операциялар, масалан, солиқ даромади у ёки бу шаклдаги бевосита тўловсиз тўлов ва тушумларни ўз ичига олади.

**Жорий ва капитал.** Капитал товарлар деб ишлаб чиқариш жараёнида ишлатиладиган ва келажакдаги даромадлар ва жорий иқтисодий фаровонликка таъсир кўрсатувчи, 1 йилдан ортиқ хизмат муддатига эга бўлган товарларга айтилади.

**Молиявий активлар ва пассивлар.** Бундай чегаралаш фискалъ хисоблардаги актив ва пассивлар асимметрияси сабабли зарур. Гарчи, давлат заёмлари давлат молиявий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бўлса-да, баъзи давлат кредитлари, одатда, ликвидликни бошқариш учун эмас, балки сиёсий мақсадларга эришиш учун ишлатилади. Баъзан ДБОларида молиявий активлар ликвидликни бошқаришда ишлатилади, масалан, “қарзлар тўлаш фондлари” (махсус заҳиралар) ва ижтимоий таъминотнинг баъзи тизимларида ишлатилмоқда. Бошқа ҳолларда ДБО молиявий активларни маҳсус ёрдамга муҳтоҷ бўлган иқтисодий гурухларга имтиёзли кредитлар бериш билан боғлиқ бўлган дав-

лат сиёсатини ўтказиш натижасида құлға киритадилар. Иккала ҳолда ҳам операция ўтказиш ДБОларида давлат секторидан ташқаридаги иқтисодий агентлар томонидан нисбатан мавжуд бўлган талаблар ўзгартирилади, бироқ мотивлар ва операцияларнинг молиявий шароитлари бир-биридан тубдан фарқ қиласди. ДБОлари молиявий активларни давлат сиёсати мақсадларига эришиши учун әмас, балки ликвидликни бошқариш мақсадида ишлатмоқчи бўлганда, бу муҳим чегаралашни сақлаш учун шу активлар билан бўладиган операциялар ДБОларининг пассивлар билан бўладиган операциялар категориясига киритилади.

Касса қолдиқ суммаларини ўзгартириш. Агар ҳисоб-китоблар касса асосида олиб борилса, ДБОларида мавжуд бўлган пул ва депозитлар суммасининг ҳисоб даври жараёнидаги ўзгариши ўша ҳисоб даври давомидаги барча давлат тушум ва тўловлари суммасига тенг бўлади.

### б) Даромадлар.

Даромадлар ўз ичига барча қайтмас тушумлар, шунингдек, товар ва хизматлар тўлови ва бир ёқли тушумларни олади, бошқа давлат ва халқаро ташкилотлардан олинган трансферлар бундан мустаснодир. Даромадлар жорий ва капитал турларига бўлинади. Капитал активларни сотишдан келган ташумлар охиргиларини ўз ичига олади. Жорий даромад, ўз навбатида, барча солиқ тушумлари ва ноаниқ тушумларни қамраб олади.

Солиқ – бу, ДБОлари томонидан ижтимоий мақсадлар учун ундириладиган мажбурий бир ёқли ва қайтмас тўловлардир. Солиқ даромадлари маълум даврда амалга оширилган, қайта тўловдан чегараланган қисмни билдиради. Солиқлар ўз ичига ижтимоий таъминот тизимиға мажбурий тўловлар, шунингдек, даромад олиш учун давлат хуқуқининг ишлатилишини ифодаловчи, ДБО томонидан ўтказилган бюджет монополияси даромадларини олади, шунингдек, алоҳида товар ва хизматларни монопол сотиш йўли билан олинадиган акциз даромадлари Давлат молия статистикаси (ДМС) раҳбариятга келадиган солиқ тушуми, базага боғлиқ ҳолда олинадиган солиқ ёки мажбуриятни келтирувчи фаолият турига боғлиқ ҳолда 7 та асосий категорияга бўлинади.

Ноаниқ тушумлар ўз ичига шахсий мулкдан келадиган даромадлар, турли йигимлар, саноат савдолари, шунингдек, идоравий ташкилотларнинг операцион фойдаларини олади. Унга баъзи бир ёқли ўртacha тушумлар, масалан, жарималар ҳам кира-ди. Капитал даромад ўз ичига ДБОлари томонидан сотилган капитал активлари, стратегик заҳира, ер ва номоддий активларни олади.

## в) Олинган трансферлар.

Олинган трансферлар бир ёқли, қайтарилемас, ДБО ва халқаро ташкилотлардан номажбурий тушумлар сифатида изоҳланади.

Дефицит ёки ижобий сальдонинг умумий ҳажмини аниқлаш учун “ДМС раҳбариятига” мувофиқ, олинган трансферлар даромадлар билан битта гурухга киритилади, чунки бу операциялар дефицитни молиялаштирамайди, балки қисқартиради.

## г) Давлат харажатлари ва кредитларнинг башорати.

Эндоген омиллар давлат харажатлари, йирик иқтисодий даражалари катталигини аниқловчи ҳисобланади. Давлат хизматчилари ва бандлар, давлат структурасидаги бандлар, айниқса, иш ҳақи ошишида индексиялашган тартиб ҳамда қисман хусусий секторда иш ҳақининг ўзгариши, маҳсулот ва хизматлар ҳаракати, хизматлар нархи ошишида бюджетдаги мавжуд чегараларни ҳисобга олмоқ керак. Фоиз тӯлови ички ва халқаро фоиз ставкаси ҳамда ички ва ташқи фоиз ставкаси, давлат қарзи билан аниқланади.

Қоида бўйича, фоиз тӯловларини, белгиланган молиялаштириш моддаларига кўра, жорий йилдаги янги қарзлар бўйича тўлаш керак. Бу баъзи бир трансферлар бўйича (мисол учун, ишсиалик бўйича нафақа) иқтисодий активлик даражасига, бошқалари эса (мисол учун, нафақа), демография омилларига боғлиқ. Баъзи давлатларда капитал сармоялар ҳажми мавжуд. Улар ташқи молиялаштиришга боғлиқ.

Шу билан бирга давлат ҳаракатлари маълум даражада ўтказилаётган иқтисодий сиёсатда акс эттирилади ва булар дискрацион ҳисобланади. Ундан ташқари давлат томонидан давлат харажатлари миқдори мўлжалланади. Натижада баъзи харажат турлари бўлади.

## д) Молиялаштириш.

Молиялаштириш элементларини прогнозлашда асосий эътибор З та асосий компонентга қаратилди:

- ташқи молиялаштириш;
- ички банкдан ташқаридаги қарз;
- банк тизимидағи ички қарзлар.

Ташқи молиялаштириш прогнозига келсак, бу ерда асосий ҳолда қарзлар қопланиши керак.

Шу билан бирга бу кўрсаткичлар чет эл кредитлари прогнозларни қоплашдаги янги кредит ва тӯловларга боғлиқ.

Бу маълумот прогноз ҳисобида операция капиталининг тӯлов балансида акс эттирилган.

#### **4.4. Давлат даромадлари ва трансфертларнинг таҳдили**

##### **а) Солиқ тушумлари.**

Солиқ турларини режалаштиришда солиқ базалари ва солиқ ўртасидаги ўзгаришларни эътиборга олиш керак.

Солиқ базаси – бу, солиқ солинадиган ўлчамдир.

Солиқ базаси турларига даромадлар, иш ҳақи ва импорт ҳажми киради. Солиқ турлари солиқ солинадиган базага боғлиқ равишда бўлади. Ҳар қайси солиқлар белгиланган тартибда солиқ бозорига мос равишда бўлиши шарт. Аммо солиқ хужжатларининг асосида солиқ қонунлари турди, солиқ базасини аниқлаш мураккаб. Солиқ ставкалари структурасида ҳар хил элементлар учун солиқдан айрим ҳолларда қонун асосида озод қилиш.

Солиқ базаси юзасидан қонун хужжатлари қоидаларини ўзгартириш, маълумотлар етарли бўлмагандан иқтисодий прогнозлар тайёрлашда ўлчамлардан фойдаланиш мумкин. Солиқ базаси ўлчамдагига яқин бўлиши мумкин. Ушбу ўлчамлардан фойдаланишда ўзгарувчи сонлардан бошқариш учун мўлжалланган давлат кредитлари бериш маблағ ажратиш категориясига киритилади. Дефицитнинг умумий миқдорини ёки ижобий сальдони аниқлашда “СГФ бўйича қўлланма”га асосан қарз тўлаш учун ушлаб қолинадиган кредитлар категорияси маблағ ажратиш категорияси билан эмас, балки харажатлар категорияси билан бирлашади.

Бу муносабат давлат бошқарув идораларининг кредитлар бериш ва заёmlар олиш мақсадлари тўғри келмаслигини кўrsатади.

##### **б) Маблағ ажратиш.**

Бухгалтерлик ҳисобига олишда суммар тушумлари мусбат олинган нақд пуллар умумий тўловларга баробар бўлиши керак. Мусбат нақд пулларни жамғариш, шуни қайд этиш керакки, “умумий тушумлар” янги олинган заёmlарни ўз ичига олади, “умумий тўловлар” эски заёmlарнинг ўзини ўз ичига олади. Анализ қилиш учун операцияларни дефицит миқдорини аниқлайдиган (ёки ижобий сальдони), дефицитга маблағ ажратадиган (ёки ижобий сальдога) турларга ажратса бўлади. СГФ бўйича қўйидаги аниқликлар қўлланилади:

Дефицитни умумий миқдорининг ижобий сальдоси (даромаддан олинган трансфертлар) – (хорижий харажатлардан қарзни тўлаш учун ушлаб қолинадиган кредитлар). Бу моддалар “чизиқ устида”, қолган моддалар “чизиқ остида” жойлашган бўлиб, “маблағ ажратиш” деб аталади. Буни қўйидагича

ёзиш ҳам мумкин: дефицитнинг умумий миқдори ижобий сальдунинг маблағ ажратишнинг (заёмлари – амортизация) – (накд пулларнинг тоза кўпайиши).

Давлат томонидан пулни айланишга чиқариш ва давлат ўзига шу кўпайиш ва тез жамғарма депозитлар бўйича масъулиятни олиши молиявий муассасасининг вазифаси деб қаралади ва шу манбалардан ҳар қандай келаётган маблағлар молиявий муассасадан тушаётган ҳисобланади.

Давлат бошқарув идораларининг маблағ ажратиши ички маблағ ажратишга бўлинади. Улар резидентлардан тушади. Таъки маблағ ажратиши резидент эмаслардан олинади. Кейинчалик бу категориялар қарз олувчи мажбурий тури қарзли воситалар тури бўйича классификацияланади.

Иқтисодий ва молиявий таҳлилда, қарз олувчилар мажбуриятлари таснифи тури маъқул, чунки бунда қарз олувчилар мажбуриятлари талаб гурухига бирлашган иқтисодий характеристга эга.

Агар у ёки бу қарзли воситалар бошқа молиявий дастурлаштириш гурухланишига кирса, муайян имкониятларга эга бўлади.

## Қисқача хуросалар

Ушбу бобда «давлат бошқарув сектори» түшунчаси, давлат органлари операциялари ҳажмининг миқдорий ўзгариши ҳамда давлат органлари операцияларини таснифлаш ва кўрсатишда қўлланиладиган айrim асосий түшунчалар берилаган, даромадлар ва харажатлар категорияларининг асосий таснифи келтирилган ва оддий умумий баланс түшунчаси муҳокама қилинади. Иккинчи қисмда ўз ичига «давлат жамғармалари ва инвестициялари» түшунчаларини, бюджет дисбалансини ўлчаш ва бюджет дефицитини молиялашнинг муқобил усуслари ва уларнинг макроиктисодий оқибатлари ҳамда солиқ, бюджет сиёсатининг барқарорлигини тъминловчи бюджет соҳаси билан боғлиқ таҳлилий характердаги масалалар кўриб чиқилади. Давлат харажатлари ва даромадлари ўзгаришини баҳолаш усусларининг чуқурлаштирилган таҳлили берилган.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. «Давлат бошқарув органлари» тушунчасини изоҳланг.
2. Давлат даромадлари ва трансферлари қандай таҳлил этилади?
3. Молиявий активлар ва пассивларнинг чегараланиши нима учун керак?
4. Диаграммаларга нималар киради?

## Асосий адабиётлар

1. Козырева В.М. Теоретическая экономика. - М.: “Прогресс”, 1998.
2. Лебедев В.В. Основы экономических знаний. - М.: 1995.
3. А. Луссе. Макроэкономика. - Санкт-Петербург, изд. Питтер, 1999.
4. Макроиктисодий таҳлил ва сиёsat. ХВФ семинар материаллари. – Вена, 2000.

## ФИСКАЛ ҲИСОБЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

### 5.1. Фискал ҳисоблар

“Давлат молияси статистикаси бўйича қўлланма” да давлат бошқарувининг бир неча босқичлари аниқланган:

1. Марказий ҳукумат;
2. Штатлар ёки минтақалар даражасидаги органлар;
3. Маҳаллий органлар;
4. Миллатусти органлари.

Кўпчилик мамлакатларда давлат бошқаруви секторидаги бюджет операциялари ўз ичига камида давлат бюджетини шакллантирувчи марказий ҳукуматни олади. Лекин кўп мамлакатларда бюджет операциялари билан маҳаллий ва минтақавий органлар ҳам шуғулланади.

“Давлат бошқаруви сектори” атамаси давлат бошқарувининг барча даражаларини: марказий ҳукумат, штатлар ҳукумати, вилоят ва маҳаллий даражадаги органларини ўз ичига олади. Давлат бошқарув сектори ва пул-кредит секторларининг функцияларини бир-биридан ажратиб олиш учун давлат молияси статистиканинг иккакала таърифидан барча давлат банк ва пул-кредит операциялари чиқариб ташланган. Ҳусусан, ташкилотидан қатъи назар пул-кредит операцияларини ўтказувчи пул-кредит органларининг барча функциялари давлат бошқаруви секторига эмас, балки пул-кредит соҳасига киритилади. Пул-кредит ва солиқ-бюджет сиёсаларини бир-биридан ажратиш ҳамда пул-кредит ва молия статистикаси маълумотларини давлат молияси статистикаси маълумотлари билан мувофиқлаштириш учун бу соҳалардан ҳар бирининг операциялари бир-биридан алоҳида равишда таҳлил қилиниши керак.

Давлат сектори – бу, давлат бошқарувининг сектори кенг маънода ўз ичига давлат бошқаруви секторини ва давлат темир йўл, авиалиниялар ёки коммунал корхоналар каби номолия давлат корхоналарини олади. Марказий ҳукуматнинг айrim даромадлари ва харажатлари, одатда, марказий ҳукуматнинг маҳаллий ва давлат корхоналарига трансферларини ўз ичига олади. Турли даражадаги давлат органларининг жами операцияларини ҳисоблашда “икки мартараб ҳисобга олиш”га йўл қўймаслик учун бундай трансферларни соф ҳолда кўрсатиш лозим. Турли даражадаги давлат органларининг ҳисобларини сальдолаш ва чиқариш жараёни консолидация деб аталади.

Ҳар бир даражадаги давлат бошқарув органлари З турдаги операцияларни ўтказишади: бюджет, нобюджет, ижтимоий сугурта-

лаш фондлари билан операциялар. Таърифидан келиб чиқиб, бюджет операциялари бюджет орқали ўтади. Нобюджет операциялар бюджетдан ташқарида амалга ошиб, нобозор товарлари ва хизматлари кўрсатишини кўзлаб, мажбурий йигимлар ҳисобидан маблағларни ундириш билан боғлиқ. Масалан, нобюджет фонд кўпинчча ёқилғи учун маҳсус солиқлар йиғиш ҳисобидан йўл хўжалигини тутиб туришга харажат қилиши мумкин.

Нобюджет операцияларнинг маҳсус категориясига ижтимоий суғурталаш дастурлари киради. Ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатларда бу дастурлар, одатда, нафақа фонди, бандлик фонди ва ижтимоий суғурталаш фондини ўз ичига олиб, уларнинг маблағлари ҳисобидан меҳнатга қобилиятсизлик ва ижтимоий ёрдам нафақалари тўланади.

Давлат бошқарув органи сектори қандай аниқланишидан катти назар, кўп мамлакатларда бюджетнинг ҳақиқатдаги ижроси кўпинчча давлат операциялари ҳисобида жиий камчиликларга олиб келади. Иккита энг катта камчилик нобюджет ҳисобларни акс эттириш ва миллий валютадан эквивалент ҳисобларда фойдаланиш билан боғлиқ. Қатор мамлакатларда айниқса, ўтиш иқтисодиёти шароитидаги давлатларда ҳукумат нобюджет ҳисоблардаги операцияларни акс эттириб, бошқа ҳолларда бюджетга киритилиши керак эди. Нобюджет фондлардан ҳамма жойда фойдаланиш (айниқса, агар улар бюджет операциялари билан консалидацияланмаган бўлса) бюджет соҳасидаги ишларнинг ҳақиқий ҳолатини бузиб кўрсатади, даромадлар, маблағлар аниқ мақсадга сарфланниши сабабли бюджет маблағларидан эгилувчан бошқаришни қийинлаштиради ва энг муҳими, бу ҳисобларга келувчи маблағларни сарфлаш устидан назорат йўқолишига олиб келади.

Бу муаммони ечиш учун кўп мамлакатлар нобюджет ҳисоблар ўрнига бюджет доирасида алоҳида ҳисобларни яратишган.

Бу ҳукуматга керакли назорат ва ҳисобларни олиб боришга ҳамда бу ҳисобларни текширишга имкон беради.

Ўтиш иқтисодиёти шароитидаги кўпгина мамлакатларда миллий валюта эквивалентидаги ҳисоблар бюджет ҳолатини бузиб акс эттиришини кучайтиради. Бу ҳисобларда маблағлар миллий валюта эквивалентидаги хорижий кредитлар ва гранитларда акс этади. Бу маблағлардан кўпинчча дефицитни молиялаш ва ташкилотлар ҳамда корхоналарни кредитлаш учун фойдаланилади.

Бундай кредитлаш кўпинчча бюджетда акс этмайди, шу боис парламент назарига тушмайди ва бюджет умумий ҳолатини бузиб кўрсатади ҳамда фоиз ставкаларини субсидиялашга олиб келади. Бундай эквивалент ҳисоблар нафақат бюджетда тўлиқ акс этиши керак, бундан ташқари уларни норентабел корхоналарни имтиёзли кредитлашнинг кўринмас манбаларига айланишига йул қўймаслик зарур.

Давлат корхоналари давлат сектори доирасидан ташқарида

деб қаралади. Товар ва хизматларни кенг миқёсда иқтисодиётнинг бошқа секторларига етказиб берувчи давлатта тегишли ишлаб чиқариш бўлинмалари ва давлат назорат қиласидаган акционерлик саноат ёки тижорат бўлинмалари таснифга кўра, номолия корхоналари секторининг давлат улушкига тегишли. Бунга давлатнинг темир йўллари ва авиалиниялари, почта хизмати ва национализация қилинган ёки хукумат асос солган тармоқлар мисол бўла олади. Жорий, муддатли ва жамғарма депозитларни қабул қилувчи ҳамда мажбуриятларни олувчи ёки бозорда молиявий активларни сотиб олувчи давлатнинг ёки давлат томонидан назорат қилинадиган молиявий муассасалар таснифда молиявий корхоналар улушкига киради. Марказий банк ҳам, анъанага кўра, давлат бошқарув секторига эмас, балки юқоридаги секторга таалтуқлидир.

### Давлат операцияларини ўлчаш

ДМС меъёрларига кўра, давлат молиявий статистикаси доирасидаги операциялар МХТ тизимиға киритилувчи миллий даромад, миллий маҳсулот, пул-кредит соҳаси ва тўлов баланси ҳисоблари каби ҳисобланиш услубида эмас, балки касса ёки тўлов тамойили асосида ҳисобга олинади. Олинган маблағлар ва тўловлар касса тамойилига кўра, молиявий ҳисобланиш вақтида акс эттирилса, ҳисобланиш услубида операциялар ҳисобларда мажбурият ёки талаб пайдо бўлганда ёки улар бўйича тўлов муддати келганда акс этади.

Давлат операцияларини касса услубида акс эттириш уларни пул-кредит ҳисоблари билан таққослаш ва шу билан давлат операцияларини агрегатлашган пул-кредит кўрсаткичларига таъсири даражасини аниқлашни енгиллаштиради. Бу таққослаш иқтисодий таҳлил нуқтаи назаридан айниқса муҳимдир, чунки касса тамойили (ДМС) асосида ёзилган операциялар ва ҳисобланиш услубида акс эттирилган (пул-кредит ҳисоблари) лари орасидаги фарқ тўловлар бўйича кечикирилган қарздорликни ҳисобга олиш сабабли вужудга келади. Бундай қарздорлик ДБОлари мажбуриятларни ўз вақтида қайтариш қобилиятсизлигини акс эттириб, касса тамойили ва ҳисобланишлар услуги асосида белгиланган бюджет баланси миқдорлари орасидаги катта фарқларга олиб келди. Ҳисобланиш услубида ҳисобланган ва хукумат томонидан мажбуриятларини (ҳам ички, ҳам ташқи) тўлиқ акс эттиради, шу вақтнинг ўзида касса тамойили асосида ҳисобланган баланс эса ҳақиқатдаги фоиз тўловларни акс эттиради.

Касса тамойили асосида ҳисобланган дефицит ҳисобланиш услубида ҳисобланган дефицитга кўра, кам бўлган, хукумат ҳам фоизларни тўлашда, ҳам бошқа мажбуриятларни қайтаришда қарздорликка эга.

## Давлат молия статистикаси тизими

Давлат молия статистикаси тизими (ДМС) давлат органларининг милий ва жаҳон иқтисодиётининг бошқа секторлари билан операцияларни ҳамма томонлама ҳисобга олиш ва авваламбор давлат киримлари, тӯловлари ва тӯланмаган мажбуриятларни аниқлаш учун мўлжалланган. І-расмда ДМС доирасида турли давлат органлари операцияларининг таснифи берилган.

Тушумлар		Тўловлар	
Жорий хеч нарса	Капитал хеч нарса	Капита л хеч нарса	Жорий хеч нарса
<b>Даромадлар</b>		<b>Харчматлар</b>	
Жорий	Капитал	Капита л	Жорий
<b>Расмий олингган Трансфертлар</b>			
Ликвидланин бошқариш мақсадида олингган	Давлат сийёстин и амалга ошириш мақсади- да олингган	Бонга сектор мажбуриятлари	Давлат сийёстини амалга ошириш мақсадида олингган
Бонга сектор мажбуриятлари	Бонга сектор мажбуриятлари	Бонга сектор мажбуриятлари	Ликвид- ликни бошқарни мақсадида олингган
<b>Молиялаштириш</b>			
Накд пул маблаглари қолдиригининг ўзариши			

Манба: МВФ, «Руководство по статистике государственных финансов» (Вашингтон, 1986 год), стр.131.

І-расм. Давлат бошқарув органлари операцияларини таснифлашнинг таҳлилий асоси.

**Даромадлар, киримлар, харажатлар ва тўловлар**

Умумдавлат бюджети ҳолатини ва унинг макроиктисодий соҳага таъсирини баҳолаш мақсадида мутахассислар даромадлар ва харажатларни аниқ ажратишлари керак. Бунда шуни назарда тутиш керакки, барча даромадлар киримдир, лекин барча киримлар ҳам даромад ҳисобланмайди. Мажбуриятларни қайтариш билан боғлиқ бўлмаган киримлар даромад ҳисобланади. Ҳукумат берган кредитлар ҳисобидан киримлар даромад ҳисобланмайди, чунки бундай кредитлар қайтарилиши керак. Шунингдек, ҳамма тўловлар ҳам чиқим ҳисобланмайди. Масалан, кредитни қайтариш маблағларни сарфлашга кирмайди, чунки у кредитни олишдаги мажбуриятдан келиб чиқади, фоизларни тўлаш бошқа томондан харажатларнинг моддаси ҳисобланади.

### **Ялпи ва соф сумма**

Даромадлар олиш ва харажатларни сарфлаш бўйича давлат операцияларини тўлиқ ҳажмда статистик маълумотларда акс эттириш учун даромадлар ва харажатларни ҳозирча фарқлаш қабул қилинган.

Масалан, “мактаб таълими учун тўловлар” таълим учун харажатларнинг баланслаштирувчиси билан боғлиқ харажатлар солиқ тушумлари суммасидан “манфий даромадлар” сифатида айрилмайди. Кредитлаш ва қарз олиш-бу, қоидадан четга чиқишидир. Бу ҳолатдаги ягона аҳамиятли микдор-бу, давлат бошқаруви органларига ва тескари йўналишдаги пул маблағларининг тез ҳаракатидир.

### **Икки томонлама ва бир томонлама операциялар**

Икки томонлама операцияларда пуллар, товарлар ёки хизматларга алмашиниб тўланадиган ёки олинадиган бир томонлама операцияларда тўловларни амалга ошириш ёки олиш нимадир эвазига олиш билан боғлиқ эмас, бир томонлама операцияларга трансферлар ва грантлар мисол бўла олади.

### **Солиқ ва солиқсиз тушумлар**

Даромадлар грантлардан ташқари барча қайтарилмайдиган тушумларни ўз ичига олади. Даромадлар жорий маблағларга ва капитал ҳисобидан тушумларга (фақат капитал активларни сотищдан даромадларни ўз ичига олади) бўлинади. Солиқ давлат органлари томонидан олинган ва ижтимоий эҳтиёжларга сарфланадиган мажбурий бир томонлама тушумлардир.

Солиқ тушумларига (уларнинг соф суммаси олдиндан ортиқча тўланганларни қайтаришни айиради) ижтимоий сугуртага

мажбурий ажратмалар ва фискал монополияларнинг давлат бюджетига ўтказадиган даромади киради. Солиқсиз тушумлар мулкка эгаликдан даромадлар, тўловлар ва йифимлар, жарималар ва давлат корхоналари фойдасидан ажратмаларни ўз ичига олади.

### Бегараз тушумлар

Бегараз тушмларга бошқа мамлакатлар хукуматлари ва халқаро ташкилотлардан тушумлар киради. ДМС бўйича қўлланмада бегараз тушумлар молиялаш моддалари каби эмас, балки даромадлар гурӯҳига операциялар сифатида киритилади. Лекин бюджет ҳолатини таҳлил ва прогнозлаш нуқтаи назаридан бегараз тушумларнинг бошқа даромадлардан кескин фарқ қилишини тан олиш керак. Микдори ва тушиш вақтини олдиндан айтиш мумкин эмаслиги түфайли уларни бюджет поргнозига киритиш ёки харажатларни тўлаш учун фойдаланиш бюджет режалаштириш жараёнини жиддий издан чиқариши ва келаjakъда бюджетни жуда аниқлаштиришни талаб қилиши мумкин. Гарчанд, ДМС да бегараз тушумларни чизиқ устидан жойлаштирилсада, бюджет ҳисобларининг аналитик кесимида уларни молиялашнинг бир моддаси сифатида акс эттириш мақсадга мувофиқдир.

*Давлат органларини соф кредитлаш.* Соф кредитлаш (кредитлаш минус қарзни қайтариш) асосан давлат ликвидилигиги ни бошқариш мақсадида эмас, балки асосан давлат сиёсати масалаларини ечиш учун давлат органларини кредитлашни ўз ичига олади. Бундай кредитлашға фермерлар, талабалар ва кичик бизнес эгаларига субсидиялар мисол бўлади. ДМСга кўра, соф кредитлаш молиялашга эмас, балки харажатларга киритилади. Бу ёндашув хукуматни ё кредитлаш, ё қарз олишга ундейдиган мотивлар орасидаги ассиметрияни акс эттиради. Давлат органларида мавжуд валюта ва уни депозит ҳисобларда жойлаштириш орасидаги фарқнинг тебраниши ва нақд пул қолдиқларининг ўзгариши соф кредитлаш каби эмас, балки молиялаш каби қўрсатилади.

### Банк капиталини тўлдириш

Бир қатор мамлакатларда давлатга тўлиқ ёки қисман тегишли банклар катта зарар кўришида ва ҳозирда капиталнинг камчилигини бошдан кечиришмоқда. Бу мамлакатларнинг хукуматлари бу банкларга капитал қўйиш ёки ҳатто ўзига уларнинг қарз мажбуриятларини олиши мумкин. Юқорида айтилганидек, ДМС тизими касса асосида бўлгани учун давлатнинг ўзбўйнига нақдсиз қарз мажбуриятларини олиши қарз олиш вақ-

тида харажат ҳисобланмайди. Шу билин бирга, бу қарзниң фоизларини тұлаш харажат деб ҳисобланиб, кечиктириб, қарзни нақд тұловлар билан қайтариш эса манфий молиялашға кирилилади. Башқача қилиб айттанда, ДМС услугиятига құра, бюджет камомади миқдорига фақат олинган қарз бүйічә фоиз тұловлари таъсир қиласы.

### Хусусийлаштиришдан түшумлар

«Давлат молия статистика (ДМС) бүйічә құлланма»да давлат сектори корхоналари активларининг әгалик улушини сотишидан түшумни манфий соғ кредитлаш сифатида күрсатып тавсия этилған. Уни солиқсиз капитал даромадлар сифатида күрсатылған давлат моддий активларини сотищдан фарқлаш лозим.

Бундай ёндашувда, хусусийлаштиришдан даромадлар олдин трансферлар ёки капитал құйиц ғана жасауда сотиб олинган корхона капиталидаги ҳукуматнинг улушини сотищдир, деб изохданади. Бундай ёндашув бюджет балансини бир марталик яхшилашни үтказып имкон беради. Гарчанд, ушбу түшумларни чизик үстіде күрсатып қабул қылған бұлсада, таҳлилдә бу түшумларни ҳукуматнинг соғ молиявий позициясыга таъсир этувчи операциялар билан тең даражада чизик остида күрсатып керак.

Бюджет камомадининг бир марталик камайиши келажакда уни корхоналар ажрататын фойдалан ҳукумат даромад олмаслиги сабабли ўсиши мүмкін. Лекин агар ҳукумат сотувдан фойдани бошқа активларни сотиб олишга ёки қарз қайтаришга сарфласа, келажакдаги камомад тұлық компенсацияланади. Бу ҳолда ҳукумат ва хусусий сектор фақаттына активларни алмаштириб, реал ресурслар талабига таъсир этмайди. Лекин агар ҳукумат олган пулларни- харажатларни оширишга ёки солиқларни қысқартишга ёки иккаласыга сарфласа, активларни сотиши йи-лида камомад үзгартайды, балки келажакда у күпаяди ва шу йүл билан хусусийлаштириш бюджет ҳолатига таъсир этади. Охирги йилларда хусусийлаштириш натижасыда катта фойда олинган Буюк Британияда бюджет камомадини ҳисоблашда макроқти-содий ҳисоблар 2 вариантда – фойдани күрсатып ва күрсатмасдан ҳисобланади. Бу ёндашувнинг фойдаси шундаки, у ҳисоблар таҳлилини енгиллаштиради, чунки хусусийлаштиришдан даромадлар активларнинг алмашиниши каби күриб чиқылади.

### Марказий банк фойдаси

Амалда ҳукуматта бериладиган Марказий Банкнинг фойдаси даромад ҳисобланади. Бунда шуни айтиб үтиш керакки, бу суммага олтін валюта авуарларни қайта баҳолащдан фойда

киритилмайди. Бундан ташқари у Марказий Банкнинг айрим операцияларини (масалан, олтин ёки валютани сотиш) эмас, балки барча битимларни акс эттириши керак.

Даромадлар ва харажатларнинг таснифланиши ДБО амалга оширадиган операциялар 2 категорияга таснифланади: даромадлар ва харажатлар. Асосий таснифлаш ялпи, жорий, капитал харажатлар ва даромадларни акс эттиради ва иқтисодий характерга эга. Бу категорияларнинг ичидаги соликлар соликقا тортиладиган фаолият тури бўйича, харажатлар эса сарфланиши мақсадига кўра таснифланади. Масалан, мудофаа ва таълимга харажатлар. Бюджет таҳлили учун бюджет операцияларини стандарт аналогик иқтисодий таснифи муҳимроқ аҳамиятта эга.

## 5.2. Фискал баланси

Агар ДБО операцияларини нақд пул нуқтаи назаридан қаралса, ялпи тушумлар доим ялпи тўловларга тенгdir.

Шу сабабли давлат органларининг бюджет ҳисоблари ҳар доим баланслашгандир. Лекин таҳлил ва қарор қабул қилишдан келиб чиқиб, бир томондан, тушумлар ва давлат органларининг грантлари орасидаги фарққа, бошқа томондан, соф кредитлаш билан бирга уларнинг эътиборини қаратмоқ мақсадга мувофиқдир. ДМСда бюджет балансининг анъанавий таърифи бу тамойилдан келиб чиқиб, балансни ялпи даромадлар ва ялпи харажатлар орасида фарқ каби қарайди.

Умумий камомадларнинг (даромад + олинган трансфертлар) - (харажатлар + кредитлар-қарзнинг мусбат қайтарилиши) сальдоси.

Бу моддалар “чизиқ устида” жойлашган, “чизиқ остида” жойлашган қолган моддалар молияси деб аталади.

Бошқача қилиб буни шундай ёзиш мумкин:

Камомаднинг умумий ҳажмлари мусбат сальдони молиялаш – нақд пулнинг соф кўпайишидир.

Шундай қилиб, давлат органининг бюджет камомади даромадлар ва грантлар ҳисобидан тушумлардан ошувчи харажатлар ва соф кредитлашининг қисмидир. Давлат органи камомадни қарз олиб ва ёки ўз ликвид маблағларини сарфлаб қоплайди. Бюджет балансининг бундай анъанавий таърифи бюджет таҳлилида жуда муҳим. Чунки у умуман олганда давлат органининг молиявий ҳолати ва ҳатто бу пул-кредит соҳасида, ички талабда ва тўлов балансида қандай акс этиши тўғрисида тўлиқ тушунча беради.

## **Солиқ тушумлари**

Оборотдан солиқлар – ҚҚС; акциз солиқлари; даромад солиқлари; корпорацияларнинг даромад солиқлари; шахсий даромад солиқлари; ижитимоий суғурта ва нафақага солиқлар; ташқи савдо солиқлари, бошқа солиқ тушумлари.

## **Солиқсиз тушумлар**

Лицензиялар, йигимлар ва бошқалар. Марказий банк фойдасидан ажратмалар.

## **Трансфертлар**

Харажатлар ва соф кредитлаш; жорий харажатлар; иш хақи; товарлар ва хизматлар; фоиз тўловлари; ташқи фоиз тўловлари; ички фоиз тўловлари; нафақалар; трансфертлар; субсидиялар; бошқа харажатлар.

## **Капитал қўйилмалар. Соф кредитлаш**

Янги сиёsat доирасидаги кредитлар (маслан, деҳқон хўжаликларини ва давлат корхоналарини субсидиялаш); қарз қайтариш ҳисобидан тўловлар.

Умумий сальдонинг (даромадлар ва трансфертлар) - харажатлар ва соф кредитлаш.

## **Ташқи молиялаш. Янги қарз олиши**

Қарз қайтариш ҳисобидан тўловлар. Ички Банк.

### **5.3. Бюджет таҳлили**

Гарчанд, камомадни аниқлашда ДМСда қайд қилинган «умумий камомад» тушунчасидан фойдаланилсада, бюджет балансини ўлчашнинг ягона, энг яхши усули мавжуд эмас. Мақсадга қараб ва турли таҳлилий меъзонлардан келиб чиқиб, балансни аниқлашнинг бошқа концепцияларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бюджет ҳолатининг умумий кўрсаткичлари сифатида кўпинча камомад ёки мусбат сальдонинг ЯММга нисбати олинади ва у бюджет соҳасидаги ҳолатни аниқлашнинг умум қабул қилинган усулидир. Лекин, ҳатто, бу анъанавий усул қатор бошқа ўлчов ёки бу бўлимда айтиладиган ҳамма ўлчовлар билан тўлдирилиши мумкин. Ялипи ўлчовлар солиқ-бюджет сиёсатининг солиқ солиш ва харажатлар каби таркибий жиҳатларни ҳисобга олиши керак.

Баланснинг керакли таърифини танлаш қатор омилларга асосланади:

1. Дисбаланс тури;
2. Қамраб олиш даражаси (марказий ҳукумат, давлат бошқаруви сектори ёки давлат сектори);
3. Бухгалтерия ҳисобининг услуби (касса тамойили ёки ҳисобланиш услуби);
4. Бошқа шартнинг ҳолати.

2-расмда қисқа шаклда тегишли омиллар ва бюджет балансини баҳолашдаги эҳтимолли таҳлилий фарқлар кўрсатилган. Қуйида бюджет балансини ўлчашнинг турли усуллари кўриб чиқилган.

Давлат секторининг қарз маблағларига эҳтиёжини аниқлаш бюджет балансининг бутун давлат сектори учун анъанавий услубидир. У бюджет балансининг энг кенг қамровли стандарт кўрсаткичлари бўлиб хизмат қиласи, чунки бутун давлат секторининг молиявий ресурсларга талабини ўз ичига олади. «Умумий баланс» тушунчасидан давлат бошқарувининг ҳар қандай даражасида фойдаланиш мумкин. Марказий ҳукуматнинг ва давлат бошқаруви секторининг қарз олишга эҳтиёжи бутун давлат сектори эҳтиёжининг таркибий қисмиdir, уларни эса давлат бошқаруви сектори ва давлат корхоналари сектори қарз олишга эҳтиёжидан ва тегишли равишда секторлар орасидаги трансферларни сальдолаб аниқлаш мумкин.

Бюджетнинг жорий баланси (жорий операциялар ҳисоби бўйича баланс) жорий даромадлар ва жорий харажатлар орасидаги фарқ сифатида аниқланади. Бу кўрсаткичга кўпинча давлат жамғармаларини аниқлаш ва демак, давлатнинг ялпи миллий жамғармаларидағи улушкининг кўрсаткичи сифатида қаралади. Уни қўйидагича ёзиш мумкин:


Жорий бюджет ялпи харажатлари + давлат жамғармалири + ялпи жорий даромад.

Лекин бу тушунчадан бюджетнинг амалий таҳлили давомида фойдаланиш қатор чеклашлар билан боғлиқ. Бу тушунча бир томондан, капитал ва бошқа томондан, жорий даромадлар ва харажатлар орасидаги чегаралашга асосланган. Капитал харажатлар ишлаб чиқаришда бир йилдан кўпроқ фойдаланиш кўзланган активларни сотиб олиш ва капитал таснифларни ўз ичига олади, қолган харажатлар жорий деб таснифланади. Бу фарқ харажатларни жорий ва капиталга анъанавий таснифлаш каби унчалик асосга эга эмас. Бундан ҳам муҳими шуки, давлат инвестицияларини кўллаб-куватлаш керак, чунки улар иқтисодий ўсишни тезлаштиради, деган бошланғич қоида ҳам шубҳалидир, чунки турли лойиҳаларни молиялашга давлат маблағларини ҳаддан ташқари кўп истроф қилиш бўйича мисоллар кўп. Бундан

ташқари агар асосий фондларни яхши ҳолатда ушлаб туриш ўрнига маблағлар ишлатилса, бу охир-оқибат иқтисодий ўсиш суръатлари пасайишига (ўсиш ўрнига) олиб келиши мумкин.

2-расм

## Бюджет камомадини ҳисоблаш ва мониторинг қилиши



Манба: M. Blejer and A. Cheasty, 1992, "How to Measure the Fiscal Deficit", Finance and Development, Vol.29 (September)

Шундай қилиб, жорий бюджет баланси күрсаткичи биринчи қарашда қулай бўлиб кўринсада, у яхши индикатор булиб хизмат қила олмайди. Бундан ташқари у бюджет соҳасидаги ҳолатнинг ички ва ташқи секторлардаги макроиктисодий балансга таъсирини таҳдил қилишга уччалик ярамайди.

Бирламчи ёки фоизсиз баланс кўрсаткичларидан фоиз тўловларни ҳисобга олмасдан турли босқичлардаги жорий бюджет сиёсати таъсирини аниқлашга имкон беради. Ушбу бирламчи баланс давлат соф қарзига қайси сиёсат таъсир этишини кўрсатади ва шунинг учун давлат камомадини бир хил даражада сақлашнинг муҳим индикатори бўлиши мумкин. Уни қўйидагича ёзиш мумкин:

Асосий бюджет баланси = анъанавий баланс-тўлаш

Камомад+бюджет камомади+мусбат фоизлар+мусбат сальдо=сальдо

Операцион баланс – бу, анъанавий балансдан инфляцияга тўғри келган фоиз тўловларни айириб ёки бирламчи балансга фоиз тўловларнинг реал компонентини қўшиб олинади.

Гарчанд, кредиторлар юқорироқ номинал фоиз ставкалар кўринишида компенсация олишига қарамай, давлатнинг қайтарилмаган қарзи реал қиймати инфляция сабабли пасаяди. Кўпинча пул коррекцияси деб аталган бундай компенсация капитал учун фойда эмас, балки капитални қайтаришдир. Бошқача қилиб айтганда, давлат қарзи бўйича фоиз тўловларининг бир қисми ҳақиқатда асосий суммасини қайтаришдир ва шунинг учун бу суммани чизиқ устидаги фоиз тўловларидан айириб ташламаса, камомаднинг микдори ошириб кўрсатилган бўлади. «Операцион баланс» тушунчасидан фойдаланилса, бу муаммо пайдо бўлмайди. Бундай тушунчани кўллаш инфляция суръатлари баланд ва катта давлат қарздорлигига эга мамлакатларда айниқса муҳимдир, чунки бу индикаторлар ҳар йил учун бюджет сиёсатининг давлат қарзи реал микдорига таъсирини аниқлашга имкон беради.

Инфляция шаротида реал давлат қарзининг динамикаси номинал давлат қарзи динамикасига кўра, бюджет сиёсатининг истиқболларини белгилаш учун аниқроқ индикатордир. Инфляция юқори суръатли мамлакатларда анъанавий ва операцион баланс кўрсаткичлари орасида катта фарқ пайдо бўлиши, бу икки кўрсаткич ўзгаришининг тенденциялари эса кескин фарқданиши мумкин.

Бу ўзаро муносабатни қўйидагича ёзиш мумкин:

Операцион = анъанавий- камомад= инфляцион компоненти ёки операцион = асосий + камомаднинг ҳақиқий компоненти/камомад/фоиз тўловлари Сальдо=сальдо.

## 5.4. Давлат молия статистикаси: маълумотларни тақдим этиш тамойиллари

Бу ўринда статистик таҳдил моҳияти ҳисобланувчи давлат секторининг турли хилдаги фаолияти, шунингдек, ўша фаолиятнинг турли жиҳатларини ҳисобга олиш услублари кўриб чиқилади. Унда шунингдек, давлат операциялари асосий категориялар бўйича таснифланишнинг назарий асослари ёритилган.

Статистика нуқтаи назаридан қараганда бозор иқтисодиётти учун хос хусусият, фирмалар ва уй хўжаликлари иштирокидаги операциялар ҳисобланади, давлат секторининг иқтисодий операциялари эса бундан мустаснодир. Одатда, давлат секторининг хизматлари рақобатчи нархлар бўйича сотилмайди. МХТ да ҳам, ДШИ бошқарувида ҳам давлат сектори маҳсулотининг нархи бир қанча харажатлар қиймати, яъни ишлатилган, киритиладиган барча ресурсларнинг умумий қиймати бўйича аниқланади. Харажат қиймати бўйича маълумотлар, одатда, киритиладиган ресурсларнинг, муҳокама учун қўллаш пайтидаги қийматини ифода этади. Ишчилар давлат секторида ишлашни хоҳламайдилар, агар ундаги иш ҳақи хусусий сектор ташкилотлари таклиф қилаётган иш ҳақидан паст бўлса. Шу маънода, гарчи, давлат сектори товар ва хизматлари қиймати харажатларининг бухгалтерия қийматига асосланган бўлса-да, у бозор қиймати билан боғлиқ.

## 5.5. Камомадни молиялаш

Давлат камомадининг макроиктисодий таъсири асосан камомадни молиялашнинг характеристига боғлиқ. Бўлимда кўрсатилганидек, камомадни қарз олишининг қуйидаги тўрт манбайдан молиялаш мумкин:

1. Марказий банкdan қарз олиш ёки камомадни эмиссион молиялаш;

2. Пулни банк секторидан қарзга олиш;

3. Миллий нобанк сектордан қарз олиш;

4. Ташки қарз олиш ёки валюта заҳираларидан фойдаланиш.

Умуман олганда, молиялашнинг бу усуllibаридан ҳар бири жидий макроиктисодий дисбалансни чақиради. Инфляцияни кучайтирувчи ортиқча пул массасининг пайдо бўлиши; ташки қарз муаммосининг кескинлашуви, ҳаддан ортиқ ташки қарз олиш; валюта инқирозига олиб келувчи валюта заҳираларининг камайиб кетиши; реал фоиз ставкаларини ошириб юборувчи ҳаддан ортиқча ички қарз олиш ва эҳтимол фоиз тўлов-

лари, камомад ва қарзнинг ўзаро таъсир динамикаси сабабли давлат қарзининг кескин ўсиши. Лекин молиялашнинг бу мүқобил усуулари ва уларнинг оқибатлари орасидаги ўзаро алоқа жуда мураккаб бўлиши мумкин.

Марказий банкдан қарз олиш (камомадни эмиссион молиялаш). Марказий банкдан қарз олиш қуввати оширилган пулларни яратиш билан тенг. Агар пул эмиссиясининг суръатлари жорий нархлар даражасидаги пулга талабдан ортиқча бўлса, нақд пулнинг ортиқча қолдиқлари пайдо бўлиб, бу нархлар даражасини кўтариади. Ўтиш иқтисодиёти шароитидаги кўпгина мамлакатларда давлат камомадининг каттагина фоизи нақд пулга айлантирилади ва инфляциянинг асосий манбаи бўлиб хизмат қиласи. Ҳукуматнинг реал ресурсларни пул эмиссияси йўли билан назорат қила олиш қобилиятини айрим вақтда эмиссион даромад деб аталади. Можиятан эмиссион даромад “инфляцион солиқ” билан узвий боғлиқ. Аҳолининг реал пул қолдиқларига ўзгармас талабида эмиссион даромад амалда инфляцион солиқка тенгdir.

Бошқа секторлар тўлайдиган инфляцион солиқ ҳукумат йиғиб олганидан кўра кўпdir. Бошқача айтганда, камомадни инфляцион солиқ ҳисобидан қоплаш, давлат сиёсати натижасида бошқа секторлар қиладиган харажатлар реал ресурслардан кўпроқdir. Ҳукумат харажатларни бошқа секторлардан солиқ тушумларини ошириб, қарз олиб ёки пул эмиссияси билан молиялаши мумкин. Пул эмиссиясидан олинган даромад эмиссион даромад деб аталади. Бу даромадни давлатнинг мамлакатни алмашмайдиган қоғоз пуллар билан таъминлашнинг монопол ҳуқуқи натижасида олиш мумкинdir. Давлат пулни чиқаришга озгина харажат қилиб, қуидагиларни олади: қоғоз купюранинг номинал қийматига тенг ресурсларни олиб, у мамлакатни пул билан таъминлабгина даромад олади. Ҳозирги шароитда банклар ҳам пулни яратиш ва демак, эмиссион даромад олиш имкониятига эга.

Шундай қилиб, эмиссион даромадни мамлакатдаги пул эмитентлари оладиган реал ресурсларнинг ялпи микдори деб таърифлаш мумкин.

Шундай қилиб, эмиссион даромадни нархлар даражаси ( $P$ ) орқали ифодаланган бошқа секторлардаги пул қолдиқларининг ўзгариши ( $M$ ) сифатида ёки номиналлар ҳажми ўсишининг суръати сифатида кўрсатиш мумкин.

Соф эмиссион даромаднинг компоненти нақд пуллар реал қолдиқлари суммасининг ўзгаришидир. У реал иқтисодий ўсиш ёки пулга талабнинг ижобий ўзгаришида пайдо бўлади.

Инфляцион солиқнинг компоненти ушбу ҳолда солиқ со- лиш ставкасига тенг бўлган инфляция суръатини бошқа секторлардаги нақд пулнинг реал ҳажмига кўпайтмасига тенг. Инфляция бўлмаганда инфляцион даромад олдингидек келаве- ради, агар нақд пулларнинг реал қолдиқлари ўсиши тўхтатма- са, албатта.

Инфляция суръатлари жадаллашган сари нақд пулнинг реал қолдиқларига талаб камайди, чунки бошқа секторлар юқори ин- фляцияга мослашади, шу жумладан, улар юқори солиқларга тортиладиган миллий валютани хорижий валютага алмаштиради.

Инфляциянинг баланд суръатлари шароитида нақд пулларнинг реал қолдиқлари камайиши инфляцион солиқ солиши базаси қисқаришига тенг. Солиққа тортиш базасининг бундай қисқариши шуни билдирадики, ҳужумат ўша даромадни олиши учун инфляция суръати- солиқ суръати ошиши керак.

Эмиссион даромаддан тушумни тўнтарилган “U”симон эгри чизик сифатида тасвирлаш мумкин. Инфляция ўсиши билан эмиссион даромад ҳам ўсади, лекин маълум нуқтада у максимумга эришади ва бундан сўнг инфляциянинг ўсиши даромадларнинг камайишига олиб келади.

Саноати ривожланган кўпчилик мамлакатларда эмиссион даромаднинг ҳажми ЯИМнинг 1,2 фоизи атрофида тебранса, айрим ривожланаётган ва ўтиш иктисодиёти шароитидаги мамлакатларда максимум ЯИМнинг 5-10% и атрофида ўзгаради.

Марказий банкдан қарз олишдан фарқли равишда депо- зит банкларидан қарз олиш қуввати оширилган пулларни яра- тишга ўзидан-ўзи олиб келмайди. Депозит банкларнинг кре- дит ресурсларига бўлган қўшимча талаби Марказий банк томо- нидан қўшимча заҳиралар берилиб қондирилади ва бу Марка- зий банкдан кредит олишга тенгdir. Лекин Марказий банк кредитларга қўшимча талабни қондиришдан бош тортса, депо- зит банклар давлат кредитларига юқори талабни қондириш учун хусусий секторни кредитлашни қисқартишига мажбур бўлишади. Бу ҳодиса хусусий сектор харажатларини сиқиб чи- қариши каби маълум ва асосан фоиз ставкалари ошишидан ке- либ чиқади.

Банк бўлмаган муассасалардан қарз олиш. Ички қарз маж- буриятларини чиқариш камомадни ноэмиссион молиялаш усул- ларидан биридир. Банк бўлмаган муассасалардан қарз олиш дав- латга қисқа муддатда камомадни сақлаб туришга имкон беради, лекин пул базаси ёки халқаро заҳиралар ошади. Шу сабабли ушбу усул нафақат инфляциянинг, балки ташқи секторда инқи- рознинг олдини олувчи усул ҳисобланади. Лекин агар банк бўл-

маган муассасалардан қарз олишдан кўп фойдаланилеа, бу ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Биринчидан, камомадни узоқ муддатли давлат облигациялари чиқарип молиялаш инфляция хавфини кечиктиурсада, давлат қарзининг микдори камаймаса, у келажакда инфляциянинг янада юқори суръатларига олиб келиши мумкин. Иккинчидан, банк кредитлари каби бевосита аҳолидан қарз олиш пулларни хусусий сектордан сиқиб чиқаради ва фоиз ставксининг ўсишига олиб келади. Шунингдек, бу юқори фоиз ставкалари бўйича харажатларнинг ошишига сабаб бўлади ва шу билан келажакда давлат бюджети камомадини янада оширади. Реал фоиз ставкалари иқтисодий ўсиш суръатларидан ошганда қарзни қайтариш бўйича харажатлар тўхтовсиз ўсиши куатилиши мумкин ва бунинг натижасида давлат қарзи анча давргача ўша даражада сақланиб қолади.

Инфляция суръатлари юқори бўлган мамлакатларда давлатнинг узоқ муддатли қарз мажбуриятлари қиймати тез пасяди ва бундай воситаларга ихтиёрий талаб паст даражада бўлади. Хукумат кўпинча мажбурлаш чораларини (бевосита ва билвосита) кўриб, банклар ва ҳатто аҳолини шундай мажбуриятларни сотиб олишга мажбурлайди. Лекин бундай харакатлар ёки ўтмишда бўлиб ўтган шу йўл билан аҳоли пулини мусодара этиш давлатга ишонч анча йўқолишига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолатларда, давлат ноинфляцион макроиқтисодий сиёсат ва молиявий барқарорлашувни амалга ошириш асосида бу ишончни тиклашга аста-секин эришиши керак.

Ташқи қарз олиш. Давлат ташқи камомадини норезидентлар харид қилиши учун узоқ муддатли қарз мажбуриятларини эмиссия йўли билан ёки ўз валюта заҳираларини ишлатиб қоплаши мумкин. Лекин заҳиралар ҳисобидан камомадни молиялашнинг имкониятлари чекланган. Агар хусусий сектор бу че-гарага яқин қолганини сезиб қолса, бу капитал оқиб кетишими ва алмашинув курси пасайишини чақириши мумкин, бу эса инфляция кучайишига олиб келади. Ўтган асрнинг 80-йилларидаги Мексиканинг ўз қарзини қайтариш атрофидаги инқизоризи мамлакат 1982 йил августида деярли барча валюта заҳираларини сарфлаб бўлгач, содир бўлди. Бу ҳол 80-йилларнинг бошида молиялашнинг имкони йўқ бўлган йирик бюджет камомади натижасида келиб чиқсан бюджет устидан назорат йўқотилгач, вужудга келди.

Камомадни ташқаридан қарз олиш ва валюта сарфлаш ҳисобидан қоплаш, аввал, миллий валюта курсининг ошишига олиб келади, бу экспорт секторнинг рақобатбардошлилигига раҳна солади. Кўпгина ривожланаётган мамлакатларнинг ўт-

мишдаги жуда катта қарздорлиги ва паст кредит қобилияти бугунги кунда уларни молиялаш манбаларини топиш имкониятларини жиддий чеклайди. Лекин, ҳатто, тижорат манбалардан хорижий кредитлар мавжуд бўлганда ҳам, улар учун фоиз ставкалари жуда баланд бўлган.

Бюджет ҳисобларидағи қолдиқларни ҳисоблаш учун ҳисобланиш усулидан фойдаланилса, молиялацнинг яна бир манбаи-муддати ўтган қарзлар пайдо бўлади. Ўтиш иқтисодиётидаги кўргина мамлакатларда давлатда тўловлар бўйича катта қарздорлик пайдо бўлди, натижада касса асосида аниқланган камомад ҳажми ҳисобланиш усулида аниқланган камомаддан кам бўлган.

Давлат муддати ўтган қарзни қайтаргач, ҳисобланиш усулида аниқланган камомад касса тамоийили асосида аниқланган камомаддан кўп бўлиб қолади.

Муддати ўтган қарздорлик камомадни молиялашнинг мажбурловчи усулидир. Шунинг учун имкони борича бундай қарздорлик пайдо бўлишига йўл қўймаслик учун ҳаракат қилиш мумкин.

Харажатлар бўйича муддати ўтган қарздорлик. Ҳукуматнинг мол етказиб берувчиларга ёки кредиторларга тўловлари кечикишини кўрсатувчи харажатлар бўйича муддати ўтган давлат қарздорлиги ўтиш иқтисодиёти шароитидаги кўргина мамлакатларда солиқ-бюджет сиёсатининг жиддий муаммосига айланган. Муддати ўтган қарздорлик харажатларни ва мамлакат олдида турган бюджет муаммосини камайтириб кўрсатади. Бундай муддати ўтган қарздорлик камомадни молиялашнинг мажбурловчи усулларидан биридир; бундан ташқари бунда давлатнинг қарз олишдаги эҳтиёжлари камайтирилиб кўрсатилиди ва бу мамлакатдаги кредит эмиссиясининг манбаларини бузиб кўрсатади. Гарчанд, камомадни молиялаш давлатга кўпроқ миллий ресурслардан фойдаланишга имкон берсада, лекин бошлангич самара ишлаб чиқарувчиларнинг нархлари ошиши ёки солиқ ва йигимлар тушумидаги кечикиш ҳисобидан йўқча чиқарилади. Харажатлар бўйича муддати ўтган қарздорлик охироқибат давлат органларига хизмат кўрсатишнинг қиймати ошишига олиб келади. Муддати ўтган харажатлар бўйича давлат қарздорлигининг тўпланиши аҳолининг давлат молия тизимиға бўлган ишончига салбий таъсир қиласи. Ҳусусий истеъмолчилар ва инвесторлар ўрта муддатли келажакда солиқ ставкалари, инфляция суръатлари ўсишидан ва умуман олганда, мамлакатдаги молиявий ҳолатнинг ёмонлашувидан қўрқишиди. Муддати ўтган давлат қарздорлигининг ўсиши натижасида уму-

май, иқтисодиётда муддати ўтган қарздорликнинг кўпайиши молиявий тизим барқарорлашувига ва иқтисодий ўсишга жуда салбий таъсир этиши мумкин. Давлат ташкилотлари ходимларига иш ҳақини ва трансферларни тұлашнинг кечикиши ялпи талабга таъсир этиши мумкин. Буни бюджет камомадининг жиддий таҳлилида ҳисобга олиш керак.

Бу жуда оптимистик даромад келишининг прогнози ёки давлат харажатларини назорт қилиш механизми йўқлигидан келиб чиқади. Демак, тұғри ишлайдиган ғазнахона (казначейство) кечикишнинг олдини олишда муҳим роль йўнаши мумкин.

Солиқ-бюджет сиёсатининг барқарорлиги. У ёки бу солиқ сиёсати барқарорлигининг умум қабул қилинган таърифи мавжуд эмас.

Қарз ЯИМга нисбати баланд бўлганда фоиз ставкаларига босим берилади. Бу давлат бюджет камомадида қарзни қайта-ришга имкон беради, харажатлар улушининг ўсишига ва шу билан бюджет соҳасида манёвр қилиш ва эгилувчан сиёсат олиб бориш имкониятини чеклайди.

Бунда бюджетни сақлаб қолишга имкон йўқлиги молия бозорлари олиб борадиган сиёсат яхши эмаслиги билан изоҳланади. Уни қайта қўриб чиқиши кераклигига ишонч ҳосил қилингач, эртами-кечми ўз кутишларини ўзгартиришади.

Кутишлар ўзгариши натижасида давлат ўз қарз мажбуриятларини сотиши қийинлашиб боради ва охири уларни умуман сота олмайди. Бозор фаолиятининг қатнашчилари кейинчалик ЯИМга қарз нисбати қанчалик баланд бўлса, шунчалик ҳукуматга бюджетни қисқартириб (яъни даромадларнинг харажатлар устидан ошишини таъминлаш), бюджет чегараланишлари доирасида қолиш қийинлашаётганини сезгач, бу эмиссион молиялаш ёки қарзни қайтаришдан воз кечиш ва тұлов шартларини қўриб чиқиши хавфини оширади.

Ушбу қўриб чиқилган масладан шу аниқки, бюджет-солиқ сиёсатининг барқарорлигини белгилайдиган ёндашувлардан бири-қарзни ЯИМга нисбатан ўсишига йўл қўймайдиган курсни ишлаб чиқиши, яъни унинг доирасида қарзниң ЯИМга нисбатини ўсиш, фоиз ставка ва инфляция суръатларига тұғри келадиган даражасида ушлаб туришдир. Гарчанд, ушбу мезонни бу сиёсатининг барқарорлиги индикатори сифатида қўллаш мумкин бўлса ҳам, унда иккита асосий камчилик бор. Биринчидан, одатда, иқтисодий адабиётлардан қарзниң ЯИМга оптималь ёки тұлиқ нисбатини топиш қийин. Иккинчидан, қарзниң ЯИМга барқарор нисбатини ушлаб туриш аниқланиши бюджет сиёсатига нисбатан жуда қаттиқ чегаралашларни қўллаш билан боғ-

лиқ бўлиши мумкин. Шунинг учун «тўлов қобилияти» тушун-часидан келиб чиқиб, юмшоқроқ талаб ишлаб чиқилган.

Барқарор бюджет сиёсатининг муҳим қисми ҳисобланган тўлов қобилияти тамойили қарзни ЯИМга нисбати реал фоиз ставкасидан ЯИМ реал ўсиш суръатларини чегириб ташланган микдорига қараганда пастроқ суръатларда ўсишини талаб қила-ди. Бунга қарзнинг номинал микдори номинал фоиз ставкалари-га нисбатан секинроқ ошиши керак, деган қоидаси ҳам мосдир.

Бюджет-солиқ сиёсатининг мустаҳкамлиги, капиталнинг соф қиймати, асосий узилиши ва ўрта муддатда солиқ узилиши тушунчаларини ўз ичига олувчи қатор амалий индикаторлар ишлаб чиқилган.

Қарзнинг ЯИМга нисбати ўсиши асосан сиқиб чиқариш ва портфель инвестициялар эффекти орқали реал фоиз ставка-ларига таъсир қиласи.

Аниқки, деректив органлар давлат қирзи қайси даражада рўй беришига бефарқ эмас.

Барқарорлик кўрсаткичлари қўйида қелтирилган бюджет-солиқ сиёсати барқарорларининг индикаторлари тўлов қобилиятини таъминлаш учун зарур коррекцияни ҳамда қарзнинг ЯИМ-га нисбатини барқаролаштириш мақсадида доимий корректиров-канинг миқёсини аниқлаш учун керак. Бунда эмиссион даромад-нинг доимий даражаси ҳисобга олинмаслиги тахмин қилинган.

Капиталнинг мусбат соф қиймати. Бу нуқтаи назардан давлат органларининг капитални мусбат соф қиймати қарзни ЯИМга нисбатан микдорига кўра, кўп бўлмаслиги ёки кўп бўли-шини талаб қиласи. Асосий солиқ-бюджет баланс-дисконт-лашган жорий қиймати қарзнинг ЯИМга нисбатига тенг бўл-син ёки кўп бўлсин. Ушбу сценарий бўйича барқарор бюджетни ушлаб туриш учун корректировкалар қарзнинг ЯИМга бошли-нгич нисбати ва асосий баланснинг дисконтланган микдори ай-ирмасига тенг.

Асосий узилиш. Асосий узилиш қарзни ЯИМга бошлигич нисбати барқарорлашадиган асосий баланснинг дисконтлашган микдоридан ҳақиқий асосий баланс айрмасига эквивалентdir. Мусбат узилиш бўлганда қарзни ЯИМга нисбатан барқарор-лаштириш учун бюджет харжатларини қисқартириш керак. Бу кўрсаткич керакли ахборот бўлиши мумкин, чунки фақат ҳақиқий асосий балансни, қарзнинг ЯИМга бошлигич нисбати-ни, реал фоиз ставкаларни ва ўсиш суръатларинигина билиш керак. Ушбу индикатор барқарор бошлигич қарзда капитал-нинг мусбат соф қийматини ҳисоблашга баробардир.

## 5.6. Даромадларнинг таҳлили

Даромадлар ва даромадлар тушумининг ўзгариши динамикасини баҳолаш даромадларнинг ЯИМга нисбатига ва худди шундай иқтисодиётли мамлакатларда даромадларнинг ЯИМга нисбати билан таққослашга қаратилиши керак. Солиқларни ошириш билан боғлиқ бюджет камомадини қисқартириш заруратида иқтисодий харажатларни давлат харажатларини қисқартиришдаги сарфлар билан таққослаш лозим. Одатда, бу шароитда ҳам биринчисини, ҳам иккинчисини қисқартириш керак. Кўпчилик ҳукуматлар ҳам маъмурӣ, ҳам сиёсий нуқтаи назардан амалга ошириш осон бўлган даромадларнинг қисқа муддатли бир марталик оширишини маъқул кўришади. Лекин бундай ёндашув кўп ҳолларда қийинчиликларга, самарасиз сарфлаш ва солиқ тизимларининг фаолият кўрсатишида бузилишларга олиб келади, керакли даромадлар йигилишини таъминламайди ва меҳнатга, жамғаришга қизиқишини йўқотади ҳамда шу билан иқтисодий ўсишни секинлаштиради.

Солиқ тизими самарадорлигини ва зарур ислоҳотларни аниқлашда мутахассислар «эгилувчанлик» ва «солиқларнинг динамиклиги коэффициентлари» тушунчаларини қўллашади.

**Солиқларнинг эгилувчанлиги ва динамиклиги**

Солиқ эластиклиги деб берилган солиқ тизимида (ўзгармас бўлиб қолган) солиқ тушумлари ҳажми нисбий ўзгаришларини солиқ солиш базасининг нисбий ўзгаришига бўлинмасига айтилади. Эгилувчанлик солиқ тизимиға ички мослашувчанликни беради. Эгилувчанлик коэффициентини куйидагича ёзиш мумкин:

Солиқ тушумларининг фонз ўзгариши  
Солиқ тушумларинийнг эгилувчанлиги =

Солиқда тортиш базасининг  
фонз ўзгариши

Агар солиқка тортиш базаси ўрнига ЯИМ кўрсаткичи қўлланса, ЯИМга нисбатан эгилувчанлик қўйидагига тенг:

$$\text{Эгилувчанлик} = \frac{(\Delta GDP))}{GDP}$$

Бу ерда: АТ – ўзгармас солиқ тизимида солиқ тушумлари; -кўрсатилган даврдаги ўзгаришлар.

Агар эгилувчанлик коэффициенти бирдан ортиқ бўлса, солиқ тизими эгилувчан ҳисобланади, бу эса ЯИМга нисбатан

солиқ тушумлари янги солиқлар киритмасдан ёки ставкаларни оширмасдан, яъни солиқ сиёсатида дискрециян үзгаришларсиз тез кўпайишни билдиради. Этилувчанлик ижобий ҳолдир ва уни давлат харажатларининг ўсиши ЯИМнинг қўшимча ўсишидан олдинга кетиш тенденцияси кузатилган мамлакатларда қўллаб-куватлаш керак. Халқ хўжалигининг тез ривожланаётган тармоқларига солиқ солингандা, солиқ ставкалари прогрессив бўлганда, улар аниқ обьектдан эмас, қийматдан ундирилганда ва солиқларнинг йигими кечикмаганда солиқ тизими ЯИМга нисбатан этилувчандир. Охирги мисол инфляциянинг юқори суръатларида, айниқса, муҳимдир, чунки солиқларни ҳисоблаш ва уларни йиғиши ўртасидаги жуда катта вақт узилиши солиқ тушумларининг реал қиймати пасайишига олиб келади.

Этилувчан солиқ тизими иктиносидий ўсишга ёрдам бераб, унда ижтимоий-иктиносидий инфратузилмага ва уни тутиб туришга харажатлар ошади. Агар харажатлар ошиб, даромадлар ошмаса, бу камомадли молиялаш, ташқи қарз олиш (бу эса, ташқи қарз юкига салбий таъсир қиласди) ички қарз олишга ҳаддан ортиқ суюнишга олиб келиши мумкин. Эластик солиқ тизими мавжудлигига унумдорликка салбий таъсир кўрсатувчи ва хукуматга ишонч йўқолишига олиб келадиган режалаштирилмаган солиқни оширишга тез-тез мурожаат қилиш зарурати, одатда, йўқ бўлади.

Эластиклик коэффициентлари нафақат барча солиқларга нисбатан, балки солиқ солишининг алоҳида турлари бўйича ҳам ҳисобланади. Масалан, қийматдан солиқ аниқ обьектга солинган солиққа нисбатан анча эластикдир. Индивидуал даромад солиғи эластик солиққа яна бир мисол бўла олади.

Солиқнинг динамиклиги йигилган солиқ ЯИМнинг нисбий кўпайишига бўлинмаси каби аниқланади. Солиқ тушумининг үзгариши солиқ тизимидағи ҳар қандай үзгариш, шу жумладан, солиққа тортиш тузилмасидаги дискрецион үзгаришлар натижасида келиб чиқиши мумкин. Солиқ динамиклиги коэффициентини алгебраик жиҳатдан қўйидагича ифодалаш мумкин:

$$\text{Динамиклик} = \frac{\Delta T / T}{\Delta GDP / GDP}.$$

Динамикликда  $\Delta T$  берилган даврда солиқ тушумларининг үзгаришини билдиурса, эластиклик коэффициенти формуласида  $\Delta T$  маълум даврда солиқ тизимидағи үзгаришлар схемасини ҳисобга олиб, солиқ тушумларидағи үзгаришларни аниқлайди. Агар тизимдаги үзгаришлар даромадлар ошишига ёрдам берса,

динамилик эластикликдан юқори бўлади, чунки ҳақиқий солиқ тушумлари солиқ тизими ўзгармасдан олинган солиқ тушумларидан кўп бўлади.

### Солиқ тизимини баҳолаш

Берилган мамлакатнинг солиқ тизимини таҳлил қилувчи мутахассислар ўз олдиларида турган талабларга қанчалик жавоб бера олишини ҳисобга олиши ва уни ислоҳ қилиш имкониятларини ўрганиши керак. Гарчанд, солиқ тизимининг асосий вазифаси даромад олиш бўлсада, у айрим вақтларда бошقا мақсадларда фойдаланилади, масалан, бозор хўжалик юритишнинг камчиликларини тузатиш ва даромадларни қайта тақсимлашга кўмаклашиши учун. Бу мақсадларни ҳисобга олиб, мамлакат солиқ тизими самарадорлигини баҳолашнинг қатор мезонлари ишлаб чиқилган. Бирон мамлакатнинг солиқ тизимини таҳлил қилишда Танзи диагностик тестидан фойдаланиш мумкин. Даромадларнинг самарадорлигини баҳолаш учун Танзи диагностик тести жуда қўл келади. Берилган солиқ тизимида “даромадлар тушишининг самарадорлиги”ни баҳолаш учун Вито Танзи 8 та микдорий диагностик тестларини тавсия қиласди. Чунончи:

1. Концентрация индекси. Ялпи даромаднинг катта қисми солиқлар ва солиқ ставкаларининг нисбатан кам сонида келиб тушадими?

2. Дисперсия индекси. Кам тушумли, фақат қийинчилликлар туғдирувчи солиқларнинг, оз микдоригина мавжудми (ёки умуман йўқми)?

3. Эрозия индекси. Ҳақиқий солиққа тортиш базалари потенциал базаларга максимал тўғри келадими?

4. Йиғишни кечикиши индекси. Солиқ тўловчилар солиқларни кечикмасдан тўлайдими ва қанча вақтда тўлайди?

5. Аниқлик индекси. Солиқ тизими аниқ ставкаларга эга энг кам сонли солиқларга асосланганми?

6. Объективлик индекси. Қўпчилик солиқлар объектив белгиланадиган солиққа тортиш базасидан ундириладими?

7. Солиқ йиғишда харажатларни камайтириш индекси. Солиқ йиғишнинг бюджет харажтлари минимумга туширилганми?

8. Солиқ йиғишнинг таъминланганлик индекси. Солиқларнинг самарадор йигими тўла таъминланганми?

Бу саволларнинг барчасига ижобий жавоблар Танзи бўйича бу мамлакатнинг солиқ тизими самарадорлиги нуқтаи назаридан энг юқори баҳога лойиқлигини кўрсатади.

## Солиқ фаолиятининг таҳлили

Даромадларнинг етарли микдорини самарали йиғиш ҳар қандай солиқ тизимининг энг муҳим вазифасидир. Аниқроқ айтганда, солиқ тизимининг вазифаси – иқтисодий ресурсларни хусусий фойдаланувчилардан давлатга тартибга солиб ва ноинфляцион узатишдир. Солиқ фаолияти номи билан маълум бўлган услугиятдан фойдаланиб, даромадлар йиғиш унумдорлигининг мезонини аниқлаш мумкин.

Даромадлар олиш тизими унумдорлигини баҳолаш асосида ётган савол шундаки, ДБО зарурат туғилганда даромадлар тушуми даражасини минимал салбий оқибатлар билан ошира оладими? Бу контактда солиқлар йиғиш самарадорлигининг энг кенг қўлланиладиган индикатори солиқ тушумларининг нисбати ёки ҳақиқий солиқ коэффициентидир. Ҳукуматнинг солиқ йиғиш бўйича фаолияти умумий тавсифи учун турли мамлакатларда солиқларнинг ЯИМга нисбати ҳисобланади. Лекин ҳақиқий солиқ коэффициентини солиқ фаолиятини баҳолаш учун қўллаш ногуғри натижалар бериши мумкин, чунки ҳақиқий солиқ коэффициенти унинг салоҳиятининг энг мос келувчи индикатори ЯИМ деб ҳисоблаб, бу мамлакат солиқ салоҳиятини ҳисобга олмайди.

Солиқ салоҳияти – ўрта интенсивликка эга солиқ базалардан фойдаланиладиган солиқ тушумлари даражасидир. Шундай қилиб, “солиқ фаолиятининг коэффициенти” – ҳақиқатда йиғиб олинган солиқларнинг солиқ валютасига нисбатидир. Солиқ салоҳияти аниқ кўрсаткич эмас, лекин у умуман олганда, солиққа тортишнинг самардорлигини баҳолашга имкон беради. Солиқ салоҳияти З та асосий омил билан аниқланади:

- иқтисодиётнинг очиқлик даражаси;
- унинг ривожланиш ва даромад ларажаси;
- даромадларнинг таркиби.

Солиқ фаолиятининг таҳлили солиқ йиғиш самарадорлигини баҳолашга ёрдам берсада, у камчиликларга эга экани аниқ. Бу меъёрий кўрсаткич эмас, чунки солиқ фаолияти ўрта дараҷадан паст бўлган мамлакатларда ҳам, солиқ коэффициенти миллий афзалликларни ҳисобга олиш учун етарлича бўлиши мумкин. Солиқ фаолиятининг таҳлили ўз характеристига кўра, жуда статикдир, чунки у бу таҳлил вақтли характеристерга эга ҳоллардан ташқари солиқ коэффициентлари фаолиятидаги тез ўзгаришларни ҳисобга олмайди. Динамика нуқтаи назаридан энг мақбул индикатор бўлиб солиқ тушумларининг ЯИМга нисбатан эластиклик коэффициенти хизмат қиласди.

## 5.7. Харажатлар таҳлили

Давлат харажатлари – бу, товарлар ва хизматлар, ишлаб чиқариши ва даромадлар трансферлари бўйича давлат органдари фаолиятини молиялашнинг сарфлариdir. Давлат икки турдаги товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаради: бевосита аҳоли индивидуал ёки жамоа асосида истеъмол қиладиган товарлар (масалан, жамоа транспорти ва миллий боғлар) ва ишлаб чиқариш омилларидан янада самаралироқ фойдаланишга имкон берувчи товарлар ва хизматлар (масалан, портнинг саноат иншоотлари). Инфратузилмага кўп харажатлар, шу жумладан, йўллар иккала категорияни ўз ичига олади. Айрим давлат харажатлари, масалан, нафақалар ва ишсизлик бўйича нафақалар уй хўжаликлари ва тижорат корхоналари учун бевосита трансферлардир. Кейинги бўлимларда давлат харажатларининг асосий категориялари кўриб чиқилади. Бунда асосий эътибор субсидияларга, давлатнинг ролига, давлат харажатларининг макроиктисодий таъсири ҳамда макроиктисодий назарлар билан давлат харажатлари таркибий жиҳатлари орасидаги ўзаро муносабатга қаратилади.

Давлат харажатларини баҳолашда тегишли таҳлилий ёндашувдан фойдаланиш мухимдир. Ушбу тизимли ёндашув муйян унсурлардан иборат:

- макроиктисодий ёндашувга тўғри келадиган ялпи харажатлар ва бюджет балансининг даражаси;
- қатор товарлар ва хизматлар етказиб беришда хусусий сектордан рационал фойдаланиш (ҳатто ижтимоий товарларни етказиб бериш, ташқи самарани таъминлаш ва аҳоли ижтимоий ҳимояси тизимидан фойдаланувчиларга нафақаларни бериш билан боғлиқ дастурларни амалга оширишга биринчи навбатда давлат молиялаши зарур бўлган ҳолларда, яъни хусусий бозор таъминламайдиган ёки етарли даражада таъминламайдиган ҳолларда);
- харажатларни ҳам бир дастур, ҳам турли дастурларнинг ўзаро таъсири натижасида олинган натижага кўра тақсимлаш;
- барча секторлар ва дастурлар орасида маблағларни баланслаштириб тақсимлаш мақсадида ушбу дастурлар ёки секторларга жорий харажатлар ва капитал қўйилмаларнинг ба-тафсил таҳлили;
- ялпи харажатларни чеклаш ва сарфланаётган маблағларни самарадор ҳамда адолатли тақсимлаш учун бюджет ташкилотларини стимуллар ва йўриқномаларни қўллаб, батафсил таҳлил қилиш.

Харажатлар стратегияси корректировкалари кўпинча бюд-

жетни анчага қисқартиришни талаб қиласи. Амалда солиқ ставкасини ошириш билан боғлиқ салбий оқибатлар ва даромадларнинг бошқа манбалари йўклиги бюджетни асосан харажатларни қисқартириш хисобига камайтиришга мажбур қилиши мумкин.

### Давлат харажатларининг турлари

Давлат харажатларининг асосий категориялари иш ҳақини, товарлар ва хизматларни, субсидияларни, трансферларни, фоиз тўловларни ва капитал қўйилмаларни ўз ичига олади. Давлатнинг давлат ташкилотларида меҳнат ва иш ҳақига ёндашуви давлат харажатлари самарадорлигига катта таъсир қиласи. Окладнинг паст ставкалари ва малакавий ҳамда техник ходимларнинг шкасаллари кўп фарқланмаслиги ишга бўлган қизиқишини камайтиради ва давлат хизматчиларининг паст меҳнат унумдорлигига олиб келади. Бошқа томондан давлат секторидан охирги инстанция иш берувчиси сифатида фойдаланиш иш ҳақи фоизи бўйича харажатларнинг анчага ошишига олиб келади. Кўплаб мамлакатларда амалга оширилган ислоҳотлар иш ҳақи фондини қатор чора-тадбирлар ўтказиш билан қисқартиришга йўналтирилган, жумладан, давлат хизматчиларини рўйхатдан ўтказиш ва “ёлғондакам ишлайдиганлар”ни йўқотиш, ваканциялар ва вақтингачалик иш ўринларини йўқотиш; кафолатланган ишга жойлашишни бекор қилиш; нафақага ихтиёрий кетиш, иш ҳақини қисқартириш, иш ҳақининг юқори чегарасини белгилаш ва уни музлатиш бўйича дастурларни амалга ошириш ва энг охиргиси- ишдан бўшатиш. Қатор мамлакатларда окладларни раҳбарлар фойдасига дифференциаллашга уринишлар бўлди.

### 5.8. Давлат харажатларининг макроиктисодий оқибатлари

Товарлар ва хизматлар. Кўп мамлакатларда жорий харажатларнинг катта қисми ДБОларнинг маъмурий ва қўшимча харажатлари билан боғлиқ. Гарчанд, харажатларнинг бу категориясида анчагина маблағларни тежашга эришиш мумкин бўлсада, бериладиган товарлар ва хизматлар микдорининг қисқариши ҳукumat етказиб берадиган хизматлар самарадорлигига салбий таъсир этиши мумкин. Товарлар ва хизматларга харажатларнинг катта қисми асосий фондларнинг фаолият кўрсатиши ва уларга хизмат кўрсатишга сарфланади. Жорий фаолиятни етарли даражада молияламаслик таълим ва соғлиқни сақлаш каби соҳаларда самарадорлик пасайишига олиб келади.

Шунга ўхшаб ишлаб чиқариш фондларига техник хизмат кўрсатишга маблағларни кам сарфлаш уларнинг тез эскиришига сабаб бўлади. Мавжуд инфратузилмани ўз ҳолига ташлаб қўйиб, янги қувватларни яратиш сиёсати қиммат ва кам унумлидир. Амортизацияни ҳисоблашнинг тўғри усулидан фойдаланганда соф инвестициялар салбий бўлиб қолиши мумкин. Бошқа томондан мавжуд дастурларнинг самарадорлигини пасайтираслик учун макроиктисодий қайта қуриш давомида барча турдаги хом ашё, материаллар ва хизматлар бир вақтнинг ўзида қисқаришига йўл қўймаслик керак.

**Субсидиялар.** Субсидиялар – бу, ҳеч қандай компенсация олмайдиган ишлаб чиқарувчиларга ва истеъмолчиларга ҳукумат ёрдамининг ҳар қандай шаклидир. Субсидиялар турли шаклларда берилиши мумкин. Жумладан:

1. Ишлаб чиқарувчилар ёки истеъмолчиларга тўғридан тўғри тўловлар билан бериш (нақд тўлов шаклидаги грантлар);
2. Давлат ўзи олган кредитлар фоизига нисбатан паст фоиз ставкалар билан кредит бериш ва кредит кафолатлари (кредит субсидиялар);
3. Аниқ солиқ мажбуриятларини камайтириш (солиқ субсидиялари);
4. Бозор нархларидан паст нархларда товар ва хизматларни етказиб бериш (натера шаклидаги субсидиялар);
5. Товарлар ва хизматларни бозор нархидан юқори нархда харид қилиш (тайёр маҳсулотни субсидиялаш);
6. Бозор нархлариға ёки бозорга чиқишига таъсир этувчи давлат меъёрий актлари шаклидаги яширин тўловлар (меъёрий актлар билан боғлиқ субсидиялар);
7. Валютанинг юқори алмашинув курсини ушлаб туриш (валюта субсидиялари).

Субсидиялар очиқ(бевосита) ёки яширин (бильвосита) бўлишидан қатъи назар улар ўтиш иқтисодиёти шароитидаги мамлакатларнинг давлат бюджетига оғир юқ бўлади. Агар субсидиялар бюджетда харажатлар кўринишида бўлса, улар очиқ субсидиялардир, агар кўрсатилмаса, яширин субсидиялардир. Яширин субсидиялаш бозор даражасидан юқори ёки паст ўрнатилган деректив нархларнинг, масалан, ёқилғига нархлар ёки юқори айирбоплаш курси оқибатида келиб чиқиши мумкин. Давлат субсидияларнинг катта қисми яширин бўлгани учун уларнинг ҳажми ва миқёси бюджетда тўлиқ акс эттирилмайди. Субсидиялар иқтисодий ресурсларнинг тақсимланишига таъсир қилиб, иқтисодий дастаклардан эгилувчан фойдаланиш имконини пасайтиради ва таркибий қайта қуриш йўлида кўпинча

түсік бұлади. Субсидиялар иқтисодиёт ишида камчиликлар келтириб чиқаришга мисолдир. Улар ёқилғига бозор даражасынан пастроқ нархлар белгилаш ҳисобланади, бу ёқилғининг ис-рофига олиб келади.

Субсидияларни баҳолашда қуйидагиларни назарда тутиш керак:

**Самарадорлик.** Ҳамма субсидиялар ҳам салбий оқибатларға эга эмас. Лекин самарадор субсидиялар деб ресурсларни минимал қайта тақсимлаб ва стимуллаш тизимида әңг кам камчиликларни келтириб чиқарып, аниқ мақасадларни ечиште ёрдам беруучиларни ҳисоблаш мүмкін. Самарадор субсидиялар бундан тащқари аниқ үзгарувчанлық харakterига әга, яъни улар факат мүлжалланған гурухлари ва фаялият турлары фойдаласыға берилади.

**Давомийлик.** Субсидиялар беришнинг давомийлиги жиуди-дий муаммони келтириб чиқаради, чунки ушбу дастурлардан фойдаланмоқчи бўлган шахслар ўз хулқини үзгартиришади, лекин бунда ўз моддий ҳолати яхшиланғандан сўнг ҳам ушбу дастурлардан воз кечиши нияти йўқ. Вақт давомида хулқ үзгариши натижасида субсидиялар ўз самарадорлигини йўқотади. Гарчанд, айрим субсидияларни бериш давомийлигини бошидан чегаралаш керак бўлсада, субсидиялаш дастурини муваффақиятли амалга ошириш учун субсидиялар бериладиган сабаблар доимо таҳлил қилиниши талаб қилинади ва агар бу зарур бўлса, бунақа дастурларни тўғрилаш, уларнинг изланиши (адреслилиги) ни үзгартириш ёки уларни тўхтатиш лозим.

**Ошкоралик.** Давлат бюджетида субсидиялаш дастурининг ҳажмини ва бу мақсадларга керак бўлган молиялашни очиқ кўрсатиши керак. Ошкораликни таъминлаш ҳам давлат, ҳам хусусий манфаатларга тўғри келади, чунки у алоҳида дастурлар билан боғлиқ бўлган фойда ва сарфларни аниқлашга имкон беради. ДБОлари ўз бюджетларида, одатда, қайси субсидиялаш турларига ва қанча ҳажмда маблағлар берилганини кўрсатиши керак ва уларни тайёр маҳсулотга, солиқларни, фоиз ставкаларни ёки меъёрий актлар ёрдамида субсидиялаш каби эмас, балки пул кўринишидаги трансфертлар сифатида имкони борича кўрсатишилари керак. Агар субсидиялар пул кўринишидаги трансфертлар сифатида акс эттирилган бўлса, ДБОлари ва субсидия олувчилар қандай суммалар ҳақида гап кетаётгандигидан аниқ воказиф буладилар. Бу ошкоралик бошқа томондан молиявий имкониятларни ва субсидияларнинг заруратини баҳолашга имкон беради.

**Молиялаш.** Субсидиялар ҳар доим бюджет маблағлари ҳисобидан молияланиши шарт. Бунда молиялаш муаммосини маркетинг бўйича давлат бошқармалари, ярим давлат агент-

ликлари ва мақсадли нобиуджет фондлар ёки Марказий Банк каби нобиуджет воситалар ёрдамида ечиш хавфидир. Бунақа усуллар субсидиялашни камроқ ошкора қиласы, ишлаб чиқарувларнинг нархи пасайишига олиб келади, бу эса унумдорликни рағбатлантиришга салбий таъсир қиласы.

Прагматик ёндашувни танлаш. Субсидиялаш дастурлари ДБОларнинг ташкилий-маъмурий имкониятларига түгри келиши керак. Яширин субсидияларни очиқ субсидияларга қараганда самарали назорат қилиш қийинрок. Маъмурий харажатларни камайтириш мақсадида улар максимал ошкора булиши керак.

Ижтимоий сугурталаш харажатлари. Кўп мамлакатларда бюджет харажатларининг катта қисми жамиятнинг энг кам таъминланган қатламларини химоялашга, шу жумладан, қарилек ва ишсизлик нафақаларига түгри келади. Марказлашган режа хўжалик шароитида давлат корхоналари бевосита ёки билвосита ижтимоий сугурталаш харажатлари бир қисмини ўз бўйнига олган. Утиш даврида бу корхоналарни ислоҳ қилиш ва ижтимоий соҳадаги мажбуриятларнинг камайиши ёки улардан воз кечиши билан ишончли сугуртанинг ижтимоий давлат тизимини тузиш масаласи пайдо бўлади.

Ижтимоий ҳимоя тизими қўйидаги асосий унсурларни ўз ичига олади:

Аҳолининг энг зарур маҳсулотлар харид қилиш қобилиятини яхшилаш шароитини таъминлашга мўлжалланган товарларга адрессли субсидиялар ва нақд пул билан устама тўловлар.

Ижтимоий ҳимоя механизмлари нафақаларни, меҳнат қобилиятини йўқотиш сугуртаси, болаларга қараш бўйича нафақаларни ўз ичига олиб, уларнинг тузилмасида адреслик ва стимуллар тизми қўйилган ҳамда паст даромадли гуруҳлар учун ишсизликнинг ўсиши оқибатларини юмшатувчи ишсизлик бўйича нафақалар ва жамоат ишлари дастурлари.

Ижтимоий таъминот тизимларини тузища асосий эътибор уларнинг адреслилигига ва стимулларнинг мавжудлилигига қаратилиши керак. Кўпгина мамлакатларда мухтоjлик даражаси йўқ, нафақалар фақат айrim гуруҳлар билан, масалан, фақат болалар ва қариялар билан чегараланган. Стимуллар тизимига келсак, уй хўжаликларининг даромадлари ўсган сари нафақалар камайса, ижтимоий ҳимоя тизимини молиялашга бюджет харажатлари камаяди. Лекин бунақа ёрдам олувчилар учун солиқнинг чегаравий ставкаси камайтирилиб амалга оширилади, бу эса стимуллар тизимига салбий таъсир этиши мумкин.

Капитал қўйилмалар. Иқтисодий ўсишни таркибий қайта қуриш давлатдан самарадор капитал қўйилмаларни амалга

ошириш каби чора-тадбирлар билан бирга олиб боришни талаб қиласы. Бунда бозор фаолияти билан рақобатлашмай, балки уни тұлдириб, ривожлантирадиган фаолият турларига зәтибор бериліши керак. Давлат учун бундай устувор йұналишлар таълим, соғлиқни сақлаш, шаҳар коммунал хұжалиғи, қишлоқ жойларда инфратузилмани яратиш ҳисобланади.

### Давлат харажатлари ва давлатнинг роли

Бозорларнинг айрим әхтиёжларни қондириш имкони бүлмагани сабабли давлат күпинча ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланади. Бозорлар ахолига миллий мудофаа, тартибни сақлаш, миллий боғларни сақлаш каби ижтимоий товарларни бера олмайды, чунки бу товарлар жамоа томонидан истемол қилиниб, ишлаб чиқарувчиларга фойда келтирмайды. Бозор фаолиятининг камчиликлари давлат харажатлари, меъёрий актлар ва солиқ солиши орқали давлат томонидан компенсацияланади.

Солиқ солищдан, меъёрий актлардан фойдаланиб, маблағларни сарфлаб, давлат узок муддатли келажакда чекланган роль ўйнаши мумкин. Бунда давлат секторининг роли аниқ бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Фаолроқ давлат аралашувини бозор иқтисодиётининг камчиликлари ёки адолатли тақсимот зарурати билан оқлаш, лекин бунақа фаол роль жамиятни ҳам бевосита, ҳам билвосита иқтисодий сарфларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ўтиш иқтисодиёти шароитидаги күргина мамлакатларда давлатнинг хұжалик фаолиятига керагидан ортиқ аралашувини камайтириши бўйича каттагина чора-тадбирлар қабул қилинган. Бундан ташқари күргина ривожланаётган мамлакатларда давлат харажатларининг ЯИМга нисбати камлиги давлатнинг чекланган ролини эмас, балки молиялаш соҳасидаги имкониятларининг чекланганлигини, нархларни бузуб кўрсатиш ва кенг квазифискал операцияларнинг мавжудлигини акс эттириш мумкин.

### Давлат харажатларининг макроиктисодий оқибатлари

Давлат харажатлари ҳам ялпи таклифга, ҳам ялпи талабга таъсир қиласы. Моддий активлар шаклидаги капиталга ва инсон капиталига самарали давлат инвестициялари инвестициялардан қайтимни оциради, хусусий инвестициялар оқиб келишига ва иқтисодий үсишга ёрдам беради. Бу таклифга тез таъсир қиласы, инфратузилманинг қатор муаммоларини бартараф қилишга ёрдам беради. Лекин таълим каби соҳалардаги давлат капитал қўйилмаларидан узок муддатли келажакдагина қайтим тўлиқ ҳажмда келади. Шу вақтнинг ўзида давлат сектори ху-

сусий сектр билан чегараланган ресурслар омили учун ва давлат харажатлари, хусусий харажатлар, шу жумладан, хусусий инвестициялар рақобатлашади. Ўтиш иқтисодиёти шароитидағи мамлакатларда харажатларни солиқ ёки кредитлар ҳисобидан молиялашнинг имкониятлари чеклангандир. улар на ташкилий тузилмага, на ривожланган ички капитал базорларига эга, марказий банк кредитлари эса инфляцион оқибатлар сабабли анча қимматга тушади.

## Қисқача холосалар

Молия тизими банк тизими ҳамда сүгурта компаниялари, пай фондлари, пенсия фондлари ва пул бозори фондлари каби банкмас молия ташкилотларидан иборат.

Пул-кредит соҳаси статистикаси 4 асосий тамойилни – заҳира ва оқимлар; касса асосида ва ҳисобланишлар усули; валюта; консалидацияни ажратиб кўрсатади.

Пул-кредит соҳаси таҳдилининг асоси пул-кредит обзори ҳисобланиб. У мамлакат ташқи позицияси ва банк тизимининг хорижий соғ активлари орасидаги муҳим ўзаро алоқадорлик ҳамда давлат бошқариш органлари ҳисоблари ва давлат молиялаштириши орасидаги бевосита ўзаро алоқани ажратиб кўрсатади.

Мамлакат пул-кредит соҳаси ўзгаришларини таҳдил қилиш ўз ичига молиявий янгиликлар, валюталарнинг ўрин бошиши, валюта курсининг роли, капитал оқимлари, эмиссион даромад олувчи бир қатор масалаларни ҳисобга олиши зарур.

### Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Бюджет ҳисоблари нима?
2. Бюджет баланси нима?
3. Камомдни молиялаш нима?
4. Жорий бюджет қолдиги қандай ҳисобланади?
5. Камомад қандай молиялаштирилади?

### Асосий адабиётлар

1. Андреев Б.Ф. Системный курс экономической теории. - М.: Прогресс, 1992.
2. Костюк В.И. Макроэкономика. -М. Прогресс, 1998.
3. Козырева В.М. Теоретическая экономика. -М.: Прогресс, 1998.

## ПУЛ-КРЕДИТ (МОНЕТАР) СЕКТОРИ

### 6.1. Иқтисодий операциялар

Иқтисодий операциялар ҳисоботига макроиқтисодий ҳисобларниң умумий элементи деб қаралиши мүмкин. Мулкчилик хукуқи бирор иқтисодий бирликтен бошқасыга реал ёки молиявий активга бұлған мулкчилик хукуқига үтса ёки бирор-бир иқтисодий бирлик бошқа бирликтек хизмат қылса, иқтисодий операция содир бўлади. Кўп ҳолларда иқтисодий операциялар содир бўлганда, бирор молиявий актив бошқасыга алмашилади. Баъзи ҳолларда иқтисодий операциялар товарлар, хизматлар ва молиявий активлар алмашувисиз бўлади. Масалан, бирон аҳоли пунктинга белуг тиббий хизмат кўрсатилади ёки давлатга солик тўланади. Бу операциялар 2 та компонентдан иборат:

1-товарлар, хизматлар ва молиявий активлар оқими ва 2-“Бир томонлама трансферлар”.

Маълум ҳисобланган даврда юз берадиган иқтисодий операциялар оқим дейилади.

“Оқим” – бу, маълум бирлик давридаги фаолият ўлчовидир. Макроиқтисодий ўзгарувчи оқимлар икки категорияга бўлинади: молиявий оқимлар ва молиявий эмас ёки реал оқимлар. Реал оқимлар ишлаб чиқариш ёки товар ва хизматларни кўлга киритиш даврида бўладиган операцияларни кўрсатади. Молиявий оқимлар эса кредит ажратиш ва кредит олиш операциялари билан боғлиқ. Масалан, банк мижози ўз ҳисобидаги пулни омонат ҳисобига ўтказди, бу ерда молиявий оқим юз беради. Реал оқимлар товар ва хизматларни сотиб олишдангина иборат эмас, балки у ўз ичига даромадлар ва бир томонлама трансферларни ҳам олади. Жорий даромад молиявий бўлмаган оқим ҳисобланади, чунки у ишлаб чиқариш жараёнида тўлов шаклида бўлади, масалан, хизматчи меҳнати.

Реал ва молиявий оқимлар, бирга олинганда, барча даромадлар ва харажатлар билан боғлиқ операциялардан иборат. Бундан, иқтисодиётнинг истаган секторида молиявий эмас ва молиявий оқимлар йигиндиси нолга teng бўлиши шартлиги келиб чиқадики, қачонки, ҳисобот давридаги хатолар эътиборга олинмаса. Ундан ташқари молиявий операциялар баланси реал операциялар балансига қарама-қарши белги билан teng бўлиши шарт. Шундай қилиб, оила харажатларининг ўсиши қарзга олинган суммага teng бўлиши керак. Бунда даромадлар ва харажатларнинг ўсиши ўртасидаги фарқ жамғарма ҳажмини ташкил этади.

Реал ва молиявий оқимлар ўртасидаги фарқ ва уларнинг иқтисодиётнинг истаган сектори ичида тенглиги шу бобда кўрсатилган таҳлил учун пойдевор бўлиб хизмат қиласди. Миллий даромад ва маҳсулот ҳисобларида қўшимча қиймат, даромадлар ва харажатлар молиявий бўлмаган операциялар деб кўрсатилади, ички ва ташқи актив ҳамда пассивлар ҳажмининг ўзгариши – молиявий операция дейилади. Давлат молия статистикасида молиявий бўлмаган операциялар ҳақидаги маълумот – даромадлар ва харажатлар ҳақидаги маълумотдир. Молиявий операциялар тўғрисидаги маълумот – бу, соф кредитлаш ва умумий ижобий сальдо дефицитини молиялаштириш ҳақидаги маълумотдир.

Тўлов баланси статистикаси ҳам молиявий ва молиявий бўлмаган операциялар ҳақида маълумотга эга. Молиявий бўлмаган операциялар жорий ҳисоблардаги операцияларда ўз аксини топган, молиявий операциялар эса, капитал ҳаракати ҳисобида ва заҳиралар ҳажмининг ўзгаришида ўз аксини топган.

Бундан ташқари пул-кредит обзорида молиявий бўлмаган операциялар кўрсатилади, унда фақатгина банк тизими активлари ва пассивлари қайд этилади. Пул-кредит обзорида тармоқлар ҳажмининг ўзгариши фақат молиявий операцияларни кўрсатади.

Миллий ҳисоблар тизимида ва тўлов балансида операциялар бирор пассив бўйича тўлов амалга оширилганда эмас, балки қачонки, шундай пассив пайдо бўлганда ўтказилади. Давлат молия статистикаси маълумотлари пойдеворида, аксинча, касса принципи ётиби. Пул статистикаси соҳасида балансли ҳисоботларга асосланилади. Бу ҳисоботлар қайсики, нормага асосланган ҳолда ташкил этилади. Шунингдек, у ҳам бутунлай ҳисоблаб, устига қўйиш принципи асосида тузилади. Масалан, вазифалар тўловгача амалга оширилади. Бироқ кўнглилар банк операциялари ўша заҳотиёқ бажарилади ва ҳисоб накд амалга оширилади, бу фарқ амалий аҳамият касб этмайди.

а)

## 6.2 Миллий даромад, маҳсулот ва тўлов баланси ҳисоблари ўртасидаги алоқа

а) Миллий ҳисоблар концепцияси обзори.

Миллий даромад ва маҳсулот ҳисоблари пойдеворида маҳсулотнинг ишлаб чиқарилганлиги ва тақсимланганлиги бирламидир. Товар ва хизматларнинг бир йилдаги таклифини, мамлакат ичида ишлаб чиқарилган маҳсулот йиғиндиси ва импортни ҳисоблаш мумкин. Маҳсулотни тақсимлаш резидентларнинг

умумий харажатларини ташкил этади (булар истеъмол, инвестиция Қ экпорт). Буни қуидаги ёзиш мумкин:

$$Y+M=C+I+X$$

Y – ички ишлаб чиқариш;

M – импорт;

C – истеъмол;

I – инвестиция;

X – экспорт.

Бундан қуидаги тенгликни ҳосил қиласиз:

$$Y=C+I(X-M) \quad (1)$$

Ишлаб чиқаришнинг умумий миқдорини белгилашни танлаш “X” ва “M” ҳажмита киритилганлигига таъсир қиласи. Агар Y – ЯММ, унда экспорт ва импорт товарларини ва омилсиз хизматларни ўз ичига олади. Фараз қылайлик, ишлатилаёттан катталик шундай аниқланадики, ушбу ифоданинг иккала томонига соғ миллий даромад қўйилган. Бу даромад чет элдан олинган (YF).

У ҳолда:

$$Y+YF=C+I+(X-M+YF) \quad (2)$$

Энди тенгламанинг чап томони ЯММга эмас, балки ЯМД га тенг.

Ушбу ифоданинг яна бир варианти ифодали;

2-тенгламанинг иккала томонига соғ трансферларни, чет эл тўловларини қўйиш мумкин:

Соғ трансферлар, чет эл тўловлари – TRF

$$Y+YF+TRF=C+I+(X-M+YF+TRF) \quad (3)$$

Бу ҳолда ифоданинг чап томони ЯМДга (GNDI) тенг. Яъни даромаднинг тўла ҳажми, резидентлар истеъмоли ва жамгариши учун ишлатилиши мумкин. Ўнг томонидаги ифода эса экспорт ва импорт, шунингдек, соғ- ташки трансфематаларни ўз ичига олади. Бу йигинди тўлов баланси ҳисобига тенг (САВ). Қуидаги жадвалда маҳсулотнинг уч хил аниқланиши кўрсатилган (Ташки балансининг унга тўғри келадиган концепциясига биноан).

Миллий даромад, маҳсулот ва жорий операциялар (тўлов баланси ҳисоблари)	
Миллий ҳисоблар концепцияси	Жорий операциялар ҳисоби таърифи
ЯММ	Экспорт, импорт (товарлар ва омилсиз хизматлар)
ЯМД	Товарлар ва хизматлар экспорти ва импорти.
Фойдаланиладиган миллий даромад	Товар ва хизматлар экспорти, импорти. Биртарафлама трансферлар

Назарий нүқтәи назаридан харажатларни хусусий ва давлат харажатларига бұлиш фойдали:

СР – хусусий сектор истеъмол харажатлари;

СГ – давлат бошқарув органдың харажатлари;

ИП – хусусий секторнинг умумий инвестиция харажатлари;

ИГ – давлат секторининг умумий инвестиция харажатлари.

Харажатларнинг шу каби белгилаб (1) тенгламани қўйидагича изоҳлаш мумкин:

$$Y = CP + CG + IP + IG + (X - M) \quad (4)$$

Шу билан бирга

$$I = IP + IG; \quad G = GP + CG$$

ЯМДни таърифини ҳисобга олган ҳолда, у ялпи миллий жамғармаларнинг ишлатилмаган қисми деб таърифланиши мумкин.

$$S = GNDI - GP - CG \quad (5)$$

Бунда: S – жамғарма, GNDI – ялпи фойдаланиладиган миллий даромад.

б) тўлов баланси билан боғлиқлик.

Давлат жамғармаси қўйидагича аниқлансаннин:

$$SP + SG = GNDI - TX - CP = GNDI - CP - CG \quad (6)$$

Шундай қилиб, 5-таърифга биноан  $SP + SG = S$ .

Бу натижадан фойдаланиб, 6-ифодани қўйидагича ёзамиш:

$$\begin{aligned} SP + SG - 1 &= CAB \\ (SP - IP) + (SG - IG) &= GAB \\ &\text{ёки} \\ (SP - IP) + (TX - G) &= GAB, \end{aligned} \quad (7)$$

Шундай қилиб, GAB – тўлов баланси жорий операция ҳисоб салъдоси хусусий сектор жамғарма ва инвестициялар йигиндиши фарқ. К давлат бошқарув органдарни жамғарма ва инвестициелар ўртасидаги фарқقا тенг.

Секторлар баланси учун ифодани умумий даромад ёки маҳсулотга боғлиқ ҳолда кўрсатиш фойдалидир.

У ҳолда:

$$\frac{SP}{GNDI} + \frac{SG}{GNDI} - \text{минус секториал инвестицион}$$

$$\frac{SP}{GNDI} + \frac{SG}{GNDI} = \text{ташқи ҳисоб савдоси муносабати тенг}$$

(GNDI)

$$\frac{X - M + TRF - YF}{GNDI} \text{ Бу ташқи муносабат орқали мамлакат}$$

иктисодиётида инвестициялар ва ички жамғармалар улушини оширишга бўлган сиёсатнинг мўлжалланган таъсирини осонгина кўриш мумкин.

Тўлов баланси билан алоқа. Миллий даромад ва маҳсулот ҳисоблари мамлакат иктисодиётидининг чет давлатлар билан бўлган операциялар йиғиндисидан иборат. Бу йиғинди тўлов баланси билан бир хил, бироқ «тўлов баланси» тушунчаси фораси аниқроқ. Модомики, ЯЖ (ялпи жамғарма).

ЯМД-С деб таърифланган бўлса, инвестицияларнинг жамғармалардан катта бўлиш суммасини, жорий ташқи операциялар ҳисобининг дефицитига тенг деб кўрсатиш мумкин. Буни кўрсатиш учун, 3 ва 4 ЯМД компонентларини Б-ифодада кўрсатамиз:

$$GNDI = GDP + YF + TRF = CP + CG + IP + IG + (X - M + YF + TRF)$$

$$S = GNDI - CP - CG$$

$$= CP + CG + IP + IG + (X - M + YF + TRF) - CP - CG$$

$$= IP + IG + (X - M + YF + TRF)$$

ёки

$$S - 1 = GAB,$$

(6)

GAB – жорий операция (тўлов балансининг) сальдоси.

Сва 16 – ифода ҳам давлат секторини ўз ичига олади.

Хусусий жамғармани аниқлаймиз:

$$SP = YD - CP = (CNDI - TX) - CP?$$

Бу ерда:

YD – уй хўжвалиги;

TX – солиқлар, давлатга, давлатдан олинадиган трансферларни чиқариб ташлаган ҳолдаги.

### 6.3. Давлат молия статистикаси, миллий даромад ва маҳсулот ҳисоблари ва баланси

а) Давлат молия статистикаси ва миллий даромад давлат операцияларининг маълумотларини стандарт кўрсатиш пойдевори ҳисобланади. Бу пойдевор давлат бошқарув органларининг даромад, харажат, капитал жамғариш ва молиялаштириш нуқтаси

назаридан операция анализини енгиллаштириш учун мұлжалланган. Миллий даромад ва маҳсулот ҳисоблари ҳам давлат бошқарув органлари фаолияти түғрисидаги аниқ маълумотларни стандарт ҳолда күрсатиш учун мұлжалланган. Бундан ташқари, миллий ҳисобларнинг асосий агрегатлари ДМСнинг асосий компонентлари билан үшашылыги учун үзаро боғланган булиши мүмкін. Бироқ улар ўртасида муҳим фарқлар ҳам бор. Бу фарқлар асосан шундан иборатки, миллий даромад ва маҳсулот ҳисоби давлат иқтисодиётида ишлаб чиқарыш ҳажмини ҳисоблашга, ДМС эса давлат бошқарув органларининг иқтисодиётнинг қолган қисмiga бўлган таъсирини ўтчашиб мұлжалланган.

Давлат сектори чегаралари иккала тизимда ҳам бир хил аниқланади. Давлат бошқарув органларига иккала тизимда ҳам турли бирликлар түғри келади. Бу бирликлар “аввало давлат сиёсатини бозор хизматларисиз ва даромадларни асосан бошқа секторларни солиққа солиши йўли билан қайта тақсимлайдиган йўл орқали фаолият олиб боради. Бироқ миллий ҳисоблар тизимида давлат сектори нафақат марказий ҳукуматдан иборат, балки у маъмурий-сиёсий федерация бўлимлари, шунингдек, барча даражадаги маҳаллий давлат бошқарув органи субсекторларини ташкил этади.

Молиявий бўлмаган давлат корхоналари, чунончи, корпорация номига эга ёки аҳолига ўз маҳсулотини катта микдорда тақлиф этадиган корхоналар давлат бошқарув секторига кирмайди. Бундай корхоналарга темир йўллар, авиалиниялар, коммунал хўжаликлар, шунингдек, саноат корхоналари киради. Давлат ҳокимият органларининг функцияларини батамом чегаралаш учун ДМСда давлат сектори банк ва пул-кредит сиёсати, пул-кредит ва молия статистикасининг ДМС билан мувофиқлигини таъминлаш мақсадида ушбу операциялар ва давлат бошқарув органлари операциялари ўртасида чегараланиши зарур.

Икки ҳисоб тизими ўртасидаги асосий фарқлар қўйидагилар: ДМСда операциялар тўловлар базасида қайд қилинади. Улар устига қўйиб ҳисоблаш принципидан фойдаланилмайди: ресурслар, жорий даврни кўрсатмайдиган операциялар, масалан, асосий капитал ёки нафақа дастурларига нархланган тўлов суммасини истеъмол қилиш, фонdlар орқали таъминланмаганлар ДМСга киритилмайди, лекин миллий даромад ҳисобларида кўрсатилади; миллий даромад ва маҳсулот ҳисобларидағидек солиқлар ишлаб чиқарыш даврида ҳисобга олинмайди, балки ДМС солиққа солиши базаси бўйича ҳисобланади; давлат бошқарув органлари кредит операциялари ДМСда давлат сиёсатини амалга оширишда ишлатилади ва харажатлар қисмига киритилади,

миллий даромад ва маҳсулот ҳисобларида эса, молия категориясига киритилади.

Трансферт тұловлари ДМС ва харажатлар қатегориясига киритилади, лекин давлат бошқарув органлари ишлаб чиқарылған товар ва хизматларнинг бир қисми деб қаралмайди.

Миллий ҳисоблар асосий категориялари бүйіча операциялар ДМС тармоқлари билан боғланып кетиши мүмкін. Марказий ҳукуматнинг ДМС усули бүйіча истемоли ойлик иш ҳақи ва давлат харажатлари учун тұловларини айрамиз.

ДМСда “әгри солиқлар” атамаси ишлатилмасада, әгри солиқлар миллий ҳисобланған бўлиши мүмкін. Әгри солиқлар ишлаб чиқариш учун харажатлар деб қаралади. Тұғри солиқлардан әгри солиқларни фарқлаб туралған жиҳат шундаки, тұғри солиқлар омилли даромадлардан тұланади. Әгри солиқлар ўз ичига қуидагиларни олади: экспорт ва импорт божлари, акциз йиғинлар савдо солиги, хўжалик фаолиятини олиб бориш учун лицензия тұлови, маълум операцияларни амалга ошириш учун йиғинлар, қўшимча нарх учун солиқ, автотранспорт учун тұловлар, паспорт берилиши тұловлари, аэропортда, судда олинадиган солиқлар ва тұловлар.

#### б) Давлат молия статистикаси.

Тұлов баланси. Давлат бошқарув органлари томонидан ва чет мамлакатлар билан олиб борилған операциялар ҳам, ДМС ҳам тұлов балансида ўз аксили топади. Фақат фарқлар жалб этиш кенглиги ва ҳисоб принципини ҳисобга олмаганды, берилған операциялар икқала тизилмада ҳам бир хил намоён бўлади.

Жалб этиш кенглигига келсак, бу ерда фарқлар минимал. Биринчидан, тұлов баланси ҳисобига давлат бошқаруви даражалари фарқланмайды, иккинчидан, тұлов балансида ташқи операциялар билан миллий бирлашмалар ўртасида чегараланиш йўқ.

Тұлов баланси маълумотлар ҳисоби устига қўйиб ҳисоблаш усули орқали олиб борилади. ДМСда эса касса усулидан фойдаланилади. Яъни тұловлар асосида. Шундай қилиб, ДМСда фақат тұловлар оқими, тұлов балансида эса ресурслар, тұловлар, мажбуриятлар акс этади.

### 6.4. Пул-кредит обзорининг бошқа макроиктисодий ҳисоблар билан ўзаро алоқаси

Пул-кредит обзори тұлов баланси билан ҳисобот маъносида боғлиқ, чет эл активлари ва пассивлари суммасининг ўзгариши орқали ва ДМС – давлат бошқарув органларининг банк тизимиға соғф қарзи орқали. Бирок пул-кредит обзори (тизи-

ми) билан миллий даромад ва маҳсулот ўртасидаги боғлиқлик ўртача ҳисобланади: иқтисодиётда ликвидлик заҳирасининг ўзгариши мамлакат иқтисодиётида ишлаб чиқариш ва даромадлар ҳажмининг ўзгаришига олиб келади. Миллий даромад ва харажатларнинг ўзгариши эса импорт талаби ва экспорт таклифига таъсир қиласи. Бу эса, ўз навбатида, соф ташқи активлар суммасининг ўзгаришига ва ниҳоят, пул массасига ик-киламчи таъсир кўрсатиши мумкин.

## 6.5. Пул воситаларининг оқими

Иқтисодиётнинг асосий соҳалари ҳисоб-китобларини ҳар бир соҳанинг “тўлов баланси”ни кўрсатувчи ягона жадвалга келтириш мумкин. Бу жадвал шу билан бирга балансининг соҳалар орасидаги қарзлар ва кредитлар ёрдамида маблағ билан қандай таъминланишини кўрсатади. Пул оқимларининг бундай жадвали 1-бўлимда кўриладиган турли хил ҳисобларнинг табиий ҳолдаги давоми ҳисобланади. Унинг ёрдамида иқтисодиёт соҳалари орасидаги молиявий алоқалар табиатини аниқ кузатиб бориш мумкин.

Соҳанинг даромад ва харажатлари орасидаги фарқни бу соҳанинг “молиявий бўлмаган ҳаракатлар сальдоси” деб атаймиз. Пул оқимининг жадвали иқтисодиётнинг ҳар бир соҳани “молиявий сальдо”си соҳанинг молиявий бўлмаган ҳаракатлар сальдоси билан teng бўлиши керак бўлган ўзлаштириш ва кредитлаш ҳаракатларини кўрсатиб беради. Шунга кўра, ички соҳалар орасида молиявий ҳаракатлар сальдоси йигиндиси халқаро капитал оқимлари микдорига teng, шунингдек, даромад ва харажатлар (ички иқтисоддаги) орасидаги фарқ кундалик тўлов баланси ҳаракатлари ҳисоблари сальдосига teng.

Пул оқимлари жадвалини тузишда қуйидагича фаразлар қилинган:

– банк тизимининг молиявий баланси сальдоси нолга teng деб қабул қилинган, бу соҳанинг молиявий бўлмаган ҳаракатлари эса хусусий соҳада қамраб олинади;

– ташқи соҳадаги зарар мусбат белгига эга, мусбат сальдо эса манфий белгига эга, шунингдек, бу устун ўзига кузатилаётган мамлакатнинг чет давлатлар билан балансини кўрсатади (1-жадвалда бу устун “чет давлатлар” номи билан берилган);

– молиявий оқим учун актив қийматларнинг ўсиши манфий белгига (фондларнинг ишлатилиши), пассив қийматларнинг ўсиши мусбат белгига эга (фондларнинг манбаи) ва шунга мувофиқ қарама-қарши белгилар актив ва пассив қийматлар пасайган ҳолда кўлланган.

Пул оқимининг схемаси 1-жадвалда кўрсатилган. Давлат иқтисодиёти хусусий соҳага, марказий ҳокимият соҳасига, банк ва ташқи соҳага бўлинади. Янада тўлиқ ва назарий тўғри бўлган синфлаш давлат ташкилотлари соҳасини ҳам қамраб олади. Биринчи қатордаги сонлар молиявий бўлмаган ҳаракатлар баланси 7 тенглама компонентлари кундалик ҳаракатлар ҳисоби сальдоси билан мувофиқ тушади:

$$(SP-IP)+(TX-G)-CAB=0$$

Шундай экан, (SP-IP) қиймат хусусий соҳанинг молиявий бўлмаган ҳаракатлари сальдоси.

Модомики, кундалик ҳаракатлар ҳисоби тескари қиймат билан олинган экан, унга жадвалнинг биринчи қатори назарий жиҳатдан нолга teng бўлиши керак.

Жадвалда пул оқимларининг чизмаси келтирилган:

### 1-жадвал

	Хусусий соҳа	Марказий ҳукумат	Банк тизими	Чет давлатлар
Молиявий бўлмаган ҳаракатлар баланси	*	*		*
Молиявий баланс. Пуллар ва квазипуллар	*	*	*	*
Хусусий соҳа банк кредити	*	*	*	*
Давлат банк кредити	*	*	*	*
Тоза ҳалқаро заҳиралар	*	*	*	*
Ҳокимиётнинг хорижий карзлари.				
Хусусий соҳанинг хорижий карзлари	*	*	*	*
Банкка онд бўлмаган давлат ташқи карзлари	*	*	*	*
Бошқа тарафлар, хаммаси	*	*	*	*

Шу (\*) белгиси мамлакатнинг қарама-қарши ишора билан берилган ташқи соҳасидаги етишмовчиликни билдиради.

Қолган қаторлар соҳаларни маблағ билан таъминловчи асосий ашёвий воситаларни кўрсатади. Юлдузлар билан керак бўлган ёзувлар учун жой кўрсатилган. Масалан, банк соҳаси учун пассив ва хусусий соҳа учун актив бўлган пул массасининг ортици 1-устунда манфий қиймат ва 3-устунда мусбат қиймат сифатида ёзилади.

Соҳаларнинг молиявий бўлмаган баланси ва пул оқимининг схемасини тузишда турли хил хатоларга йўл қўйилиши мумкин. Хатоларнинг биринчи категориясига ҳисоб ичидаги статистик тафовут сабаб бўлса, бошқасига турли ҳисобларнинг

мос тушмаслиги сабаб бўлади. Учинчи хил хато турли даврлардаги ҳисобларга боғлик ҳолда келиб чиқади, масалан, агар маҳсулотнинг миллий даромади пул-кредит кўриниши, тўлов баланси ва статистикаси календарь йил негизида, давлат молияси статистикаси эса молиявий йил негизида айтилган бўлса, хато келиб чиқиши мумкин.

Пул оқимлари жадвалини тузишда ва молиявий бўлмаган ҳаракатлар мувозанатини юзага келтиришда товар ва хизматларнинг экспорт ва импорт бўйича маълумотлари тўлов баланси ва пул-кредит кўриниши жиҳатидан маҳсулот ва миллий даромад ҳисобидан; марказий ҳокимият ҳаражатлари жиҳатидан давлат молияси статистикаси берган маълумотлардан олинади.

Бунда соддалаштириш учун банк соҳасидаги молиявий бўлмаган ҳаракатлар йўқ деб фараз қилинган. Натижада бу соҳанинг ҳар қандай нолга тенг бўлмаган сальдоси хусусий соҳанинг молиявий бўлмаган ҳаракатлари сальдосини қамраб олади.

Бу фараз ва марказий ҳокимиётнинг молиявий бўлмаган ҳаракатлар ҳақида берган маълумотлари ҳисобига давлат молияси статистикасидан бошқа йўл билан олиб бўлмайдиган маълумот “хусусий соҳанинг молиявий бўлмаган ҳаракатлар сальдо”-сини олиш мумкин, бу марказий ҳокимият ҳисобига киритиш мумкин бўлган миллий даромад ҳисобининг турли йиллик раҳамлари орасидаги фарқ сифатида ҳисобланishi мумкин.

Кўйида ҳисоблашнинг ҳамма босқичи келтирилган:

1. GNDI=GDP+YF+TRF

2. Умумий маблағ қ GNDI-C

3. Ички иқтисодиётнинг молиявий бўлмаган ҳаракатлари сальдоси + умумий маблағ - умумий инвестиция.

4. Марказий ҳукумат ҳисобига киритиш мўлжалланган даромаднинг умумий миқдори қ даромаднинг умумий миқдори – трансферт тўловлар учун ҳаражатлар.

5. Марказий ҳукумат маблағининг марказий ҳокимиёт мўлжалланган даромад – марказий ҳукумат мўлжалланган даромад – (иши ҳақи+хизмат ва товарларни сотиб олиш).

6. Марказий ҳукуматнинг молиявий бўлмаган ҳаракатлари сальдоси = марказий ҳукумат маблағлари – марказий ҳокимиёт инвестицияси.

7. Хусусий соҳанинг молиявий бўлмаган ҳаракатлари сальдоси ички иқтисоднинг молиявий бўлмаган соҳаси сальдоси – марказий ҳукумат молиявий бўлмаган соҳаси сальдоси.

Молиявий бўлмаган ҳаражатлар сальдосини ҳисоблаб, макроиқтисодий ҳисоблар орасидаги ўзаро боғлиқликни кўрсатувчи

пул воситаларининг ҳаракати ҳақида ҳисбот тузиш мумкин. Бу ҳисбот битта жадвалда иқтисодиётнинг алоҳида соҳалари дисбалансларининг умумий иқтисод имкониятини яратади. Бундан ташқари, у иқтисодий сиёсатнинг асосий ўзгарувчанлигини аниқлаб беради.

## 6.6. Таҳлилий ҳисбот

Тўлов баланси ҳисбларини тузишнинг асосий мақсадларидан бири – ташқи мувозанатликни тӯғрилаш эҳтиёжининг пайдо бўлганлиги тӯғрисидаги маълумотга эга бўлишdir. Бироқ иккилик ёзув тизими тўлов балансида дебет ва кредит тинчлигini назарда тутади. Шу сабабли унда ижобий сальдо ёки дефицитни кўрсатиш учун барча ташқи операцияларни суммалашва бу гурӯҳ ичидаги операцияларни моддалардан ажратиш керак (чизиқ остидан ёки устидан).

Чизиқни тортиш ерини ҳал қилиш тўлов баланси бош эҳтиёжини – аъло даражадаги қайси операциялар доирасини кўрсатиш тӯғрисидаги субъектив назарни ифодалайди. Мустақил ҳисблangan операцияларга бўлган ёндашувларнинг бирига аосан, автоном моддаларни компенсациялаш учун улар амалга ошириладиган операциялардан ажратилиши керак. Бошқа ёндашув доирасида асосий эътибор операция характеристининг ўзгарувчанлигига қаратилади: нобарқарор деб қараладиган операциялар тўлов балансининг умумий ҳолатини кўриш учун “чизиқ остида” белгиланади.

Афсуски, моддаларни фарқлаш учун ягона ўлчов бирлиги мавжуд эмас, чунки бундай бўлиши сезиларли даражада операцияни амалга оширувчи иқтисодий агент мотивациясига нисбатан субъектив қарашни ифода этади. Шунингдек, қандай молијавий активлар юқори ўзгарувчанлик билан характерланишини аниқлаш мумкин. «Баланс» тушунчасига бир қатор турли ёндашувлар бирлиги ҳам бежиз эмас.

Тўлов балансининг тор маъноси савдо баланси, яъни ФОВ асосида эксперт ва импорт сальдосини ифодалаш учун ишлатилади. Бироқ иқтисодий нуқтаи назардан қараганда товарлар ва хизматлар оқими орасидаги фарқ субъектив ҳисбланади. Хизмат экспортидан тушган чет эл валютаси бирлиги товар экспортидан тушган чет эл валютаси бирлигидан ташқи савдо балансининг аҳволини яхшилаш мақсадига асосланганлиги билан ажраби туради. Савдо балансидан аосан божхона ҳисботларидан фойдаланишиб, товар савдоси бўйича маълумотларга нисбатан тезроқ эга бўлиш мумкинлиги сабабли фойдаланилади.

Назарий нуқтаи назардан «жорий операциялар ҳисоби» ту-шунчаси алоҳида аҳамиятга эга. Мавжуд нуқтаи назарларнинг бирига асосан, бу ҳисоб ўз ичига товар савдоси, хизмат ва даромадлар, бошқасига кўра эса, бундан ташқари, хусусий ёки умуман, бир ёқли трансферларни олади. Хусусий бир ёқли трансферлар тўлов балансини тўғрилаш нуқтаи назаридан қаралганда таркибга кириши мумкин. У ҳолда бошқа ҳеч қайси муайян таркибга кирмайдиган меҳнат даромади кўрсаткичини чизик устига, чет элдан келган имигрант хизматчилар кўрсаткичини эса чизик остига жойлаштирилади. Баъзан расмий трансферлар жорий оқими эса баланснинг капитал оқими бўлганлиги учун ҳисобга олинмайди. Бироқ бир ёқли трансферларни чизик остида ҳисобга олишда муаммолар пайдо бўлади: реал республикалар қабул қилувчи дебет тўлов балансини ёмонлаштиради, деган фикр пайдо бўлади. Ҳозирги пайтда энг тарқалган ёндашув – бу, жорий ҳисобга барча трансферларнинг киришидир. Товарлар, хизматлар ва бир ёқли трансферлар баланси иккинчи риал операциялар натижасида ўзгарадиган молиявий активларнинг ҳақиқий катталигини ифодалайди. Жорий операциялар ҳисоби баланси соф капитал оқими катталиги ёки заҳиралар ва параллел моддалар суммасининг ўзгариши билан мос келиши керак.

Жорий операциялар ҳисобининг мувозанатсизлаштирилганлиги доим ҳам иқтисодий ўзгартериш киритиш эҳтиёжини кўрсатмайди. Мисол учун, давлат раҳбарияти ривожлантиришга қаратилган харажатлар билан боғлиқ бўлган узоқ муддатли капиталлар оқими ҳисобидан молиялаштирилган дефицитнинг жорий операциялар ҳисобини сақлашга бориши ва аксинча, давлат раҳбарияти ташқи инвестицияни молиялаштириш учун жорий операциялар ҳисобининг ижобий сальдосини сақлашга ўз фаолиятини қаратиши мумкин.

Жорий операция ҳисоби сальдосининг ўзига хос таҳлилий аҳамиятга эгалиги яна иккита омил билан ифодаланади. Биринчиси, агар трансферлар билан боғлиқ бўлган ноаниқлик ҳисобга олинмаса, катталик бўйича жорий операциялар ҳисобининг дефицити ёки ижобий сальдоси иқтисодиётнинг қолган бошқа барча секторлари бўйича жамғармалар суммасининг ўсиши ёки қисқаришига teng бўлади. Иккинчиси, жорий операциялар ҳисобининг сальдоси соф ташқи қарзлар ҳажмининг ўзгаришига тенгдир. Умумий балансга эришиш учун чизик фақат юқори ликвидли активлар ва пул-кредит органларининг қисқа муддатли пассивлари ҳажмини (ёки улар томонидан бошқариладиган маълум бир актив ёки пассив) ифодалаши керак. Пул-кредит бошқарув органларининг олтин, қийматли қофозлар ва ак-

тивлари, одатда, заҳиралар таркибига кирган бир пайтда, депозит пул банкларидағи айни хил активлар түшунчаси субъектив ҳисобланади ва ҳуқумат бу активларнинг ишлатилишини қайдаражада назорат қилишига боғлиқ.

Бундан ташқари «пассивлар» түшунчаси билан боғлиқ бўлган қийинчилик ҳам юзага келади.

ХВФ томонидан ишлатиладиган кредитлар заҳиралар категориясига киритилади ва баъзи ҳолларда маълум талабларни бажарувчilar томонидан заҳира активлари сифатида қараладиган пассивлар, шунингдек, чизиқ остига жойлаштирилади (масалан, маълум МБнинг бошқа МБлардаги ҳисоблари). Ушбу ёндашувнинг афзаллик томони шундаки, у балансларни аниқлашда мувофиқликни таъминлайди.

## 6.7. Маълумотларнинг асосий манбалари

Товар операциялари тўғрисидаги маълумотларнинг асосий манбалари давлатнинг солиқ тизими томонидан тўпланиб, маълумотларни ўз ичига олувчи савдо ҳисботлари, банк тизими орқали чет эл валютасининг тўловлари ва оқимини кўрсатувчи валюта алмашуви бўйича маълумотлар ҳисобланади.

Савдо ҳисботларида товарларнинг давлат чегараси орқали жисмоний ҳаракати, банклар орқали амалга оширилган ва хизматлар учун тўловларда валюта алмашуви бўйича маълумотлар, шунингдек, банк тизими орқали даромадлар ҳаракати акс этади. Бу манбалардан фойдаланилганда доим ҳам эгалик ҳуқуқи сотувчидан харидорга ўтаётганида (иккала томоннинг ҳам бухгалтерия китобида акс этади) тўлов балансининг ўтказиш принципи операциясини тузишда жорий манбага амал қилинмайди. Шунинг учун операция ўртасидаги фарқ уларни категорияларга бўлим операцияларини амалга ошириш вақти түшунчаси, шунингдек, қийматли баҳолашларни ифодаловчи тузатишларни киритиш керак бўлиши мумкин. Валюта алмашуви тўғрисидаги маълумотларда операциялар ҳисоби учун шундай тузатишлар киритилиши керакки, уларни амалга оширишда тўлов банк тизими орқали бажарилмайди. Натурал кўринишдаги давлат импорти, бартер битимлари, бир ёқли трансферлар ва чет элдаги молиявий актив ва пассивлар ҳажмининг ўзгариши ёрдамида бевосита амалга оширилган операциялар валюта алмашуви тўғрисидаги маълумотларга киритиладиган моддалар қаторига тегишилдири.

Божхона ҳисботи маълумоти коррекциясига мисол тарикасида мамлакатдаги кемаларнинг денгиз овчиларининг очиқ денгиздан тутган овини чет элда сотишларини олиш мумкин.

Турли моддаларни категорияларга бўлиш билан боғлиқ

тузатишларда ҳамма экспорт ФОБ асосида ўтказилиши керак бўлади. Бунда маълум ўзгаришилар “Транспортация” моддасига киритилиши керак. Операцияни амалга ошириш вақти билан боғлиқ бўлган тузатиш товар оқими ҳажми ўзгаришида, шунингдек, давлат резидентлари чет элдаги заҳираларга эга бўлганда ёки резидент эмаслар кўриладиган давлатдаги заҳираларга эга бўлганида муҳим бўлиши мумкин.

Савдо ҳисоботларида товарларнинг жисмоний кучи қайд қилинади ва шунинг учун бу заҳиралар ҳажмини ўзгаришида уларга тузатишлар киритиш керак. Валюта ҳисоботларида операцияларни амалга ошириш вақти билан боғлиқ бўлган тузатиш капиталлар ҳаракатидаги активлар ва пассив ўзгаришни курсатиш учун киритилади. Қўймат бўйича тузатишлар асосий манбалардан олинадиган маълумотлар бозор нархини ифодаламаганда зарур бўлади.

Баъзи хусусий операцияларни баҳолашда валюта алмашуви устидан кучли назорат бўлмаган давлатларга тегишли сўровномалар ёки танлама кузатишлар олиб бориш керак бўлиши мумкин. “Туризм” тўлов баланси моддасини баҳолаганда баъзан давлат резидентлари томонидан чет элда ўтказиладиган сутканинг ўрта суммаси кунларнинг умумий сонига, шунингдек, ушбу давлатда чет элликлар томонидан ўтказиладиган кунлар сонига кўпайтирилади.

Сутканинг ўртacha катталигини аниқлаш учун саёҳат агентлиги, банклар, меҳмонхона ва дўконлардан олинган маълумотлардан фойдаланиш мумкин. Чет эл туристларининг меҳмонхоналарда ўтказган кунлари сони тўғрисидаги систематик маълумотларни тўплаш, баъзан туризм бўйича маълумотлар давлатларо маълумот алмashiш йўли орқали текширилиши мумкин. Сўровномалардан, шунингдек, кема ва авиакомпаниянинг йўловчилик чиштаси нархи тўғрисидаги маълумотнинг инвестицион фойда ва транс миллий компанияларининг тўғри инвестициялари тўғрисидаги маълумотларни олишда фойдаланиш мумкин.

Қисқа муддатли капитал оқими бўйича маълумотлар, одатда, ишончсиз ҳисобланади. Бу валюта алмашуви тўғрисидаги маълумотларнинг асосий манбаи сифатида ишлатилишида ти-  
-кредит тўғрисидаги маълумотни, қийин бўлса, сўровномаларни қўллаганда маълумотнинг керакли ҳажмини олиш, шунингдек, унинг ишончлилигини таъминлаш мураккабдир.

## 6.8. Пул-кредитни тартибга солиш ташкилотлари

1. Умумий қоидалар. Молиявий ташкилотларни 2 гурухга бўлиш мумкин (назарий жиҳатдан булар орасидаги фарқлар аниқ, амалиётда эса умумийроқ).

Биринчи гурухга давлатнинг тўлов воситаларини яратувчи молиявий муассасалар киради. Улар анъанавий равища "пуллар" деб аталади.

Иккинчи гурухга эса пул яратмайдиган молиявий ташкилотлар киради. Биринчи гурухга кирувчи пул-кредитни назорат қиладиган ташкилотлар ва пул-депозит (тижорат) банклари назарий жиҳатдан кўпроқ ахамият касб этадилар, сабаби, бу гурух агрегатлар ликвидлигини, ҳажмини ўзгартириш харажатлар ва иқтисодий фаоллик даражасига катта таъсир кўрсатади.

"Халқаро молиявий статистика" жадвалида келтирилувчи пул ва молиявий маълумотлар З босқичда берилади. Қуйида уларнинг иккитаси тўғрисида фикр юритилади.

Биринчи босқичда пул-кредитни назорат қилувчи ва пул-депозит банклари тўғрисидаги маълумотларда бир неча қисмларда берилади. "Халқаро молиявий статистика" маълумотларида пул-кредитни назорат қилувчи ташкилотларга асосий ўрин берилган.

Хорижий заҳиралар ҳажмини инобатта олган ҳолда улар пулларнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида баҳолаш учун асосий маълумотлар базасини янгидан тўлдириб борадилар ва шу билан бирга пул-кредит сиёсати яратилади.

Иккинчи босқичда эса пул-кредитни назорат қилувчи ташкилотлар ва пул-депозит банклари тўғрисидаги маълумотлар умумийлаштирилиб, "Пул- кредит тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар" йигилади. Булар орқали пул ва кредит ҳолати, статистикаси тўғрисида тушунча ҳосил қилиш мумкин.

## 2. Биринчи босқич.

### а) Пул-кредитни назорат қилувчи ташкилотлар.

Пул-кредитни назорат қилувчи ташкилотлар мамлакат заҳирасини олтинларда, хорижий валюталарда ва маҳсус хукукли қарзларда сақлайдилар (СДР). Булардан ташқари улар пулларнинг харажати, айланиш тезлигини назорат қилади ва давлат ташкилотларини назорат қилувчи банк сифатида намоён бўлади. Одатда, бундай функцияларни Марказий Банк амалга оширади, аммо кўп мамлакатларда танга зарб қилиш билан давлат заҳира идоралари шуғулланади, баъзи мамлакатларда эса олтин заҳиралари ва хорижий валюталар давлат зарбхоналарида ёки валютани назорат қилувчи фондларда жойлашади.

Бундай монетар функциялар давлатнинг Марказий Банк ҳисоблари билан узвий боғланиши керак. Бу ишлар пул-кредитни назорат қилувчи ташкилотларнинг барча функцияларини ягона ҳисоб-китоб ўлчов бирлигига келтириш мақсадида қилинади. 2-жадвалда пул-кредитни назорат қилувчи ташки-

лотларнинг асосий ҳисоб-китоб баланслари берилган бўлиб, унда пул-кредит тўғрисида тўлиқ ахборот олиш мумкин.

Хорижий активларга олтин, банкнот, давлат инвестиция мажбуриятлари, СДР, хорижий давлатлардаги депозитлар, шу билан бирга, давлатнинг ХВФ даги заҳира ўрни киради.

Давлат секторига бўлган талаблар ҳукумат, давлатнинг маҳаллий бошқарув органлари ва номолиявий давлат ташкилотларига бўлинади. Ривожлантириш ва жамғариш банклари га бўлган талаблар пул-кредит характеристига эга бўлмаса ҳам молиявий ташкилотларга боғлиқ бўлади. Хусусий секторга бўлган талаб унча аҳамиятли эмас: уй хўжалиги ва муассасаларга асосан Марказий банк эмас, балки тижорат банклари кредит бериш билан шуғулланади. Қайд қилинган вексель ва банкларнинг бошқа мажбуриятлари пул-кредитни назорат қилувчи ташкилотларда жойлашган бу қўйилмалар пул-депозит банклари га қўйилган талаблар билан узвий боғлиқдир, сабаби, улар Марказий банк ва пул-депозит банклари орасидаги операцияларда иштирок этади ва намоён бўлади.

Захира пуллар асосий пассивлар ҳисобланади. Бу – пул базаси. Бу база орқали Марказий банк депозит банкларининг ликвидлигига таъсир кўрсатади ва шу орқали депозит пуллар яратилишига таъсир қиласди.

Захира пулларнинг асосий компонентларидан бири – бу, банкдан ташқарида айланувчи пуллардир. Иқтисодиётни таҳлил қилиш учун банклардаги заҳира ва депозитларда сакланадётган пуллар муҳим аҳамиятга эга. Хусусий сектор депозити ҳудди талаб сингари унча аҳамиятли эмас ёки 0 га тенг бўлади. Хорижий мажбуриятлар ўз ичига резидентлар мажбуриятларни миллий ҳамда хорижий валюталарда, шу билан бирга пул-кредитни назорат қилувчи ташкилотлар депозитини қамраб олади. Бу маълумотларга ХВФ (МВФ) кредитларининг ишлатилиши ҳам киради, аммо ҳисоб-китоб балансларида бу маълумот “қолган маълумотлар” турига киритилади, “қолган маълумотлар” таркибига молиявий муассасалар таркибининг, капиталининг ҳаракатчанлиги ва заҳира активлари киради.

Хорижий валюта депозитлари таркибиға фақат резидентлар олдидаги мажбуриятлар киради. Шунинг учун ҳам улар хорижий пассивлар турига кирмайди, ҳукуматнинг марказий депозитлари алоҳида кўрсатилади ва улар заҳира пуллар таркибиға киритилмайди.

## Пул-кредитни назорат қилувчи ташкилотлар баланси

Актив	Пассив
Хорижий валюта	Банкдан ташқарида айланып юрувчи пуллар
МВФ ва СДР захира ўрни	Депозит банклар имкониятининг мавжудлиги
Хорижий банклар корреспондентлари	Пул-депозит банкларининг депозит имкониятлари
Хорижий инвестиция	Хусусий сектор депозити
Марказий ҳукуматга талаблар	Зарур ва жамгарма депозитлари ва хорижий валюта депозитлари
Зарбхона	Облигациялар
Векселлари	Чегараланган депозитлар характеристи
Бошқа қимматли қоғозлар	Ташқи мажбуриятлар чеклари ва бошқа тўлов воситаларида ишлатилиши лозим
Киска	
Авансирлаштириш	
Регионал ва маҳаллий бошқарув ҳукуматига талаблар, векселлар, облигация ва бошқа қимматли қоғозлар	
Кредитлар ва аванслар	

3-жадвалда кўпгина ташкилотлар ҳисоби берилган. Бу жадвалда асосий масала депозитларни талаб қилиб олиш, депозитларга тақсимлаш ва кваз пул мажбуриятлариdir. Кваз пуллар таркибиغا зарурӣ ва жамғариш депозитларининг хусусий ички секторга ташкилот захираси ва бошқалар киради. Хусусий сектор депозити хорижий валюталарда ва бошқа резидентларининг хорижий валюталари “Кваз пул” сифатида кўрилади.

## 3-жадвал

Номолиявий давлат ташкилотларига талабалар, векселлар ва бошқа қийматли қоғозлар. Кредитлар ва аванслар.	Давлат бошқаруви ташкилотларининг депозитлари
Хусусий секторга талаб	Капитал ҳисоблари, капитал захиралар
Пул-депозит банкларига талаблар, қайта ҳисоблаш, кредитлар ва овердрафтлар	Қолган маълумотлар. Қолган пассивлар. Минус қолган активлар.
Пул-кредит характеристига эга бўлмаган молиявий ташкилотларга талабалар, қайта ҳисоблаш, кредитлар ва овердрафтлар	

Охиригина молиявий ташкилотларнинг ўз мажбуриятларини бошқариш соҳасига қизиқишлари ортиб бормоқда. Бу эса янги молиявий воситалар пайдо бўлишига олиб келади, уларни қийматли қоғозлар ёки депозитлар деб таърифлаб бўлмайди. Уларни

асосан субститут депозит мажбуриятлари ёки депозит сертификатлари, дейиш мумкин. Яна бир бошқа молиявий операция тури – сотиши тұғрисидаги келишув. Бунда молиявий ташкылттар би-рор янги молиявий воситани сотиб олиш тұғрисида келишади.

## 6.9. Пул депозит банклари

Пул-депозит банк турига ҳар қандай банклар ва уларга үхшаң муассасалар киради (пул-кредитни назорат қылувчи ташкылттар). Булар истесно фондида керакли пассивларнинг депозитлар күренишида бўлади, депозитлар ҳисоб-китоб қилишда фойдаланиш мумкин.

Бундан унинг нархи ва синаш олдидан белгиланган бўлади. Кўнчилликнинг фикрича, бундай молиявий воситалар ликвидлиги “Квази пуллар” ликвидлигига нисбатан паст бўлади, сабаби – бундай воситалар олингандан сўнг олдиндан билиб бўлмайдиган хатар остида бўлиши мумкин, аммо тажрибада эса банклар асосан бундай шартномаларни қисқа вақтларга ёки кредитор талаби билан бекор қилиш шартлари билан тўланади ва бу тур ҳозир кенгаймоқда.

### 4-жадвал

Активлар	Пассивлар
Захиралар	Талаб қилиб олгунча бўлган депозитлар
Санланыш қиймати	Жкорий ҳисоблар
Пул-кредит ташкылтларидаги депозитлар	Чегаралмаган инплатин ҳукуқига эга бўлмаган депозитлар
Хорижий активлар	Зарурӣ ва жамгарма
Резидейт бўлмаган банкларга талаблар	Депозитлар ва хорижий валидига депозитлари
Банк бўлмаган	Хорижий валидига депозитлар Зарурӣ депозитлар Жамгарма депозитлари Пул-бахор воситалари Депозит сертификати Одий векселлар Облигация Чегаралмаган характеристири депозит Импортни олдиндан тўлаши Аккредитив депозитли импорт
Марказий ҳукуматга талаблар	Ташки мажбуриятлар
Зарбхона векселлари	Банк бўлмаган ташкылтлар – Норсизидентлари
Даълатнинг қолган қийматли қорхолари	Марказий ҳукумат депозитлари
Регионал ва маҳаллий ҳокимийт бошқарув органдарни	Зарурӣ ва талаб қилиб олгунча бўлган депозитлар Марказий ҳукумат депозитлари Хорижий валидигалардаги депозитлар
Номолиявий давлат ташкылтларига талаблар	Марказий банк кредитлари Пул кредитлари Пул-кредит характеристига эга бўлмаган ташкылтлар олдиндан мажбуриятлар
Хусусий секторга талаб операция ҳисоби йиғиндиши	Каннтал ҳисоботлари
Кредитлар ва аванслар	Колган майлумотлар
Ипотекалар	Колган пассивлар
Инвестициялар	Минус: қолган активлар
Онердрафтлар	
Пул-кредит ҳисобига эга бўлмаган молиявий ташкылтларга бўлган мажбуриятлар	

## 6.10. Иккинчи даражасы: пул-кредит масаласи

Пул-кредит масаласининг асосий мақсади – пул кредити тартибот органларининг кўп миқдорда таъсир қила олиши мумкин бўлган ва ўзлари ҳам маълум миқдорда бошқа иқтисодий агрегатларга таъсир эта оловчи, молиявий агрегатларни таҳлилини таъминлаб беришдир. Бунинг учун пул-депозит банклари ва пул-кредит органларининг баланс-ҳисобот маълумотлари иқтисодни ва сиёсий иқтисодни ўзлаштиришга жавобгар шахсларни қизиқтириш мақсадида бир неча тоифаларга ажратилади.

Бир қанча сабабларга кўра, пул-кредит текшируви фақатгина юқорида қайд этилган молиявий воситаларни қамраб олади. Биринчидан, мухлатли депозитда ва нақд ҳолда, бутунлай ликвид ҳолда мамлакат иқтисодиётидаги сарф-харажатларни катталигига ва шу билан ишлаб чиқариш ва бандликка нисбатан қаттиқ ва бевосита таъсир кўрсатади. Иккинчи, банк молиявий восита муассасаларининг баланс ҳисоботлари, қоидага асосан, фақат мавжуд тұхташдан кейингина фойдаланиш имкониятига эга бўладилар, лекин, айни вақтда пул сиёсатини шакллантиришда бу маълумотлардан фойдаланиш имкониятини чеклайди.

Ниҳоят, пул сиёсатини тартибга солувчи марказий банклар томонидан ишлатиладиган ускуналар пул-депозит банклари операцияларига күпинча бевосита таъсир кўрсатади, лекин уларниң бошқа молиявий муассасалари операцияларига таъсири камроқ намоён бўлади.

Кўп ҳолларда корреспонденцияларниң номлари уларниң мазмунларини акс эттиради. Кўриб чиқишга киритилган соғф активлар, барча турдаги чет эл активларини, олтин, муассасаларниң қисқа вақтли ташқи мажбуриятларини ўз ичига олади. Ушбу корреспонденцияниң вазифаси – соғф ташқи активларниң ўзгаришларини ўлчаган ҳолда, мамлакат ташқи активлариниң ички пул тизимиға таъсирини кўрсатишидир. Ички кредит (банк тизимининг активи) банк тизимининг давлат бошқарув органлари, бошқа давлат муассасалари ва хусусий секторлар (масалан, пул-кредит харкатерига эга бўлмаган хусусий шахслар, корпорация, молиявий муассасалар) барча тўланмаган талабларни ўз ичига олади. Бутун ҳалқаро банк кредит, шунингдек, Марказий банк томонидан пул-депозит банки (томони) таклиф этилган кредитлар, корпорация жараёнидан истисно қилинади.

Пул-кредит масаласида марказий хукумат талаблари банк тизимида хукумат депозитларини ушлаб қолиш билан кўрсатилади.

Бундай муносабат марказий хукумат операцияларининг мамлакат иқтисодиёти ликвидлигига таъсирини ўлчаш имкониятини беради.

Бундан ташқари марказий ҳукумат сиёсий иқтисодиётга жавобгардир ва шунинг учун унинг ҳаражатлари бўйича қарорлари, қоидага биноан, банк депозитлари суммасига боғлиқ эмас, балки кенгроқ идрок қилиш билан қабул қилинади. Давлат муассасаларига талаблар алоҳида модда ҳолида ва жами ҳисоблаб чиқилиб кўрсатилади, чунки улар мавжуд депозитларнинг ҳаражатига таъсир кўрсатилганидек ҳисобланади.

Шунга ўхшаш сабабга кўра, ялпи ҳисоблаб чиқилганда бошқа секторга ҳам талаблар кўрсатилади.

“Пул” тушунчasi назарияда ва амлиётда ҳар хил таърифланади. Анчагина кенг тарқалган таърифга асосан “пул” тушунчasi банк тизимини ва давлат бошқарув органидан ташқарида муомалада бўлган барча пулларни олади, яъни унга тўлов воситаси бўлиб хизмат қила олувчи хусусий сектордаги пул воситаси ва барча депозитлар, чунончи, ҳисоб варақаси ёрдамида ўтказиш мумкин бўлган депозитлар киради. Бироқ, қўлланилаётган ташкилий тизимга асосан, бу ерда бошқа кундалик тезкор муомаладаги депозитлар ҳам киритилиши мумкин, масалан, омонат депозитлари. Пул-кредит масаласида пул туркуми муомаладаги нақд пул ва ўша турдаги депозитларни худди муҳлатли депозитлар сингари ўз ичига олади. Пул-пул тизимининг мажбурияти сифатида кўрсатилади, чунки бу нақд пул-пул тартибининг мажбуриятидир, муҳлатли депозитлар эса, пул депозит банкининг мажбуриятидир. Бошқа банк пассивларидан бири квози – пуллари, пул тизимининг ликвидлик депозитларига киради ва бевосита тўлов воситаси сифатида ишлатилмайди, одатда, муомалада жуда секиндир. Булар асосан банк тизимидағи тезкор ва омонат депозитлари ҳамда хорижий валютада резидент депозитларидир. Квози – пулидаги пул суммасини, одатда, “кенг маънодаги пуллар” деб аталади. Бу – агригат, эҳтимол пул-кредит соҳаси нуқтаи назари билан қараганда, кўпроқ иқтисодий фаолиятни таҳлил қилишда ишлатилади.

### Пул агрегатлари ҳақида маълумот

Пул-кредит тартибот органларининг молиявий дастурни вужудга келтиришдан асосий мақсади инфляциянинг режавий рақамга ва ички маълумотларнинг (ТИМ) реал ўсиш суръати ҳисобига мувофиқ пулнинг пул даражадаги талаби палатасига ўзгаришлар кирита олишdir.

Пулга талаб ҳақида маълумотлар.

Пул соҳасидаги ўзгаришларни микдорий жиҳатдан баҳолашда ва уларни иқтисодиётнинг бошқа секторлари билан боғланиши учун пул-кредит масаласи асос бўлиб хизмат қиласи.

Пул-кредит масаласининг асосий кўриниши қўйидагича бўлиши мумкин:

$$\text{NFA} + \text{DC} = \text{MQ} + \text{DIN}$$

Бу ерда:

NFA – ташқи нетто активлар;

DC – ички кредит;

MQ – кенг маънодаги пуллар, яъни тор маънодаги пуллар, плюс квази – пуллар;

DIN – баъзи моддалар, нетто.

Пул-кредит тартибот органларининг муҳим масаласи – бу, бошқа макроиктисодий ўзгаришларнинг исталган ёки кутилган моҳиятга муносаб, юқорида келтирилган ўзгарувчиларнинг келгусидаги моҳиятини таърифлашадир. Бундаги, биринчи ва асосий қадам – бу, пулга талаб ҳақидаги маълумотдир.

Пулга бўлган эҳтиёжнинг икки асосий кўриниши мавжуд. Биринчи, номинал ТИМнинг пулнинг кўплик массасига бўлган муносабатига белгиланган, пул массаси айланиш тезлиги охирги ўзгаришининг экстрополировкалаш. Пул массаси кенг маънода олганда, қўйидаги кўринишга эга:

$$V = \frac{GDP}{M2}$$

Агар охирги бир неча йиллар ичida айланиш тезлиги равон белгиланишга мувофиқ ўзгарган бўлса, бунга асосан башоратланаётган давр в қийматини баҳолаш мумкин.

Пул массасининг айланиш тезлиги маъноси шу ҳолда аниқланганда, шунингдек, фоиз ставкалари ва инфляция кутилиши ўзгаришларини кўрсатиш мақсадида тузатишлар киритиш мумкин. Пул айланиши ҳақидаги маълумотни пулга бўлган талаб миқдори муносаб режалаштирилган ёки номинал ТИМ маълумоти мазмунини олдиндан билиш учун ишлатиш мумкин.

Маълумот беришнинг бундай усули даражаси паст ёки етарли эмас, маълумотларни таҳлил қилиш қийин, шунингдек, молиявий сектор тузилишида институционал ўзгаришлар аҳамиятга эга бўлган мамлакатларда айниқса фойдалидир.

Иккинчи усул – электрик усулдан фойдаланишга асосланган пулга талаб миқдорини баҳолашадир. Тахмин қилинишича, иқтисодий агентларнинг молиявий қарорлари учча кўп бўлмаган иқтисодий ўзгаришларнинг вазифаси сифатида ва пул агрегатлари ўртасидаги ўзаро алоқа ва тушунтириш мумкин бўлган ўзгаришлар маълум вақт ичida ўзгармаслигини қўриш мумкин.

Модомики, аҳоли ўз хоҳишига кўра, ушлаб туришга тайёр

пул миқдори унинг сотиб олиш қудратига боғлиқ, пулга эҳтиёжнинг тенглашиши реал маънода унинг ишлатиш миқдори билан ёзилади. Айнан қайси пул таърифини ҳисоб-китоб учун ишлатиш эмпир натижалари билан белгиланиши керак? Аҳоли томонидан энг барқарор, талаб қилинадиган пул агрегатини олдиндан аниқлаш мумкин эмас. Қоидага биноан, пул массасини аниқлашга киришаётган нодавлат сектори олдида банк тизими мажбуриятининг бу томони қанча кўп бўлса, бундай аниқлаш пул-кредит соҳасидан маълумот беришга шунчалик фойдалидир. Бироқ, пул агрегатининг аниқланиши қанчалик кенг бўлса, пул-кредит тартибот органи унинг миқдорини назорат қилиши шунчалик мушкулдир.

Иқтисодий операциялар билан боғлиқ ҳолда, ўзгариш миқдорини тушунтирувчи сифатида, пулга талаб функцияси кенг миқёсда ишлатилади - қоидага асосан, реал ТИМ ва ўзгарувчан бошқа молиявий ёки реал активлар билан солиширилганида пулни сақлашнинг нисбатан жалб қилиниши акс эттирилади.

Ўзгарувчи муқобил нархни танлашда қайсиdir дараҷада пул агрегатининг ишлатилаётган таърифи ёки мамлакат институционал тузилишига боғлиқдир. Фоизлик даромад келтирмайдиган пул активларини сақлаш муқобил нарх энг мос кела-диган ўлчови-бу, намоён бўлувчи номинал фоиз ставкаларидир. Фоизли даромад келтирувчи пул активларига фоиз ставкаларининг пулга ва бошқа молиявий активларига ўлчашнинг ўзаро фарқловчи ўзгарувчанлиги кўпроқ муносибдир.

Шахсий сектор олдида банк тизимининг молиявий мажбурияти шахсий сектор молиявий активлари мажмуасининг кўпроқ қисмини ўзида акс эттирувчи мамлакатларда реал фоиз ставкалари баъзан реал активларининг даромади билан молиявий актив даромадлари ўртасидаги ўлчов сифатида ишлатилади. Фоиз ставкаларининг узоқ вақт мобайнида ўзгармас миқдорини аниқлаш учун бир дараҷада инфляция ўзгариши ҳақидаги маълумотлардан фойдаланиш мумкин.

Пул агрегатига талабни эмпирик баҳолаш қуйидаги шаклдадир:

$$\left( \frac{M}{P} \right)_t = \alpha_0 + \alpha_1 \left( \frac{V}{P} \right)_t + \alpha_2 (\pi) t \alpha_1 = 0; \quad \alpha_2 < 0$$

Бу ерда:  $M$  – пул агрегати;

$P$  – нарх дараҷаси;

$V$  – ТИМ номинал маънода;

$\pi$  - пулни сақлаш нисбий қиймати;

$\alpha_1$  – даромад бўйича пулга талабнинг эгилувчанлиги;

$\alpha_2$  – нисбий нархда ўзгарувчанликнинг пул массасига таъсир даражаси.

Тенглаштиришда барқарор ўзаро алоқа ўрнатилгандан кейин, фоиз ставкалари ва инфляция даражаси кутилаётган ёки дастурлаштирилган.

ТИМнинг реал ўсиш маъносини акс эттирувчи каузал ўзгаришлар миқдори асосида келажакда пулга бўлган талаб маълумотини олиш мумкин.

Пул массаси миқдори маълумоти, пул-кредит пассивлари текшириш маълумотининг асосий элементидир. Активларга тұхталағанимизда, соф хорижий активларнинг миқдори ўзгаришини умумий ташқи сальдо тұловлари маълумоти ёрдамида аниқлаш, бошқа моддалар (OIN) маълумоти түлиқ ахборот йўқ ҳолларда тегишли трендга асосланиши мумкин.

Бошқа моддалар халқаро заҳираларни ташкил қилувчи валюта курсини айирбошлаш натижасида соф хорижий активлар миқдорининг ўзгариш эквивалентини ўз ичига олади.

Соф хорижий активлар ва бошқа моддаларнинг маълумот бериш давридаги моҳияти, шунингдек, пулга бўлган талаб маълумотини, тенглаштиришга муносаб ички кредит миқдорининг ягона моҳиятини аниқлаш имконини беради. Соф кредитнинг давлат секторига тұлов ўзгариши, банк тизимида давлат секторининг соф қарзи бюджет маълумотига асосланган умумий кредит миқдори ва давлат кредити ўртасидаги фарқни күрсатувчи шахсий кредит сектори қолдиқли миқдор сифатида ҳисоблаб чиқилади. Шахсий секторга күрсатилиши мумкин бўлган кредит суммасининг мувофиқлигига баҳо бериш мумкин.

ТИМ маълумотида акс эттирилган маблағ ажратиш ва бошқа харажатлар мавжуд рёжалар бўйича амалга оширилади.

**Таклиф этилган пуллар ҳақида маълумот.**

Пул-кредит тартибидағи органларга пул сиёсати оралиқ йўналиши бўлган пул-кредит асосий ўзгарувчанлик текширувнинг режавий мазмунига эришиш учун операцион белгиланган ўзгаришлар маълумотлари ҳам зарур. Бундай маълумотлар түпланади. Муносаб ўхшашлик қўйидагича ёзилиши мумкин:

**NFA\*+NDGG\*+CCB\*=RM\*=DIN\***

Бу ерда: NFA – пул-кредит органларининг соф хорижий активлари;

NDGG – давлатга соф ички кредит;

CCB – тижорат банкларига талаблар;

RM – заҳира пуллар;

DIN – бошқа моддалар, нетто.

Юлдузлар – пул-кредит тартибининг ҳисоби белгисидир.

Пул-кредит текшируvida акс этган консалидар банк тизими M2 пул агрегатининг миқдорий ўзгаришлари билан қўйидаги тенглик ёрдамида боғлиқ бўлиши мумкин:

**MQ=KRM\***

K – катталик миқдори билан боғлиқ, банк тизимида сегментлаш тузилиши заҳиралари ўртача заҳира талаблари моҳиятини текширишdir, лекин бу икки катталик эмас.

Нобанк тизимида нақд пул фоизини ўрганиш учун қўйидаги тенглама берилган:

CY – банк ташқарисидаги нақд пул;

Д – жорий депозитлар, мухлатли ва омонат депозитлар;

R – тижорат банклари заҳиралари ортиқча заҳираларни киритган ҳолда;

C – банк ташқарисидаги нақд пулнинг умумий депозит суммасига муносабати.

g – заҳиралар миқдорининг аҳоли даромадлари умумий миқдорига нисбати.

Макроиқтисодий агрегатлар анъанавий тарзда ўзаро алоқадор макроиқтисодий ҳисоблар тизими асосида ҳисобланади: миллий даромад ва ишлаб чиқариш ҳисоблари; тўлов баланси; давлат молияси статистикаси ва пул ҳисоблари. Бу тўрт ҳисобларнинг асосий тавсифлари ва ҳар бир сектор ресурслари баланси ҳамда уни молиялаштириш орасидаги алоқалар ўтган бобларда кўриб чиқилган. Ушбу бобда асосий эътибор ушбу ҳисоблар орасидаги алоқаларга берилган. Молиявий дастур маълум давр давомида эришиладиган иқтисодий ориентирларга етишишга йўналган турли макроиқтисодий соҳалардаги микдорий ва ўзаро келишилган сиёсий тадбирлар тўпламидан иборат. Молиявий маблағлар ҳаракати ҳисобида тизимли равишда тасвирланган сектор инвестициялари ва жамғармалари орасидаги алоқалар ва бошқа секторлар билан тегишли молиявий операциялар молиявий дастурни тузишда муҳимдир.

## **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Пул-кредит соҳаси қандай олиб борилади?
2. Пул-кредит соҳасини олиб боришида қандай тамонлар асос бўлади?
3. Пул-кредит соҳаси органларига қайси органлар киради?
4. Пул-кредит соҳасини тартибга солиш органларининг қандай баланслари мавжуд?
5. Пул-кредит обзори қайси секторлар билан боғлиқ?

## **Асосий адабиётлар**

1. Андреев Б.Ф. Системный курс экономической теории. -М.: Прогресс, 1992.
2. Коствук В.И. Макроэкономика. -М. Прогресс, 1998.
3. Козырева В.М. Теоретическая экономика. -М.: Прогресс, 1998.

## ТАИЛАНД ФИСКАЛ СИЁСАТИ ВА МАКРОИҚТЫСОДИЙ ТАХЛИЛИНИНГ ТАЖРИБАСИ

### 7.1. Таиланднинг иқтисодий ривожланиши

*Таиланднинг иқтисодий ривожланиш тарихига бир назар.*

Ўтган асрнинг 50-йилларида Таиланд дунёдаги энг камбагал мамлакатлардан бири эди. Жон бошига ялпи даромад 1960 йили тахминан 2000 бат<sup>3</sup> (100 АҚШ долллари, айирбошлиш курси 1 АҚШ долларига 20,48 бат) эди. Кейинги 40 йилда иқтисодиёт туб ўзгаришларни бошидан кечирди- инфляциянинг паст суръатларида ва ташқи қарзнинг ЯИМга мұттадил ошиши билан тез ва барқарор ўсишга эришилди, қашшоқлик даражаси анча камайди. Таиланднинг иқтисодий ривожланишига нефть импорти ривожланаётган бошқа мамлакатларга жуда салбий таъсир қилған 70-йилларнинг нефть шоки ҳам ҳалақит қилмади.

Бу мамлакат күплаб давлат тұнтарышлари ва тұнтарышга уринишларни бошидан ўтқазған. Улар нисбатан демократик ва авторитар бошқарув даврларининг үзаро алмашинишига олиб келған. Лекин парадокс шундаки, сиёсий чалкашликка қарамасдан иқтисодий стагнациянинг узоқ давридан сүңг иқтисодий ўсиш тез ва барқарор эди. Ушбу мавзуда бу парадоксни тушунишга ва қуидаги саволларга жавоб беришига ҳаракат қиласыз:

1. Иқтисодиётнинг жадал ривожланишини көлтириб чиқарған шароит ва шартлар қандай эди?
2. Таркибий ўзгаришларнинг дастури қандай эди?
3. Ривожланишда давлатнинг ва хусусий бизнеснинг роли қандай эди?
4. Жаҳон бозорида маҳсулотнинг рақобатбардошлилигини ошириш бўйича чора-тадбирлар нималардан иборат эди?
5. Иқтисодий ўсишни таъминловчи шароит.
6. Қашшоқликни тутатиш ва даромадлар тақсимланишидаги тенгизликни қисқартириш бўйича дастурлар.
7. Осиё инқизозидан сүңг Таиланд иқтисодиётининг жадал ўсиши яна қайтарилиши мумкинми?
8. Утиш иқтисодиётлари учун Таиланд тажрибасидан қандай сабоқ олса бўлади?

Туб таркибий ўзгаришлар 1961-1966 йилларга мўлжалланган 5 йиллик биринчи миллий иқтисодий ривожланиш режаси (МИРР) қабул қилингач бошланди. Режанинг асосини давлат харажатлари дастури, шу жумладан, давлат мұттадил

бюджет камомадини ушлаб туриш мақсади ташкил этарди. Мақсадлар қуйидагилар эди: иқтисодий ўсишига, транспорт, алоқа, энергетика, ижтимоий обьектлар ва қишлоқ хўжалигида давлат секторида ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ривожланиши орқали хусусий секторнинг ўсишига эришиш. Таиланд ҳукуматининг иқтисодий сиёсати хорижий инвестицияларни жалб қилишга қаратилган эди. Бундан ташқари Въетнам томонидан коммунизм тарқатилиши хавфи олдида Жануби-Шарқий Осиёда капитализмнинг позицияларини мустаҳкамламоқчи бўлган АҚШ ҳукумати томонидан Таиландга ёрдам берилди. Аҳолининг ўзиш суръати 3% бўлишига қарамай, 1-5 йиллик режа муваффақиятли амалга ошиди—иктисодий ўсища ЯИМнинг ўргача йиллик суръати 8,1%ни ташкил этди.

Таиланд қироллиги конституцион монархияли давлатдир. Лекин соддалик учун бу ерда ва матн давомида «давлат сектори» анъанавий атамаси олинган.

Иккинчи МИРР давомида устунлик давлат харажатлари ва инсоний ресурсларни ривожлантириш дастурига берилди. Бунда ресурсларни тармоқлар ва иқтисодиёт секторлари орасида бевосита тартибга солиш ва қайта тақсимлаш киритилмаган. Асосий эътибор қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришдан саноатни ривожлантиришга кўчирилди. Натижада, қишлоқ хўжалиги секторининг ўргача йиллик ўсиши биринчи 5- йилликдаги 6,2%дан 4,5%гача пасайди ва иқтисодиётнинг ўргача йиллик ўсиши 7,5%ни ташкил этди. Въетнам уруши тугагач, АҚШнинг Таиланд ҳарбий мажмуига инвестициялари сезиларли камайди, бу эса ЯИМ пасайишининг сабабларидан бири эди.

Учинчи МИРР (1972-1976) давомида содир бўлган нефть инқирози сезиларли тузатишларни киритди. Ҳукумат асосий эътиборни ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш ва яхшилашга, иқтисодий барқарорликни сақлаб туришга, ресурсларни тақсимлашда кўпроқ адолатли бўлишига ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга берди. Нефть инқирози натижасида ЯИМ ўзиш суръатлари 6,2%гача пасайди. Таиланднинг ҳабий саноатига АҚШ инвестициялари камайган шароитда, давлат ҳисобидан инвестициялар кўпайди. Давлатнинг ёрдами билан янги ишлаб чиқаришлар яратилди, саноатнинг ривожланаётган тармоқларига меҳнат ресурслари оқиб келди. ЯИМда қишлоқ хўжалиги секторининг улуши камайиб, ЯИМда саноат ишлаб чиқаришининг улуши ўси. Бу йилларда миллий иқтисодиётнинг реструкторизацияси амалга оширилди, қулай макро-иктисодий муҳитни яратиш ва сақлаб қолишга зўр бериб ҳаракат қилинди, муҳим эътибор қишлоқ жойларда ишлаб чиқа-

риш ва туризм ривожланишига берилди. Йирик шаҳарлар инфратузилмаси тез суръатлар билан яхшиланди.

Тўртинчи МИРР давомида (1979-1980 йиллар) 2-нефть шоки содир бўлиб, жаҳон иқтисодиётининг пасайишига олиб келди, бу эса ташки савдо балансининг камомади ўсишига ёрдам берди. 80-йиллардан сўнг халқаро кредитлар бўйича фоиз ставкалари кескин кўтарилиди. Лекин нефть шокининг оқибатлари иқтисодий дастаклар билан юмшатилиб, натижада бутун 5 йиллик даврда ЯИМнинг ўсиш суръати йилига 5%ни ташкил этди.

Бешинчи МИРРнинг мақсадлари қўйидагилар бўлиб қолди: таркибий ислоҳотлар, молиявий барқарорликни сақлаб қолиш, қишлоқ аҳолисининг фаровонлигини кўтариш ва қашшоқликни йўқотиш. 1974-1978 йилларда саноат савдо тўсиклари химоясида эди ва шу вақтнинг ўзида экспорт субсидияларни оларди, бу саноат ишлаб чиқариши ҳажми ҳам, рақобатбардошлиги ҳам ўсишига олиб келди.

Лекин бу сиёsat қўшимча салбий самарага олиб келди.

Ҳимоя ва ДБОларини сақлаш мақсадларига бюджет харажатлари кескин ошиди. Шу вақтнинг ўзида давлат корхоналарининг инвестициялари бюджет ҳисобидан ва Молия вазирлиги кафолати остидаги хорижий кредитлар ҳисобидан оширилди. Натижада 1975-1978 йилларда ЯИМга нисбатан давлат харажатлари 24%ини, даромадлари 19%ини ташкил этарди, холос. Шундай қилиб, масалан, 1976 йилда давлат бюджети камомади 16 млн. бат ёки ЯИМнинг 3,3%ини ташкил этди. Давлат секторининг хорижий қарзлари 87 млн. АҚШ долларидан 1978 йилда 200 млн. АҚШ долларига ўсиди. Аҳвол на-вбатдаги тузатишларни талаб қиласарди. Шу мақсадда белгиланган рўйхат бўйича фақат танланган экспортер тармоқларни рағбатлантирувчи тарифлар ва солиқлар тизими жорий этилди. Бу рўйхатга кирмаган тармоқлар учун максимал экспорт “тариф”лари ўрнатилиб, уларнинг “экспорт” фаоллиги пасайтирилди ва фақаттинга бозорга йўналтирилди. Бу сиёsat етарли даражада самарали бўлиб чиқди – саноат экспортининг умумий экспортдаги улуси 1961 йилдаги 2,4 % дан 1968 йилда 61% гача ўсиди. Бу қишлоқ хўжалигининг экспортдаги улусидан З мартаға кўп эди. Экспортнинг ўсиш суръатлари бўйича Таиландни Шарқий Осиё минтақаларининг муваффақиятли ривожланаётган бошқа минтақалари билан таққослаймиз (5-жадвалга қаранг).

**Шарқий Осиёнинг айрим мамлакатларида экспорт ўсишининг ўртacha йиллик суръатлари (%)**

Мамлакатлар	Даврлар	
	1965-1980	1980-1990
Тайланд	8,6	13,2
Хитой	NA	11,0
Малайзия	4,6	10,3
Корея	27,2	12,8

Манба: World Bank, World Development Report 1992.

Ҳукумат прогнозига кўра, 5-МИРР даврида саноат ўсиши йилига 7,6% дан ортиқ бўлиши керак эди, лекин ўсишнинг ҳақиқий суръати прогноздагидан 2 мартаға кўп эди. Бунда кичик корхоналар йирикларига қарагандан тезроқ ўшишди. Йирик ҳажмдаги хорижий бевосита инвестициялар жалб этилгач, экспортга йўналтирилган меҳнатталаб ва ресурсталаб тармоқлар тез ривожланди. Натижада иқтисодиётнинг саноат секторида янги иш жойларининг ўртacha йиллик ўсиши 7,6%ни ташкил этди.

Қашшоқликни йўқ қилиш дастурига келсак, бу ерда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари ва қашшоқликнинг пасайиши орасида ўзаро алоқа аниқ кўринади. Лекин саноатлашиш жараёни Бангток ва унинг яқинидаги провинция (вилоят)лардагина мужассамлашганди. Саноат фаоллигини минтақавий дисперцияларга уриниш етарли муваффақият билан яқунланмади, бу эса Тайланд минтақалари иқтисодий ривожланиш даражалари орасида йирик фарқларга олиб келди. Шунинг учун провинция (вилоят)ларда қашшоқликни йўқ қилиш борасида мақсадли дастурлар қабул қилинди.

Дастурнинг асосини Тайланд қироли- Бумелопа Абдуладей Рама IX фамхўрлиги остида тузишди.

Ушбу дастурлар қуйидаги масалаларни ечишга қаратилган эди: првиция (вилоят)ларда саноат корхоналарининг ўсиши, янги иш ўринларини кўпайтириш; шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасида даромадни қайта тақсимлашдаги тенгсизликни камайтириш. Бу лойиҳаларнинг обьекти Тайланднинг энг камбағал провинция (вилоят)лари эди. Бу иш яхши натижаларни берди – ҳозирги вақтда кўпгина қолоқ провинция (вилоят)лар илғорлар қаторига чиқди. Дастурнинг муваффақиятига фояларнинг соддалиги, уларнинг аниқ ташкилий тузилтаси ва тегишли молиялаш билан таъминланганлиги ёрдам берди. Миллий ва минтақавий даражада иқтисодиётни режалаштиришнинг яхши йўлга қўйилган механизми, минтақаларни ривожлантириш учун имтиёзли инвестицион ва солиқ режимиининг

киритилиши товар билан нафақат ички мингтақавий бозорларни түйинтиришга, балки ташқи бозорга, айниқса, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларига чиқишига имкон берди. Күп лойихалар қашшоқликка қарши курашда самара эканлигини исботлашди. Жон бошига даромадлар ва ЯИМ ўсиш суръатлари кўрсаткичларининг ретроспектив таҳлили ҳам бундан далолат беради (6-жадвалга қаранг).

#### 6-жадвал

#### Тайландда 1975-76 дан 1987 йилларгача қашшоқлик ва иқтисодий ўсиш

	Йиллар			
	1975-76	7981	7986	7988
<b>Жон бошига ялпи даромад (жон бошига қиёсий баҳолардаги Тайланд батларида)</b>				
Шаҳар аҳолиси	2961	5151	5834	6203
Қишлоқ аҳолиси	1981	3454	3823	4076
<b>Мингтақалар бўйича, %да</b>				
Шимолий	33,2	21,5	25,5	19,9
Шимоли-шарқий	44,9	35,9	48,2	34,6
Марказий	13,0	13,6	15,6	12,9
Жанубий				
Бангкок ва унинг атрофидаги провинция (вилоят)лар	7,8	3,9	3,5	3,5
ЯИМ (ўртacha йиллик ҳакиқий ўсиш суръати, %)	5,9	7,5	5,2	11,5

Манба: Bank of Thailand, Quartile Bulletin, 1990

5-МИРР бажарилишининг ижобий натижалари билан айрим иқтисодий тенденциялар ташвишли эди: бюджет камомади ўси, жамғармалар даражаси 1970-75 йилларда ЯИМнинг 20-27%идан 1985 йил 16-17% гача пасайди. Хорижий валютанинг расмий заҳиралари камайиши тезлашди. Масалан, 1970-1985 йилларда у 3 мартаға камайган. Ташқи қарзнинг аҳволи ҳам яхши эмас эди, у 1985 йил 16 миллиард АҚШ долларигача кўпайиб, ЯИМнинг 40%ини ташкил этди.

Бу салбий тенденциялар 6-МИРРни бажариш даврида анча яхшиланди. Унда давлат инвестицияларни анчага қисқартириш хисобидан 1988 йили бюджет камомадини ЯИМнинг 1,3%игача камайтиришга эришиди. Бунда иқтисодий ўсиш йилига 5%дан ортиқ кўпайди, хукумат тузилмаси яхшиланди ва унинг миллий иқтисодиётдаги роли қайта кўриб чиқиши, хусусий сектор ривожланиши учун қулай шароит яратишиди. Айниқса, бунгача давлат инвестициялари сикку чиқарилган ички жамғармаларни, асосан хусусий секторнико ни анчага оширишга эришилди. Давлат корхоналарини хусусийлаш-  
110

тириш ва реконструктарилизациялаш жараёнлари давом эттирилди, корхоналарга хорижий қарз бериш ва хорижий инвестицияларни жалб қилишга күпроқ имкониятлар яратилди. Фискал сиёсатдаги яхшилашишлардан бири қуйида кўриб чиқиладиган солиққа тортиш тузилимасининг ўзгариши, хукумат даромадларининг ошиши эди.

## 7.2. Таиланднинг фискал тизими

Солиқ ислоҳотлари соҳасида, айниқса, иқтисодий ресурсларни қайта тақсимлашга солиқ юкинининг таъсири бўйича Таиланд тажрибаси қизиқарли ва фойдалидир. Айни шу унсурларни бу мавзуда батафсилоқ кўриб чиқамиз.

Бюджет таркиби. Таиланднинг миллий бюджети анъанавий тарзда бюджет ва нобюджет операциялардан иборат. Бюджет лойиҳасини парлмент тасдиқлаши керак. Харажатлар б 6 та асосий манбадан даромадлар билан қопланади:

1. Солиқ тушумлари;
2. Давлат корхоналаридан тушумлар;
3. Жарималар;
4. Ички қарзлар;
5. Янги тангаларни чиқариш;
6. Хазина нақд пулидан фойдаланиш.

1-3-моддалар бюджет даромадлари, 4-6-моддалар бюджет камомадини қоплаш манбаларидир. Бунда хорижий қарзлардан бюджет камомадини молиялаш манбаи сифатида фойдаланилмайди. Бу "Бюджет назорати тўғрисида"ги 1959 йилги қонунида белгиланган.

Нобюджет операциялар йиллик бюджетда қайд этилмайди. Улар 2 асосий шаклда бўлади: ташқи грантлар ва қарзлар билан молияланган харажатлар ва давлат хазина облигациялари ҳисобидан молияланадиган харажатлар. Бунда Таиланд Молия вазирлиги кафолатлайдиган давлат корхоналарига хорижий кредитлар ҳар қайси йилда бюджет харажатларининг 10%идан ошмаслиги керак, деб белгиланган.

Таиландда солиқ сиёсатини режалаштириш ва бошқариш вазифалари Молия вазирлиги қошидаги Солиқ Сиёсати Офисига юклатилган. Солиқ тизими марказий ва маҳаллий хукуматларнинг солиқларини ўз ичига олади. Маҳаллий ҳокимият органларини молиялашга давлат харажатларининг 5%идан ками сарфланади. Ҳокимиятнинг бу органлари даромадларининг асосий манбаи марказий хукумат билан бўлинадиган солиқлар қисмидан тушумлар, муниципиал мулқдан даромадлар, жарималар, божлар ва йигимларнинг бир неча тури ҳисобланади. Маҳаллий хукуматлар хорижий қарзларни олиши мумкин, лекин бу ички ишлар вазирлиги номидан ташкил этилиши шарт.

Солиқлар умуммиллий давлат даромадларининг асосий манбай бўлиб, 1975-1979 йилларда ЯИМнинг 12-15%ини ташкил этган. Масалан, 1979 йилда давлат бюджети даромадларининг катта қисми умуммиллий даромадлардан эгри солиқларга тўғри келди, шу жумладан, юридик шахслар фойдасига солиқ (21%) жисмоний шахслар даромад солиги (14,6%), нефть корпорацияларига солиқ (0,65%). 1990-1998 йилларда умумий солиқ тушумлари ЯИМнинг 20-24%ини ташкил этди. Бу ўртacha жаҳон кўrsаткичларидан пастдир.

Жадал саноатлашиш бошида, ҳали ўтган асрнинг 60-йиллари бошидаёк импортга тариф ставкаларни дифференциаллаш ва экспортерларга турли-туман солиқ имтиёzlари каби фискал сиёсатга тўғриланишлар киритилди. Ўша даврда асосий солиқ тушумлари импорт товарларга тарифлар, акцизлар ва бизнесга солиқдан иборат эди. 1960 йилдан бошлиб импорт тариф ставкалари ўсиш томон тез-тез ўзгартириларди — протекционистик чора-тадбирлар миллий саноатни ривожлантириш ва қўллаб-куvvatлаш зарурати билан боғлиқ эди. Солиқ тушумига асосан тўғри солиқларни ошириб эришилди. Шу вақтнинг ўзида экспорт операцияларига солиқлар анча пасайтирилди, бу эса иктисадиётни экспортта ўналтириш учун қилинди. Бу солиқ сиёсати натижасида бюджетнинг асосий даромадлари эгри солиқлар эди. Хозирги вақтда импорт ва экспорт солиқларда тушумлар марказий хукумат бюджети умумий тушумларининг тегишлича 13,5% ва 0,02%ини ташкил этади.

### 7-жадвал

#### Давлат бюджетига солиқ тушумларининг алоҳида моддалари (умумий солиқ тудумлари %да)

Бюджет моддалари	1993	1994	1995	1996	1997	1998 I квартал
Тўғри солиқлар	30,56	21,9	34,5	35,4	35,6	29,76
Даромад солиги	10,82	11	12,4	13,7	14,7	19,92
Корпорациялар фойдасидан солиқлар	19,74	11	22,1	21,7	21	9,84
Эгри солиқлар	63,21	61,8	60,8	60,7	70,8	65,19
Акциз солиги	24,46	23	22,7	22,1	23	22,31
Бизнесга солиқлар	0,33	0,13	0,1	0,07	0,05	0,06
ҚҚС (жумладан, бизнесга маҳсус солиқлар)	18,47	19,5	20,1	23	24,4	33,07
Импорт божлари ва тарифлари	19,95	19,2	17,9	15,5	12,4	9,75
Экспорт божлари	0,002	0	0	0	0	0,002
Бошика солиқ тушумлари	6,228	6,34	4,73	3,93	4,54	5,048

Манба:Bank of Thailand. Statisticall Bulletin. 1998.

**Марказий ва маҳаллий ҳукуматлар солиқ тушумларининг  
ҳажми**

Йиллар	Солиқ тушумлари							
	Жами солиқлар			марказий ҳукумат		маҳаллий ҳукумат		
	млн. батда	умумий даромад- лар, %	ЯИМга %	млн.батда	Умумий даромадлар, %	млн.батда	умумий даро- мадлар, %	
1	2	3	4	5	6	7	8	
1970	18,084	89,3	13,3	15,6	86,5	2,439	13,5	
1971	18,788	89,6	13,0	15,929	84,8	2,859	15,2	
1972	20,501	89,5	12,5	17,447	85,1	3,054	14,9	
1973	26,179	91,8	12,1	22,463	85,8	3,716	14,2	
1974	37,689	90,8	13,9	32,872	87,2	4,817	12,8	
1975	37,992	90,8	12,7	32,197	84,7	5,795	15,3	
1976	42,655	91,0	12,6	36,184	84,8	6,471	15,2	
1977	53,575	92,7	13,6	45,130	84,2	8,445	15,8	
1978	64,837	92,6	13,8	55,005	84,8	9,832	15,2	
1979	78,707	93,0	14,1	66,941	85,1	11,766	14,9	
1980	94,376	91,2	13,8	80,611	85,4	13,765	14,6	
1981	107,814	89,7	13,7	94,803	87,9	13,011	12,1	
1982	112,593	89,3	13,3	99,053	88,8	13,540	12,0	
1983	132,994	88,0	14,4	118,133	88,0	14,861	11,2	
1984	145,186	91,3	14,7	130,311	89,8	14,875	10,2	
1985	153,329	88,9	14,7	136,672	89,1	16,657	10,9	

Манба:Caipat Sahasakul. Features of the tax system in Thailand.

Тайланд солиқ тизимининг қуйидаги характерли хусусиятларини ажратамиз (солиқ ислоҳотларининг тарихи 9-жадвалда акс эттирилган):

- давлат даромадлари таркибида ЯИМга нисбатан ноэластик бўлган ва тор солиқка тортиш базасига эга эгри солиқларнинг улуши катта. Бу ЯИМ ўсиши билан солиқка тортишнинг ўртача ставкаси автоматик тарзда пасайишини билдиради;
- даромад солигининг шкаласи прогрессивдир. Даромад бўйича солиқ йиғимларининг эластиклиги 1 дан юқори. Лекин даромадларнинг катта қисми, масалан, меросдан даромад ва банк депозитларидан фойзлар солиқ солиш базасидан ажратилиб, чегириб ташланади.

Корпорациялар фойдасидан солиқ асосий эмас. Тайланд Молия вазирлигининг фикрича, ушбу солиқни йиғиш интизомини кучайтириш керак. Йирик корхоналардан фойда солиги Securities Exchange of Thailand реестрига кирганиларидан соф

Даромад солиғининг хусусиятлари. Таиланд солиқ қонун-чилигига кўра, солиққа тортиш объектлари қўйидагилар ҳисобланади: жисмоний шахслар, жамиятлардан мерос билан ўтган корхоналар. Даромад солиғининг тузилмаси анча мураккабдир. 1932 йилда “Маошдан солиқ тўғрисида” ги қонун қабул қилинган ва даромад солиғининг ҳамда корпорациялар фойда солиғининг тизими тасдиқланган. 1938, 1953, 1986 йилларда даромад солиғининг шкаласи тубдан қайта қўрилган. Охирига таҳрирдаги шкалада 10 дан ортиқ даромадлар категорияси мавжуд ва 5% дан 55%гача ўзгаради. Барча даромадларни қўйидагича таснифлаш мукин: солиқ солишдан озод этилган даромадлар, декларация қилинадиган даромадлар, ноқонуний даромадлар.

Биринчи категорияга маълум суммадан (солиққа тортилмайдиган минимум) кам даромадлар киритилади. Бу даромадлар солиқ кодексида истисно қилинган. Масалан, бунга транспорт харажатлари, ижтимоий тўловлар, давлат жамғарма омонатлари бўйича фоизлар, давлат жамғарма банки депозитлари бўйича фоизлар, давлат мукофотлари, бюджет ва бошқалар киради.

Иккинчи категорияга турли-туман даромад турлари: масалан, иш ҳаки, рента, хусусий меҳнат фаолиятидан даромад ва бизнесдан даромадлар киради.

Учинчи категория ноқонуний даромадлар, ноқонуний иқтисодиёт даромадлари ва бошқа яширин даромадлардан иборат.

Декларация қилинган даромадлар соф даромад эмас. Шунинг учун солиққа тортиш учун база бўла олмайди. Солиқ кодексида солиққа тортиш базасини ҳисоблаш учун декларацияланган даромадлардан чегирмаларни кўзда туттган. Бу чегирмалар ва истиснолар З гурӯҳ бўйича таснифланади: андозавий ёки бизнес чегирмалар, истиснолар, қайта ҳисобланган чегирмалар.

Солиқ тўловчиларнинг декларацияланган даромаддан маълум фоиздан иборат бўлган андозавий чегирмаларга ҳаки бор. Бу чегаравий даражадан оцмаслиги керак. Масалан, 1986 йилда у даромаднинг бир тури бўйича 30%ни ташкил этган. Ушбу чегирмалар тадбиркорлик ривожини рафбатлантириш учун қилинган.

Декларацияланган даромаддан чегирмалар кўринишидаги истиснолар ҳам солиққа тортиш базасини қисқартиради. Бу истисноларнинг миқдори солиқ тўловчи жисмоний шахс ёки жамиятга боғлиқ.

Маълумки, даромад солиғи бўйича тушумларни 2 асосий усул билан ошириш мумкин. Биринчиси – чегаравий ставкаларни пасайтириб, солиққа тартиш базасини кенгайтириш. Иккинчиси – чегаравий ставкаларни ошириш. Самаралироқ усул-

ни танлаш масаласи пайдо бўлади, чунки иккала ҳам бюджетга бир хил тушумларга эришиш мумкин. Бу маслани ечишга ёндашувларни Таиланд солик тизими мисолида ҳам кўриш мумкин.

### 7.3. Ўзбекистон уй хўжаликларининг даромадлари ва харажатлари моделини такомиллаштириш

Самарали солик тизими иқтисодий ўсишнинг муҳим унсуридир. Утиш даври шароитида фискал тизимда босқичма-босқич ўзгаришлар керак. Ўзбекистонда фискал ислоҳотларнинг биринчи босқичида тўғри соликларнинг, яъни даромад солиги ва корпорацияларнинг фойда солиги тизимини кўриб чиқиш керак. Иккинчи босқичда эгри соликларнинг ишлаш механизмини такомиллаштириш зарур.

Даромад солиги ислоҳоти истеъмолнинг барқарор даражасига эришишга йўналтирилиши лозим. Соликлар уй хўжаликларининг ялпи даромадлари ўсишини рағбатлантириши керак, чунки аҳолининг тасарруфидаги даромадлари ва ЯИМ орасида тўғри ўзаро алоқа мавжуд. Бундан ташқари мамлакат уй хўжаликларининг жамғармаларини рағбатлантириш зарур. Давлат харажатларини камайтириб, даромад солигининг шкаласини қайта кўриб чиқиш керак. Ресурсларга тўловлар, ишлаб чиқариш ва истеъмолга соликлар тизимини ўзгартириб, ишлаб чиқариш ресурслари самарали қайта тақсимланишини рағбатлантириш мумкин.

Солик қонунчилигидаги ўзгаришларни ишлаб чиқиша давлат бюджети харажатларини истеъмол даражасидаги ўзгаришлар билан таққослаш муҳимдир. Қисқа муддатли даврда ялпи истеъмолни кўпайтириб ялпи таклифни рағбатлантириш мумкин, бундан ташқари бўш қувватлар мавжуд.

Демак, бир томондан, шахсий истеъмолни, иккинчи томондан, ишлаб чиқаришни рағбатлантириб, хукумат ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг ўсан ҳажмлари ҳисобидан олинган соликлар билан бюджетни тўлдириши мумкин. Лекин бу имкониятни асослаш батафсил ҳисобларни талаб қиласди.

Умуман олганда, қуидагиларни тавсия этиш мумкин:

1. Соликқа тортиш базаси тор бўлиши керак эмас, даромад олиш манбаларини кўпайтириш керак;
2. Имтиёзларни максимал қисқартириш;
3. Соликнинг максимал ставкаларини пасайтириш;
4. Солик йигиш назоратини солик тўловчиларнинг хўжалик фаолиятига бевосита аралашмасдан кучайтириш;

5. Устуворлиги бўйича давлат бюджети харажатларини аниқ ажратиш;
6. Бюджетга кам даромад олиб келувчи солиқларни бекор қилиш;
7. Даромадлар ва харажатлар томонидан давлат бюджетининг ошкоралигини ошириш.

Шундай қилиб, Ўзбекистон иқтисодий ривожланишини моделлаштиришда янги ёндашувларни аниқлашнинг объектив зарурати пайдо бўлади. Шуни таъкидлаш муҳимки, яратилган эконометрик модел Ўзбекистон иқтисодий ривожланишининг қатор хусусиятларини ҳисобга олади, лекин у такомиллаштирилиши мумкин.

Малайзия ва Таиланднинг моделлаштириш тажрибаси қизиқдир. Шу билан бирга моделлаш соҳасидаги тажрибани Ўзбекистон шароитида фақат қисман қўллаш мумкин. Жанубий Шарқий Осиё мамлакатлари бевосита Малайзия ва Таиланд тажрибаси асосида шаклланган. Бу мамлакатларда ижтимоий сиёсатга катта эътибор берилади. Масалан, Таиландда кам даромадлilarга ёрдам бериш, қашшоқликни йўқотиш ва даромадлардаги фарқни камайтириш бўйича ижтимоий дастурлар кенг тарқалган. Муваффақият асосан макроиқтисодий ҳолат таҳдилининг аниқлиги, эҳтимолли сценарийларни бериш ва улар асосида моделлаш ва прогнозга боғлиқ. Макроиқтисодий моделларни қўллашдан мақсад шу.

## Қисқача хуросалар

Тайландда туб тузилмавий үзгаришлардан ҳар бири үз мақсад ориентларига эга 5 йиллик дастурлардан бошланди. Бундан ташқари провинцияларда ҳам мақсадли дастурлар қабул қилинди. Солиқ сиёсатини режалаштириш ва бошқариш функциялари Молия вазирлигидаги Солиқ сиёсати оғисига юклатылған. Давлат даромадлари таркибида билвосита солиқлар асосий улушга эга. Үзбекистондаги даромад солиғи шкаласи истеъмолнинг барқарор даражасига етишга йўналтирилиши керак. Солиқлар асосан уй хўжаликларининг ялпи даромадлари ўсишини рағбатлантириши лозим.

### Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Таиланднинг иқтисодий ривожланиши ҳақида тушунча беринг.
2. Таиланднинг фискал тизими қандай?
3. Үзбекистон уй хўжаликларининг даромадлари ва харажатлари моделини такомиллаштириш қандай йўл орқали амалга оширилади?

## **Асосий адабиётлар**

1. Андреев Б.Ф. Системный курс экономической теории. - М.: Прогресс, 1992.
2. Костюк В.И. Макроэкономика. -М. Прогресс, 1998.
3. А. Луссе. Макроэкономика. Санкт-Петербург, изд. «Питер», 1999.
4. Макроиктисодий таҳлил ва сиёsat. ХВФ семинар материаллари, -Вена, 2000.
5. Узбекистон Республикаси Статистика Департаменти «Миллий ҳисобот тизими».
6. «System of National Accounts» Commission of European Communities, International Monetary Fund, Organization for Economic Cooperation and Development, United Nations and The World Bank, 1993. Volume 1.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Андреев Б.Ф. Системный курс экономической теории. - М.: Прогресс, 1992.
2. Костюк В.И. Макроэкономика. -М. Прогресс, 1998.
3. Козырева В.М. Теоретическая экономика. -М.: Прогресс, 1998.
4. Лебедев В.В. Основы экономических знаний. -М., 1995.
5. А. Луссе. Макроэкономика. Санкт-Петербург, изд. «Питер», 1999.
6. Макроиқтисодий таҳлил ва сиёsat. ХВФ семинар материаллари, -Вена, 2000.
7. Ўзбекистон Республикаси Статистика Департаменти «Миллий ҳисобот тизими».
8. «System of National Accounts» Commission of European Communities, International Monetary Fund, Organization for Economic Cooperation and Development, United Nations and The World Bank, 1993. Volume 1.
9. Theoretical Aspects of the Design of Fund-Supported Adjustment Programs. A study by the Research Department of the International Monetary Fund, Occasional paper 55, IMF, Washington, D.C., September 1987.
10. Robert S.Pindyck, Daniel L.Rubinfeld «Econometric Models and Economic Forecasts» Third Edition Mc.Graw-Hill, Inc. 1991.

# МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	5
I БОБ. «МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ» ГА КИРИШ.....	6
1.1. Диалектика ва иқтисодий таҳлил.....	6
1.2. Макроиқтисодий таҳлил ва МХТнинг роли.....	8
1.3. МХТдан фойдаланиш соҳалари.....	10
Қисқача хуносалар.....	12
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	12
Асосий адабиётлар.....	12
II БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИ.....	13
2.1. Миллий даромадлар ва маҳсулотлар ҳисоби.....	13
2.2. Миллий ҳисобнинг асосий айниятлари.....	17
2.3. Нарх даражасини прогнозлаш. Умумий ҳолатлар.....	21
Қисқача хуносалар.....	25
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	25
Асосий адабиётлар.....	25
III БОБ. ТЎЛОВ БАЛАНСИ.....	26
3.1. Таҳлилий ҳисобот.....	26
3.2. Асосий вазиятлар.....	29
3.3. Импортни таҳлил қилиш.....	31
3.4. Экспортни таҳлил қилиш.....	33
3.5. Хизмат ва трансферларни таҳлил қилиш.....	35
3.6. Капитал операциялар ҳисоби.....	36
Қисқача хуносалар.....	38
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	38
Асосий адабиётлар.....	39
IV БОБ. БЮДЖЕТ-СОЛИҚ (ФИСКАЛ) СЕКТОРИ.....	40
4.1. “Давлат бошқарув органлари” тушунчасига изоҳ.....	40
4.2. Давлат бошқарув органлари (ДБО) нинг операциялар ҳисоби...	41
4.3. Давлат бошқарув органлари операцияларининг тавсифланиши...	42

4.4. Давлат даромадлари ва трансферларнинг таҳлили.....	45
Қисқача хуросалар.....	47
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	48
Асосий адабиётлар.....	48
<b>V БОБ. ФИСКАЛ ҲИСОБЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ.....</b>	<b>49</b>
5.1. Фискал ҳисоблар.....	49
5.2. Фискал баланси.....	56
5.3. Бюджет таҳлили .....	57
5.4. Давлат молия статистикаси: маълумотларни тақдим этиши тамоилилари.....	61
5.5. Камомадни молиялаш.....	61
5.6. Даромадларнинг таҳлили.....	68
5.7. Харажатлар таҳлили.....	72
5.8. Давлат харажатларининг макроиктисодий оқибатлари.....	73
Қисқача хуросалар.....	79
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	79
Асосий адабиётлар.....	79
<b>V1 БОБ. ПУЛ-КРЕДИТ (МОНЕТАР) СЕКТОРИ.....</b>	<b>80</b>
6.1. Иқтисодий операциялар.....	80
6.2. Миллий даромад, маҳсулот ва тўлов баланси ҳисоблари ўртасидаги алоқа.....	81
6.3. Давлат молия статистикаси, миллий даромад ва маҳсулот ҳисоблари ва баланси.....	84
6.4. Пул-кредит обзорининг бошқа макроиктисодий ҳисоблар билан ўзаро алоқаси.....	86
6.5. Пул воситаларининг оқими.....	87
6.6. Таҳлилий ҳисобот.....	90
6.7. Маълумотларнинг асосий манбалари.....	92
6.8. Пул-кредитни тартибга солиш ташкилотлари.....	93
6.9. Пул депозит банклари.....	97
6.10. Иккинчи даража: пул-кредит масаласи.....	98
Қисқача хуросалар.....	104
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	105
Асосий адабиётлар.....	105

VII БОБ. ТАИЛАНД ФИСКАЛ СИЁСАТИ ВА МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАХЛИЛИНИНГ ТАЖРИБАСИ.....	106
7.1. Таиландни иқтисодий ривожланиши.....	106
7.2. Таиланднинг фискал тизими.....	111
7.3. Ўзбекистон уй хўжаликларининг даромадлари ва харажатлари моделини такомиллаштириш.....	117
Кисқача хуосалар.....	119
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	119
Асосий адабиётлар.....	120
<b>АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>121</b>

## CONTENTS

INTRODUCTION.....	5
PART-I. INTRODUCTION TO MACROECONOMIC ANALYSIS.....	6
1.1. Dialectics and economic analysis.....	6
1.2. Macroeconomic analysis and the role of national account system.....	8
1.3. Spheres utilizing national account system.....	10
Brief conclusions.....	12
Questions for discussion and control.....	12
Main literature.....	12
PART-II. REAL SECTOR OF ECONOMY.....	13
2.1. National income and account of products.....	13
2.2. Main theories of national account.....	17
2.3. Analysis of price level. General conditions.....	21
Brief conclusions.....	25
Questions for discussion and control.....	25
Main literature.....	25
PART-III. BALANCE OF PAYMENT.....	26
3.1. Analysis account.....	26
3.2. Main condition.....	29
3.3. Analysis of import.....	31
3.4. Analysis of export.....	33
3.5. Analysis of service and transfers.....	35
3.6. Capital operations account.....	36
Brief conclusions.....	38
Questions for discussion and control.....	38
Main literature.....	39
PART-IV. BUDGET AND TAX (FISCAL) SECTOR.....	40
4.1. Definition of “ Regulatory authorities of government”.....	40
4.2. Operating accounts of “Regulatory authorities of government”.....	41
4.3. Definition of operations of “Regulatory authorities of government”...	42

ҲАЙДАРОВ МИРСАЛИ ТОЖИЕВИЧ  
КАЛАНОВА МҮТЬТАБАР ЗОКИРИЛЛАЕВНА

МАКРОИҚТЫСОДИЙ  
ТАХЛИЛ

(Үқув құлланма)

Напиr учун маъсул:  
Ўзбекистон Ёзувчилар уошмаси  
Адабиёт жамғармаси директори  
Курбонмурод Жұмаев  
Мусаввир: Акбарали Мамасолиев.  
Муҳаррир: З. Йұлдошев  
Техник муҳаррир: Ш. Таджиев  
Мусаххих: Ж. Йұлдошев  
Компьютерда сақиғаловчи: Д. Иномов

Интернетдаги расмий сайтимиз: [www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)  
Электрон почта манзили: [info@tsue.uz](mailto:info@tsue.uz)

Теришга берилди 04.11.2003 й. Босишига рухсат этилди 20.01.2004 й.  
Қоғоз формати 60x84 1/32. Офсет босма усулида босилди.  
Нашр босма тобоги 8. Нұксаси 500

Буюртма № 179

Ўзбекистон Ёзувчилар уошмаси Адабиёт Жамғармаси нашриёти.  
700000, Тошкент, Ж.-Неру, 1.

«Тагағқыят ПСН» фирмаси матбаа бўлимида чон этилди.  
Тошкент шаҳри, Белтепа мавзеси, 18-6.

**ХАЙДАРОВ Мирсоли Таджиевич** — «Макроиқтисодиёт» кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди. У 25 тадан кўпроқ илмий мақолалар муаллифи.

**Илмий ишларининг асосий мавзуси — макроиқтисодиёт сиёсатида инвестициялаш кўлами ва давлат бошқарув муаммоларига бағишланган.**



**КАЛНОВА Зикриллаевна** — «Макроиқтисодиёт» кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди. У 1 та монография, 3 та рисола, 5 та дарслик, 6 та ўқув қўлланма, 40 тадан ортиқ илмий мақолалар муаллифи ва 20 дан кўпроқ иқтисодий мавзудаги адабиётларнинг масъул муҳаррири.

**Илмий ишларининг асосий мавзуси — «Ижтимоий соҳани ривожлантириши муаммолари, тартибга солиш усуслари ва ривожлантириши истиқболи; бошқаршида маҳаллий органларнинг роли».**

